

**УЛУҒБЕК ҲАМДАМ**

**ИСЁН  
ВА  
ИТОАТ**

**РОМАН**

**Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2003**

*У, Ҳамдамнинг ушбу романи инсон ҳаётидаги энг муҳим ҳисобланган эътиқод, иймон каби масалаларга бағишланган. Қолаверса, асар қаҳрамонлари тириклик мантиғи, руҳ ҳаловатини ҳар икки дунё тўғрисидаги мушоҳадалар ёрдамида англашга, идрок этишга уринишади. Идрок эса инсонни Исёндан воз кечиб, Итоатга келишга ундайди.*

**Тақризчилар:**

УМАРАЛИ НОРМАТОВ, филология  
фанлари доктори, профессор.  
ЖАББОР ЭШОНҚУЛ, филология  
фанлари номзоли

ISBN 5-633-01541-X

© Улуғбек Ҳамдам. «Исён ва итоат». «Янги аср авлоди», 2003 йил.

*Худо бўлмаганингдан кейин  
кўрган кунинг нима бўларди?!*

Халқдан

*Ўзига тақдир этилган қис-  
матдан воз кечишга тайёр бир-  
дан-бир мавжудот бу инсондир.*

А. Камю

*Ичингдаги исёндан қутулиб,  
итоатга келмагунингча ҳало-  
ват тополмайсан...*

Муқаддас ўғитлардан

## 1

Олам узра зулмат ҳукмрон эди у пайтлар. На қиттай ёруғлик бор эди ва на жиндай ҳаракат. Эҳтимол, мавжуд эди улар. Бироқ зулматнинг қаърида чўкиб ётарди. Бошқа ёқдан эса ёруғликни, ҳаракатни кўра оладиган, уларни идрок эта биладиган хилқатнинг ўзи йўқ эди. Фақат Тангри таоло бор эди. Вақти келиб У билинмоқни истади. Зулматнинг қорнини ёриб, бутун бошли дунё яратишни ният қилди. Ва «Ёруғлик бўлсин!» деди. Шунда зулматнинг бағри чок-чок сўкилиб ичидан нур оқиб чиқди. Дунёда зулмат ва нур, тун ва кун пайдо бўлди. Бу яратилишнинг биринчи куни эди...

## 2

Қамоқхона туйнугидан ташқарига қараб тураркан, Акбар устозининг «Хикматни уққанга гапиргин, болам, йўқса, ҳар икки томонга ҳам жабр қиласан...» деган гапларини, лоф бўлмаса, мингинчи бор хаёлидан ўтказди. Бироқ афсуски, вақтида бунга амал қилмади. Энди эса мана, бир йилдирки, аламини тортяпти. «Қизиқ, устоз ўз ўғитининг

учинчи томони борлиги ҳақида ҳам ўйлаб кўрганмикин? Ахир жоҳилга ҳикмат сўйлаб қўйиб, унинг жазосини олаётган учинчи томон — мен-ку!..»

— Намунча ўйланмасанг, бошқаларни билмадим, аммо сенга авф тегиши аниқ... Ташвишини чекмасдан, яхши-си, ёта қол, эртага гишт заводига борамиз. Биласан-ку, у ерда иш қаттиқ, — деди-да бошига адёлни тортиб, ғужанак бўлиб ётиб олди ҳамхонаси.

— Авф, авф... Билмадим, раво кўришармикин... Қанийди кўришса... Умр бу ерда бекордан-бекор ўтиб кетяпти, ахир. Фақат умрми? Соғлиқ-чи? Куч-қувват тўла ёшлигим-чи?.. Бир ойдан сўнг ўттизга чиқаман. Етти ухлаб тушимга кирмаганди ўттизинчи баҳорни қамоқда қарши-лаш. Ҳаёт қизиқ экан... йўқ... шафқатсиз экан... Менинг ҳам юрагим тобора тошга айланиб бораётганга ўхшайди. Бор-йўғи бир тарсаки қўйиб, қамалиб қолувдим. Энди эса кунда бўлмасада, ҳафтада йўқ деганда бир ташлашаман, гоҳ рақибимни мен, гоҳ рақибим мени қонга бўяйди. Бироқ энг ёмони — мен инсонга қарши бемалол, ҳеч тап тортмай қўл кўтаряпман. Шунга ўрганиб қолдим. Гўё арзимас бир нарсадек. Йўқ, қамоқ инсонни тарбия қилмайди, уни тамоман маҳв этади...

Акбарнинг димоғига баҳор аралаш бир салқин ҳаво урилади. У хаёлдан чалғиди, шунда атрофни кўра бошлади. Қамоқхона ҳовлиси чироқ ёруғида шипшийдан бўлиб кўзга «ботиб» турса-да, кўкдаги юлдузлар бир бошқача милтираб фаслар алмашивудан дарак бераётгандек эди. «Баҳор!.. — деди лаблари пичирлаб, — кела қол, кошки сенинг қучоғингда озодлик ҳақидаги ўйларимни бир зум унутсам...»

Акбар чўчиб уйғонди. Тагин ўша туш. Тагин ўша ўқувчи... Садр, унинг ҳақоратли сўзлари, кўкрагига келиб урилган мушталари... Кейин шапалоқ... суд... Судьянинг орзидан чиққан шафқатсиз ҳукм: «... уч йилга озодликдан маҳрум этилсин!» Ҳар сафар ана шу «маҳрум этилсин!» деган

сўзлардан кейин Акбар «Йўқ, йўқ, йўқ!» дея бақириб уйғониб кетади ва ҳушига келгач ҳам уни такрорлайверади: «Йўқ, йўқ, йўқ!.. Ахир бу шафқатсизлик, ахир бу адолатсизлик, ахир бу ноинсофлик, ахир бу...» — Акбарнинг нафаси бўғзига тикилиб, сўздан қолганди ўшанда. Жавобан судья «Судни ҳақорат қилганинг учун яна қўшиб беришим мумкин» деганди. Акбар эса ўзини қўярга жой тополмай, ўтирган ўрнини жон-жаҳди билан муштлаганди. Сўнг ана шу ердан ҳамманинг кўзи ўнгида, айниқса, ўз ўқувчиларининг саволга тўла нигоҳлари олдида иккала қўлига кишан солиб етаклаб кетишганди. Акбар ҳалигача шунинг аламида яшаяпти. У ўйланарди, ўйланарди-да, ўзига-ўзи «нега, нега?» дея савол бераверарди. Негалигини билмасмиди?.. Билар эди, биларди-да, ҳаддидан ошган, ҳаддидан ошгани нимаси, инсонлик қиёфасини йўқотиб, ўз ўқитувчисини ҳамманинг олдида ҳақорат қилишга ботинган ўқувчини яхши гап билан тартибга чақиришга уриниб, лекин уринишлари беҳуда кетганидан таъсирланиб... ўзини қўлга ололмай беҳосдан туширган бир тарсакиси эвазига уч йил қамоқ муддати белгилашганини ҳазм қилолмай қийналарди...

Акбарнинг уйқуси қочганди, чуқур хўрсинганча ўридан турди. Тумбочкани очиб сигарет қолдигини топиб тутатди.

— Яна уйқунг қочдим, дейман. Ишқилиб, авф беришин, йўқса, бу кетишда ўзингни еб битирасан, сен бола, — ҳамхонаси бошқа томонга ўгирилиб олди...

— Наҳотки инсон ҳаёти ҳеч нимага арзимаса? Тавба, бир тарсаки учун қамаб ташлайверса-я... Хукм қилаётганлар бу ёқда ҳам ўзига ўхшаган... Худонинг бандаси — одамзод эканини ҳеч ўйлашармикин ўзи?.. — тутунни ичига ҳар тортганда юзи ёришиб турган Акбар, энди, қачонки сигарет тугаб ўчгандан кейин гўё юрагини сиқаётган ўйларининг рангига — тун зулматига чўкиб кетгандек кўринмай қолди...

Қишлоқ. Ёз. Ариқ бўйида соч ёйиб турган райҳон ва Ҳамбилдан узиб ҳидлаб беш-олтита одам гаплашиб ўтиришибди. Вақти-вақти билан рўпарадаги эшикка қараб-қараб қўйишади. Ичкарида эса оқ яктаги, бошидаги дўпписи ўзига бирам ярашган чўққи соқол одам қаршисидаги ўзи тенгқур оқсоқолнинг томир уришини эшитиб кўриб, дардини айтиб турибди.

— Эшитдингизми-йўқми, бутун шогирдингиз чиқибди? — табиб узатган дори халтачаларини оларкан сўраб қолди кекса бемор.

— Ҳа!.. — деди-ю табибнинг юзи ёришиб кетди. Кейин жиддий тортиб «дардингиз ўша — ўт пуфагида шамоллаш бор. Манави дориларни, қанақа қилиб ичишини биласиз. Нафсингизни тийиб, ёғли нарсалардан парҳез қилинг, йўқса, анқонинг уруғиям кор этмайди сизга...» деди.

— Устоз, энди мен нима қилишимни билмаяпман. Чиққанзимга ҳам бир ой бўлди, лекин ишга ҳеч қўлим бормапти. Мактабга эса олишмас экан, олгандаям ким борарди энди? Ўзи кўп зериккандим у ерда...

— Ҳа-а, мана гап қаерда? Қўлингни ўша бетамизга кўтартирган иблис ҳам асли шу... зерикиш бўлган. Сенга неча марта айтдим, ҳар қушнинг ўз парвоз майдони бўлади, сен ўзингникини топгин, деб. Унамадинг, туғилган жойим дединг, ота-онам дединг, энди эса бола-чақам дейсан. Ҳеч қаерга кетмайман, дейсан, — табиб зўр бериб деча бор такрорлаган муддаосини яна Акбарга тушундира кетди.

— Нима фойдаси бор бунинг, жойни алмаштириш билан бирон нима ўзгариб қолармиди? Ҳамма нарса жонимга тегди, ҳамма нарсадан, ҳатто одамлардан ҳам кўнглим қолди. Яшашдан зерикдим. Гуё ҳаётимнинг маъноси қолмагандек...

— Акбар, ўзингдан эшитай. Болани қандай ҳолатда урдинг, нега урдинг, ўшанда нима бўлган эди ўзи?..

— Қўйсангиз-чи, устоз, энди бундан нима наф?..

— Сен айтавер. Дунёда шундай нарсалар борки, уларнинг фойда ва зарари кўзга кўринмайди, сўзга эса илашмайди. Сен айтавер...

## 5

Ўшанда... дарс вақти эди. Битирувчи синф болаларидан бир нечтаси дарсга кирмай теннис ўйнашаётган экан. Одиларига келиб, ўйинни тўхтатиб, дарсга киришларини талаб қилдим. Шунда ўша... Садр «Кирмаймиз, бир ҳафтадан кейин мактабни битирадиган бўлсак, ўқидик нима-ю, ўқимадик нима?» деди. Жаҳлим чиқса-да тушунтирмақчи бўлдим. Интизом, мактабга, ўн йил таълим-тарбия берган ўқитувчига ҳурмат ҳақида гапирдим. Бефойда. Қайтага ошкора кибр билан «Қўлингиздан нима келади, мен дарсга кирмайман» — деди. Тўғриси, етти-саккиз йилдан бери мактабда ишлаб, ўқувчидан бунақа муомала кўрмагандим. Дадил бориб, қўлидаги ракеткани олмақчи бўлувдим кўрагимдан шунақа туртиб юбордики, орқамга кетиб тойиб йиқилдим. Шериклари пиқилаб, у эса хохолаб кулишди. Мён довдираб қолдим. Ўша аснода гўё иккига бўлиниб кетдим. Битта парчам бу ҳолатни — ўз ўқувчиси томонидан ҳақоратланиб тупроққа беланиб ётган ўқитувчини кўриб турарди ва айнан шу парчам яраланган шердек наъра тортанча олдинга ташланди. Ҳушимга келганимда Садр ерда ағанаб ётарди. Шерикларининг айтишича, мен бир тарсаки қўйган эканман. Судда бўлса...

— Садрнинг отасини билмасмидинг, учига чиққан фирибгар, муттаҳам. Боласи ҳам шундай-да. Улар атайин ҳам шунақа мажора қидириб юришади. Сен эса шартта иланиб ўтирибсан.

— Ҳа устоз, буни кейин... пул талаб қилишганда тушундим. Шунда берган аризамизни қайтариб оламиз дейиш-

ди. Мен бир сўм ҳам бермадим. Отаси икки-уч келди, «шу пулни бергин-да қутулгин, ёш жонингни ая, жувонмарг бўп кетмагин», деди. «Пулсиз ҳам аризангизни қайтиб олаверсангиз-чи, ахир бир жойнинг, бир маҳалланинг одамимизку!» десам, «Яхшиликча берсанг бердинг, бўлмаса, амалдор укамга айтиб умрингни қамоқда чиритаман!..» — дейди палит.

— Ҳм... шунақа деганмиди... — табиб бошини сарак-сарак қилди. Тушундим, ўғлим, тушундим. Етар, ортиқ гапирма. Тур ўрнингдан, яна бир бағримга босай, — табиб ўзига иккита келадиган алпқомат Акбарни эгиб кучоқлади, сўнг пешонасидан ўпди-да «йўлга чиқишинг керак, ўғлим!..» деди.

## 6

Устозининг сўнгги гапини Акбар яхши тушунди. У авваллари ҳам буни айтган. Устоз бошқа шогирдларига ҳам шундай деганми-йўқми, Акбар буни билмайди, эшитмаган чунки... Бироқ унинг ўзига кўп бор айтган: «Сенинг ичинг тўла галаён, исён... Йўлга чиқмоғинг керак!» — дерди у. Бироқ қандай йўл? Саёҳатми, турмуш тарзини ўзгартиришми ва ёки машаққатли мушоҳада йўлими? — буни билмайди Акбар. Сўраб кўрган, уни ўзинг ҳал қил, деган жавобни олгач, тилини тишлаган. Ҳозир ҳам устозидан ўша гапни такрор эшитганида Акбарнинг «чурқ» этмаганининг сабаби шунда. Жимгина уйи томон одимларкан, энди ўйини бошқа нарсалар банд этганди. Акбар устозига кўп гапларини айтолмай қолди. Ахир кўришмаганларига бир ярим йил бўлди, қанча гаплар йиғилиб қолганди, сўрайдиган нарсалари бор эди. Айниқса, бир ярим йиллик қамоқ вақтида кўнглида пайдо бўлиб, уни борлиқ ва йўқлик аро саргардон қилган кечинмалари хусусида фикрлашмоқчи эди. Ахир айнан шу кечинмалар уни замин узра мустаҳкам турган оёқларига болта урди-да. У ҳали суд бўлмасидан буруноқ маҳкамада ҳайвонларча калтаклашганда ва



эртасига «танла, фалон сўм пул берасанми ёки кечаги кунинг давом этишини хоҳлайсанми?» — дея қонун ҳимоячиларининг муғомбирона тиржайишларига биринчи бор дуч келганда туйғуларининг остин-устин бўлганини яхши эслайди. Ҳушини тўплаб олиб, бошига тушган кўргилик салмоғини идрок этгунга қадар анча-мунча таёқ еб қўйди. Кейин эса погондиларнинг ибораси билан айтганда «ақли кириб қолди» ва йўқлаб турган қариндошларидан талаб қилинган пулни олиб келишларин истай бошлади. Бу ҳол у қамалганидан кейин ҳам пича муддат давом этди. Акбар ўз кунини «тинчроқ» ўтишини хоҳлаб қандай тадбирлару тақлифлар устида бош қотирмади, дейсиз. Қамоқда-чи, илк кунларининг «роҳати»ни ҳар ҳафтада сотиб олишга тўғри келди. У ерда одамзод эмас, гўё ақл ва руҳдан бутунлай маҳрум, аллақандай икки оёқли, одамсимон маҳлуқлар юргандек эди. Акбар ана ўшаларга аввалига ўхшай олмай, кейин эса ўхшай бошлагани учун қийналди. Бу орада ҳўп калтак еди, пул берди, елиб югуриб ишлади... Бироқ у жисмонан кучли эди, меҳнатда пишган, абжир йигит эди. Қамоқдаги тартиб интизомни андак тушуниб олгач ва у ердагиларга ўхшашни ўзи ҳам истай бошлагач эса кунлари «тўловларсиз» ҳам хотиржам ўта бошлади. Чунки қўл-оёғига кишан урган кўрқув туйғуси дастлабки ойлардаёқ уни тарк этган, энди Акбар ўзига иш буюрган борми, туртиб ўтиб кетган борми, нимадир талаб қилган борми, фарқи йўқ, қарсиллатиб солаверарди. Тез орада унга атрофдагиларнинг биронтаси юрак ютиб тик боқолмайдиган бўлди ва иш бироз чуқурлашиб... аламзадалар бир сафар тўдалашиб калтаклашди ҳам. Акбар шундаям қайтмади, то кўз олди қоронғилашиб ҳушини йўқотгунча мушглашганини эслайди... Кейин бир ойлар чамаси қимирламай ётиб даволанди. Тузалиб кетгач эса ҳаммаси изига тушди қолди: ҳеч ким унинг мушугини «пишт» демади, у ҳам бировга бошлаб озор беришдан ўзини тийди. Шунда тушундики, қамоқхона бу — кучли ва ожизнинг ит-мушук бўладиган жойи экан. У ерда инсоният шу

чоққача яратган маданиятдан асар ҳам йўқ эди. Инсон қамоқхона эшигини очиб кирар экан, туғилгандан шу ёшигача ўзига юқтира олган неки эзгулик бор, ҳаммасини ечиб ташлаб, ичкарига яланғоч бадан, қайноқ қон оқиб тургувчи вужуд билан кирар эди Акбарнинг назарида. «Дарвин ўз назариясини гўё қамоқхонада ўтириб ёзгандек ёки маҳбусларга атагандек» — деб қўярди у аҳён-аҳёнда ...

Акбар шулар ҳақида ҳам устози билан гаплашмоққа, ундан яна бир вақтлардагидек руҳий далда, маънавий йўлланма олмоққа умид қилганди. Йўқса, ҳаммаси бирам жўн, бирам зерикарли бўлиб кетдики, ўзини қўйгани жой тополмай типирчиларди...

## 7

Яратилишнинг иккинчи куни бошланди. Бунда Худованд осмонни ердан айирди, гумбазни осмон, қуруқликни эса ер деб атади. Кейинги қатор кунларда ерни макон тутиб, кўкни ёпинчиқ этиб ўсадиган ўсимликлар, дарахтларни дунёга келтирди, кўкни ва ерни тўлдириб учадиган, юрадиган гала-гала қушлар, тўда тўда ҳайвонларни яратди. Зулмат ва нурнинг алмашиб туриши ва олам узра бир мувозанат бўлиши учун кўкда қуёш, ой ва юлдузларни бор этди. Ва буларнинг ҳаммасини хуш кўрди.

## 8

— Дада, аям овқат пишиймади, биз қуйуқ нон еб ўтирибмиз, — остонада ўтириб олиб шиша қопқоқларини «чика-пика» дея ўйнаб ўтирган ўғли дарвозадан кириб келган Акбарга шикоят қилди.

— Нега энди қилмас экан?

— Гўшсиз қилмайман, дейди. Картошка жонига тегибди. Гўш обкеб бейсангиз бўлмайдимми? — катталардек гапирди болакай.

— Дада, овқат егим келяпти... — энди қатиқ ичган бўлса керак — ичкаридан чиқиб келган қизалоғининг лаб-лунжлари оқ эди.

Акбар чўкка тушиб болаларини имлаганди — улар чоп-қилаб келиб дадаларининг улкан бағрига ўзларини отди. Ота паллапонларини юзларидан чўлп-чўлп ўпаркан, кўзларига аччиқ ёш келди, — бўлади, гўшт ҳам, овқат ҳам бўлади, болажонларим, — деди.

## 9

— Саккиз тонна, — деди тарозубон Акбарга қараб.

— Саккиз тонна!.. — капалаги учиб кетди Акбарнинг. - Оғайни, яна бир марта тортгин, адашаётгандирсан, балки...

— Саккиз тонна, — пинагини бузмай жавоб берди яна кўккўз тарозубон.

Акбар ҳайдовчига қаради. Ҳайдовчи елка қисди. Акбар тутақди:

— Сен ўн икки тонна бўлди, демаганмидинг?..

— Машинани ҳам ўйлаш керак, биродар, сенларга қанча кўп бўлса шунча яхши, менга енгил бўлгани маъқул, моторим қийналмаслиги керак. Машина менга ҳар куни лозим...

— Сенга фалон сўм бериб йўлқира қилиб келсаму, бу ёқда молнинг учдан бири етмай турса. Ўзи-ку, қовунни насияга олган бўлсам, боришим билан эгалари «пулим» деб уйимга келса, ҳа, бунақада мени хонавайрон қилган бўп чиқмаяпсанми, баччағар?..

— Мен билмайман, бу ёғи сенинг ишинг. Келишиланган пулни бер-да, қовунингни бозорга тушириб ол.

— Сен ҳам пулингнинг учдан иккисини оласан!..

— Нима, ўйлаб гапиряпсанми, ўзбек? Қаерга келганингни унутиб қўйибсан чоғи... — Акбардан ҳам бўйдор ва басавлатроқ ҳайдовчи бирдан унинг ёқасига ёпишди.

Акбар бир силтанди-да рақибининг юзига бор кучи билан мушт туширди. Ҳайдовчи гандираклаб йиқилди. Акбар ўзини унинг устига ташлади, юз кўзи аралаш дўппослай кетди...

Кўргуликлар шундан кейин бошланди. Ҳайдовчи шу ерлик — Челябинсклик эди. У шаҳарнинг норасмий хўжайини — мафиясига Акбарни «сотди». Акбар шўрлик бор йўғидан айрилди. Мафия ҳайдовчининг ҳақини берди-да, қолган қовуннинг ҳаммасини тортиб олди. Устига устак Акбарнинг бўйнига яна шунча — саккиз тонна қовун «илиб қўйди». Уни ўзларига қарашли квартирага жойлаштириб, ортидан иккита барзангини «қўриқчи» қилди. Акбар «қовун иши»ни акаси Нурмат билан шериклашиб бошлаганди. Келишувга биноан Акбар биринчи машина билан Челябинска келиб бозорни билиши, чамага тўғри келса, Нурматга телефон қилиши, бу ҳам ҳаялламай иккинчи машина билан йўлга чиқиши лозим эди. Бироқ Акбар қайси юз билан ва нима деб телефон қилишини билмай бир неча кунни ўтказди. Ўша ерда — бозорда ишлайдиган ўзбек йигитларига маслаҳат солиб кўрди. Улар ҳам бунинг ҳолига ачинишди, ҳатто бир-иккита тузукроқлари иш таклиф қилишди ҳам. Бироқ Акбарни мушкулотдан холос қиладиган йўлни топиб беришга ожизлик қилишди. Бу орада унинг эркинлиги чегараланиб борар — барзангилар уни ўз ҳолига қўймас, уй қамоғига солиб қўйишганди. Ўйлаб-ўйлаб ахийри Нурматга телефон қилиб вазиятни тушунтирди, ёвуз, ҳеч нимадан тап тортмайдиган одамларнинг қўлига тушиб, чорасиз қолганини ҳам яшириб ўтирмади. Ахир, нима қилса ҳам акаси, ўз жигарини бегона юртларда қийналишини хоҳламас... Нурмат эса тутақди, Акбарни урушди, қадамини «хосиятсиз» деди, сўнг тақиллатиб гўшакни қўйиб қўйди. Бироқ эртасига отаси билан гаплашди. Ота Акбарни хавотир олмаслигини, бир «камаз» қовун тайёрлаётганлигини ва бугун-эртага жўнатиб юборишини айтди. Акбарни кўнгли бироз таскин топди, бироқ энди ундаги кўрқув ўрнини аримас ҳижолатпазлик эгаллаб олди...

Тошкент. Лариса хола бозорча томондан кичик бир халта кўтариб инқилаб-синқиллаб юриб келди-да кўп қаватли уйнинг рўпарасидаги ўтиргичлардан бирига нафас ростлаш учун чўкди. Шу ўтирганича кун оғдиям, қўзғалмади. У ёқдан бу ёққа ўтганларнинг берган саломларига бош қимирлатиб алик оларди-ю, уларнинг кимлиги билан қизиқмас, фақат бир бурда бўлиб қолган юзига майин табассум расмини солганча ўтирарди...

Шу тобда хола ўйини Маҳкам билан ораларида бўлиб ўтган тунов кунги аҳдлашув банд этган. Маҳалла оқсоқоли ва улурлари хузурида Маҳкам қариб қолган аёлга қарайман, боқаман, кун битиб ўлса, ўз удумига кўра кўмаман деб, Лариса хола эса буларнинг эвазига уч хонали уйимни Маҳкамга васият қилиб қолдираман, деб сўз беришди. Эртага улар нотариусга боришади. Маҳкам кампирга бир кор-ҳол бўлмасидан бурун васиятномани расмийлаштириб қўйишни истади. Холанинг рози бўлишдан ўзга чораси қолмади. Бироқ уни ўйлатаётган нарса умри давомида орттирган бирдан бир матоҳи — уйини етти ёт бегонага хатлаб бераётганини эмас, йўқ, балки бошқа сабаб — чархи фалакнинг бир айланиб инсон қисматини «дод» деб юборадиган даржада аччиқлатиб юборишини пайқай бошлагани эди...

— Бабуля, ёрдам керакми?

— А?.. Ҳа, Диана сенмисан, майли қизим, олақол, — Лариса хола халтасини қўшнисига узатди-да ўзи бу сарвқомат, гўзал қизни кузатганча ортидан бир-бир босиб тўртинчи қаватга чиқа бошлади.

— Мана, бабуля, — Диана халтани Лариса холага узатди эшик олдида етиб келишгач.

— Раҳмат қизим, раҳмат... Ҳа, айтгандек, ёшинг неччида қизим?

— Йигирма олтида, — ажабланиб жавоб қилди Диана.

— Бабулянгни кечир, қариб, миям айниб бораётганга ўхшайди. Лекин қизим, фарзандсиз ўтма, дейман. Ёш, куч-

қувват тўла вақтингда туғиб ол. Эр қиласанми, йўқми, буни ўзинг биласан, лекин фарзандсиз ўтма, жон болам...

— Ҳали ёшману бабуля, улгурсам керак.

— Ўттиздан кейин умр жуда тез ўтади, улгуриш қийин бўлади, сен ўттизгача ҳаракат қил, қизим.

— Майли, бабуля, кўрармиз, — Диана ўз эшигини очиб ичкари кириб кетди...

Хола эса ўйланиб қолди.

— Мен ҳам бир вақтлар худди сендек эдим. Эркакларнинг оғзидан сувини қочирадиган даражада чиройли эдим. Ҳатто ўзим ўз ҳуснимга маҳлиё бўлиб, виқор билан юрардим. Харидорларим бошимдаги соч толаларимдан-да кўп эди чамамда. Ҳатто турмушга чиқиб, ёшим бироз қайтгандан кейин ҳам улар ортимдан гул кўтариб юришарди. Эҳ-ҳе, нимасини айтай... Бир умр ўлгунимча шундай севимли бўлиб юраман деганимними ёки сенингкидек хипча белимни бузиб қўяман деб хомиладор бўлиб қолишдан кўрққанларимними?.. Эрим раҳматлик, қанча истаганди бола кўришни, қанча ёлборганди мен нодонга... У-ку вақтида кетди, ёлғиз қолиб тирноққа зор бўлган, фарзанд қадрини билган ва куйган мен бўлдим... Вой, нега нолияпман? Бунга ҳаққим борми ўзи? Қиамишимга яраша жазосини олмаяпманми, ахир?..

## 11

Ҳамма нарса муҳайё бўлган эди: ер ва кўк, сув ва ҳаво, хайвонот ва наботот... барча — барчаси... Фақат буларнинг устидан ҳокимлик қиладиган ва энг муҳими, дунёни, унинг Яратувчисини идрок этадиган, англаб биладиган зот ҳали яратилмаганди. Шунда Оллоҳ таоло ўзининг шоҳ асари — Одамни ўз суратида, илоҳий шамойилда тупроқдан ясадида унинг димоғига ҳаёт нафасини пуфлаб, жон ато этди...

Еттинчи кун эса Оллоҳ яратишдан тинди. Чунки бу кунга қадар халқ этилган борлиқ Унинг билиниши ва ёдларда мудом қолиши учун етарли эди...

Челябинск. Акбарнинг кутгани бўлмади. Ўн кундан ошдиямки, на Нурмат ва на бир машина қовун келди. Барзангилар уни уриб, қистовга олишдан, Акбар қишлоққа такрор-такрор телефон қилишдан чарчамади. Ниҳоят, ўн бешинчи кун отаси билан гаплашди. Аён бўлишича Нурмат қовунни Челябинскка етмасдан йўлда пуллаб, изига қайтибди. Акбарнинг «Нега?» деган саволига ота «Нурмат хиёнат қилди» деб қисқа жавоб берди. Акбар беихтиёр «Энди мен нима қиламан!..» деб юборди. Орага узоқ жимлик чўкди. Сўнг отанинг оғир хўрсингани эшитилди...

— Нима гап, ўзбек?.. — Акбар гўшакни жойига қўяр-қўймай, барзангилардан бири унга қараб юрди, — Агар жонингдан умидинг бўлса, бизни лақиллатишни ўйлама, — дағдага қилди у.

— Ҳеч гап йўқ, қовун ҳам йўқ.. — галати хотиржамлик билан жавоб берди Акбар ва бир зумда ўйлай бошлади, — қаёққа кетди мендаги ҳадик, қўрқув, ҳаяжон?..

— Чего, чего!.. Ты что узбек, нух потерял что ли? — Саша, «Boss»ни чақир, — барзанги Акбарга яқинлашиб мушт туширди. Акбар шуни кутиб турганди, чап берди ва ён томонга қараб қолган рақибининг биқинига зарб билан тизза урди. Барзанги зумда ерга ағанади ва гужанак бўлиб кўкариб тиришиб қолди. Акбар пайтдан фойдаланиб қочиб чиқмоқчи бўлди, бироқ эшикни ундан олдинроқ очиб тўртта барзанги қуршовида «Boss» деганлари кириб келди.

— Ҳай, ҳай, ҳай... ҳали бунақасини кўрганим йўғиди, — «Boss» энгашиб, ерда ётганнинг ҳолига қаради, — нима гап, Олег, тузукмисан?..

Олег оғир-оғир нафас олиб ўрнидан турди ва Акбарга ташланди...

Акбар юзига урилган муздек сувдан кейин ҳушига келди. У кўнгли айниб, боши гувиллаб айланаётганини ҳис

қилди. Кўзини очиб тепасида ўзига қараб турган бир тўда одамни кўрди.

— Ўзбек, ё қарзингни тўла ё бўлмаса, тезроқ дунё билан видолаш, — Акбарнинг юзига яқин келиб гапирди бо-яги Олег.

— Қани сенларнинг каттанг? — аранг овози чиқиб сўради Акбар ундан.

— «Boss», ўзбек сени қабулига чақиряпти, — Олег масхараномуз кулиб четлашди.

— Ўтқазинглар уни, — ўзи ҳам бир стул олиб Акбарнинг қаршисига, шундоқ тумшуғи остига ўтирди «Boss», — нима дейсан, гапир?

Акбар боя боши айланиб ерда ётганида ҳеч нимани англамаганди, энди атрофга қараб алақандай улкан бир комбинатнинг ичида эканлигини тушунди, бадани бир музлаб ўтди, — нияти ёмон буларнинг, — ўйлади у. Бироқ тушуниб турардики, энди ёвуз зўравонларга маъқул келдиган бирон жўяли таклифи йўқ эди.

— Қандай ҳолга тушганимни изоҳсиз ҳам яхши тушуниб турибман. Лекин мени қийнаб бирон нарса ундириб оламан, деб хомтама бўлма, йўқ ўша нарса, тушундингми, йўқ!..

— Бўлдими? — «Boss» йигитларига имлади. Икки йигит Акбарнинг қўлтиғидан маҳкам ушлашди.

— Сенларга умримда илк бор дуч келдим. Бироқ эшитишимча, сенлар мард бўлишинг керак эди. Қани ўша мардлик! Ахир мен бировнинг ҳақини емадим. Қайтага мени алдаган ҳайдовчи билан мол ачиғида ёқалашдим, холос. Сен эса, — Акбар «Boss»нинг кўзларига тик боқди, — ҳақиқатни ахтариб ўтирмай, ўз ҳамшаҳарингни, ҳаммиллатингни ҳимоя қилдинг!.. Шу ерда паст кетдинг, борлиқ майда одамлардек иш кўрдинг... — Акбарнинг ҳаммаёғи дабдала эди, юзларига бошидан сизиб қон оқиб турарди.

— Ўлимдан кўрқмайсанми?..

— Кўрқаман. Фақат бошқа чора бўлмагандан кейин кўрқувдан нима фойда?..



— Ўлдирма, деб ялинмайсанми?

— Йўқ!...

— Нера?

— Сен барибир билганингдан қолмайсан.

«Boss» «бошланг» дегандек қўли билан имо қилди. Боядан бери Акбарни тутиб турган барзангилар уни судраб нарироқда айланиб ишлаб турган аллақандай машина яқинига олиб келишди. Улкан чуқурликда жойлаштирилган ва чор томони панжара билан ўралган бу машина гўшт майдалайдиган баҳайбат «мясорубка» эканлигини Акбар энди англади. Тилига дуо кўчиб чиқди. Кўз олдига ўғли ва қизи намоён бўлди. Сўнг улар аччиқ ёшларга тўлди.

— Ҳали вақт бор, тиз чўкиб ёлборсанг, тирик қолишинг мумкин, ўзбек!.. — орқадан «Boss»нинг овози эшитилди.

— Ўзбеклигимдан ташқари яна мен эркакман!!.. — бақирди Акбар унга беҳуда ҳамла қилиб.

Барзангилардан бири унинг қўлидан, иккинчиси оёғидан ушлаб олиб, худди беланчакдек у ёқдан буёққа тебратганча панжара оша бир маромда шағиллаб айланиб турган темир тишлар орасига сўйилиб, нимталанган ҳайвон парчасидек отворишга шайланишди. Акбарнинг тағин боши айланди, кўз ўнгида дунё тебрана бошлади, «Бу ахир адолатсизлик-ку, Художон!» — деган аламли ўй хаёлидан кечди. Сўнг барзангилар отиб юборди шекилли, учди, учиб бораркан, хаёлига ҳеч нима келмай қолди; на ширин-шакар болалари, на хотини, на отаси ва на онаси, ҳеч ким! Ҳатто дуони ҳам унутди. Фақат исён бор эди балки унинг юрагида! Исён бўлгандаям, ўз қисматига, қисматининг аламли, дунёнинг фирибдан, зўравонликдан, адолатсизликдан иборат эканлигига қарши аримас ИСЁН!.. Агар мана шу лаҳзада — Акбарнинг вужуди ҳавода бир муддат муаллақ осилиб турган шу қалтис онларда унинг ботинидагини сўзга кўчириш мумкин бўлганда эди, эҳтимол, «Сен ҳам адолатсизмисан, Худоим?!..» деган мазмунда бўлармиди... Агар ҳаракатга кўчирилганда Акбар тура солиб Яратганининг ёқасига ёпишарди. ■

Акбар гупилаб қаттиқ жойга бориб тушди. Кўзлари чирт юмилган эди, даҳшатли нимадир содир бўлишини кутиб, уларни бир муддат очмади, очолмади. Сўнг қулоқлари остида оёқ товушини эшитди, кўзларини очиб аввал «Boss»нинг туфлисини, кейин бутун вужудини кўрди. «Boss» унга тикилиб турарди... У чўнтагидан ниманидир олиб Акбарнинг кўкрагига ташлади. Акбар осонроқ қимирлаши мумкин бўлган қўлини чўзиб уни олди ва юзига яқин олиб келиб қаради: бир даста пул! Яна кўм-кўк...

— Нега? Нима учун?...

— Эркак битта сенми дунёда!.. — «Boss» бурилиб шаҳдам одимлаб кетди, орқасидан қолганлар эргашди...

### 13

Кўлига қайчи тутиб боғдаги дарахтларга тартиб бериб юраркан, табиб Акбарни ўйлардй: «Нега мунча йўқ бўп кетдийкан? Тирик бормикин ишқилиб?.. Болагинам ичидаги фалаённи тинчлантиргунча ўзи соб бўп кетмасайди. Ҳали биронта одамда бунақа кучли туғённи кўрмагандим. Менда-ям унчалик эмасди-ёв...»

Табиб жуда кўпдан бери сўққабош яшайди. Хотини қизини олиб бошқа турмуш қилиб кетганига ҳам йигирма йилдан ошди. Қайтиб уйланмади. Шундай қилсам яна бир ожизани бахтсиз қилмаган бўламан, деб ҳисоблади. Қариндош-уруғу қўни-қўшни, маҳалла-кўй ўртасидаги муносабати бинойидек, улар билан ҳар кун гаплашади, қишлоғида у даволамаган одам йўқ ҳисоби. Қуёшга талпинган ўсимликдек ҳамма унга интилади. Бироқ нима қилсин, қисмат экан, пешона экан, табиб ёлғиз... Шу йўлни ўзи танлади, тақдирини ўзи бунёд этди.

Мамлакатнинг энг яхши тиббий лабораториясидан устидан жинойий иш қўзғатилиб, ишдан қувилганига ҳам кўп бўлган. У вақтда хотини, қизи ёнида эди. Кейин қамалди, беш йил ўтирди, кейин... ҳаммаси соб бўлди. На иши, на у билан боғлиқ орзу умидлари ва на оила... ҳеч вақо...

Ҳаммаси гўё кучли шамолда ҳар томонга учиб кетган пардек кўздан — унинг ҳаётидан ғойиб бўлди.

Қамоқдан чиққач, уйига кундузи — ҳамманинг кўриши мумкин бўлган пайтда келишни хоҳламай кечаси келди ва не ёзиқки, уни ҳаётнинг яна бир синови кутиб турганди: уйда ўзи билан лабораторияда ишлаган ҳамкасб эркаклардан бирига дуч келди... Тортишиб ўтиришнинг фойдаси йўқ эди: хиёнатни кўпинча аёллар авф этади, бироқ эркакнинг фитратида нима борки, кечириши маҳол?.. Нима қилишини билмай қизига талпинди, бироқ у бегона одамдан (отаси қамалганида қизалоқ бор-йўғи икки ёшда эди!) ётсираб, аясига ёпишди... У гўё бу ерда — ўз уйида, ўз оиласида ортиқча эди. Мана шуни ҳис қилганида ботини ғалаёнга тўлди... Ўзини ташқарига отди... Шундагина нес бўлиб қотиб қолган хотини ҳушини тўпади, шундагина нима воқеа рўй берганини англади, шекилли, эрининг орқасидан чопди, зиналардан ўзини отди...

— Нима қилаяпсан, тўхта!... Мен сенга ҳаммасини тунунтираман. Олдинда айбдорман, буни биламан, инкор этмайман, лекин сен ўйлаганчалик эмас. Тўхта, тўхта-санг-чи!..

Табиб ўшанда тўхтаганди... нафрат тўла нигоҳи билан хотинининг юрак-бағрини ўйиб ташлаганди.

— Нега, нега энди сен ҳам... — у гапини тутата олмай ютинганди...

— Беш йил ёш аёлга узоқ муддат экан, мени кечир... — ёлборганди хотини.

— Мен-чи, мен?!..

— Сенинг ўрнингда мен кечирардим.. Сен ҳам кечиришинг керак!..

— Мен эркакман ахир!..

— Эркак одам эмасми?..

— Бас қил, бас!.. Қизни... қизимни хор қилма... — Табиб ўзини зинадан пастга отганди ва шу кетишда қишлоққа — туғилган юртига қайтиб келганди. Ўша-ўша шу ерда яшайди, шаҳарга қайтиб бормади, ўша-ўша орзулар қано-

тида парвоз қилмайди, ҳолини билади... Яқин-яқингача мактабда химия-биологиядан дарс бериб юрди, айти чоғда одамларни даволашдан ҳам ўзини тўхтатолмади. Қарабсизки, умр ҳам бир думалаб, ўзининг энг баланд довонларига кеп қопти...

## 14

Лариса хола офир уйғонди. Кўпдан шунақа. Айниқса, раҳматли эридан кейин ҳайҳотдек уйда ўзини ёлғиз ҳис қилгач, баъзан кечалари билан миужжа қоқмайдиган одат чиқарди. Қўшуйқу. Уйланмай, дейди, лекин барибир, хаёл ўлгур тортиб кетаверади. Дам ёшлиги ўтган Волга дарёси соҳилидаги сўлим қишлоғи, ота-онаси ёдига тушиб тўлғонса, дам талабалик йиллари, дўст-дугоналарини эслаб, Тошкентга илк келган ва ҳаммани ўзига қаратиб юрган, кейинроқ эри билан танишган-севишган кезларини эслаб энтикар-эзиларди... Бу кеча ҳам амаллаб тонг оқартирди. Шундай бўлса-да кун ёйилганига қарамай ўрнидан қимирламай ётаверди. Ниҳоят, «Хотиралар сиртмоқдек бўйнимдан бўғадилар-а...» дедию ўрнидан ҳафсаласизгина турди. Юз-қўлини ювгач тараддуланиб қолди: «Нима қилсам экан?..» Аста юриб бориб телевизор устидаги газетани қўлига олди, у ёқ-бу ёққа аланглаб турди-турди-да, нарироқдаги креслога офир чўқди. Газетанинг теледастур ёзилган қисмини очиб, шошимай, бир чеккадан ўша кунги рўйхатни кўздан кечира бошлади... Нималарнидир ручка билан белгилаб қўйди. Ярим соатлардан сўнг аранг кўзғалиб, газетани яна жўйига қўйди. Каловланиб балконга чиқди, пастга қаради: қўшни кампирлар — Раҳбар ва Вералар гап сотиб ўтиришибди.

— Ҳей, — Лариса хола чақирди ўтирганларни, — ҳозир тушаман, кетиб қолмай туринглр...

Акбарнинг оёқ-қўллари қақшаб оғрирди. Улар калтак зарбидан чунонам эзилгандики, ҳатто бошқариб бўлмай-дигандек эди. Лекин турган ерида ортиқ қолиб бўлмасди. Гарчи зўравонлар кетган эса-да, ярим йўлда фикрини ўзгартириб қайтиб кеп қолса нима бўлади? Устига-устак Акбарга мардлик қилиб бир боғлам пул ташлаб кетишган бўлса... Акбар тишини тишига қўйиб ҳаракатга келди, нарироқда турган стул олдига судралиб борди-да, унга суяниб ўрнидан туриб олди ва шунда чап қўлидаги кучли, чидаб бўлмас оғриққа дуч келди: у синган эди...

Бироздан сўнг Акбар ташқарида турарди ва боши қотиб қолганди: бу ер шаҳар эмас экан. Шаҳар ҳув анави чироқлар ичида «яшарди». Акбар эндигина чиқиб улгурган дарвоза ортида одамлар товушини эшитиши билан оғриққа ҳам қарамай зулмат қўйнига шошди. У чироқларни мўлжалга олди...

Йўлда дам йиқилар, дам турар, дам судралар, дам инграр... лекин муҳими, олдинга интиларди. Оқибатда анча йўлни босиб қўйди, бироқ чарчади, ҳоли-тинкаси қуриди, чалқанча ётганча осмонга тикилди: вужудида оғриқ ҳукмрон эди, лекин у чаман-чаман очилиб турган юдузлару тўлин ойни, ҳуш кеча сеҳрини ҳис қилишга монё бўлолмади. Акбар ўзига-ўзи пичирларди: «Дунёда ҳеч бир нарса, ҳеч қандай мақсад инсоннинг бундай хор бўлишига арзимайди. Ахир ҳаёт қанча ширин бўлса, умр шунча қисқа, инсон шунча ожиз. Шундай экан, нега у ўз куч-қудратига кўра яшамайди. Мудом кўпроққа, каттароққа ошиқади, ҳеч қачон ўзиники бўлмаслигини билгани ҳолда дунёларни ўзига бўйсундирмоққа, ҳамма нарсага эга чиқмоққа талпинади?.. Мен-чи, мен?.. Нима қилиб юрибман бу ерларда — бегона юртларда? Бир бурда нонни ўз юртимда топиб ёяолмасмидим? Топардим, бироқ мен ҳам одамларга ўхшаб тузукроқ еб, тузукроқ кийишни ҳавас қилдим. Умидли дунё экан, нимагадир умид қилар экансан. Бироқ, аксарият

қолларда умид ва ҳаваснинг комига тортилиб кетганини сезмасакансан, киши. Аслида инсон ўз истаклари устидан ҳоким турмоғи керак эмасми?.. Бошқа томондан эса ҳаммаси бир гўр: сен ўз истакларингга қул бўласанми ёки уларни итдек орқангдан эргаштириб юрасанми, орадаги фарқ унча каттага ўхшамайди: натижа барибир битта: инсонлик малол, қисматимиз малол. Малол, малол!!! Лекин қизиғи шундаки, эртага мен бу аччиқ иқрорни унутаман-да, ҳеч нима бўлмагандек яна орзуларга бериламан. Мен буни биламан...

Мундоғ ўйлаб қарасам, мен танамнинг ҳузур қилиб яшаш йўлидаги истагига бўйсуниб, ўзимни турфа қийноқларга гирифторм қилиб ўтирибман экан. Бор-йўғи— шу: жисмнинг — эрта-индин ўлиб-чириб, тупроққа қўшилиб кетгувчи вужуднинг хархашалари учун шунча заҳматми?.. Агар заҳматнинг ортида нимадир — арзигулик қандайдир нарса, воқеа-ҳодиса сени кутиб турганда бошқа гап эди. Ахир натижа ҳеч-да ёки деярли ҳеч! Бунга қандоқ чидаш мумкин!?..» — Акбар ўгирилиб ерга юзтубан ётиб олди, бироқ мушоҳададан тўхтамади. — Ҳар қандай улуғ иш бошламагин, ҳаммасининг охири қайғули ниҳоя, кимни, қандай гўзал қизни, аёлни севмагин, барининг сўнгги айрилиқ, надомат, умринг узоқ бўлиб қанча яшамасин, барибир, ўлимни ҳатлаб ўтолмайсан. Инсонга тегишли неки бор, ҳаммаси кунпая-кун бўлишга, чанг зарраларидек тўзғиб кетишга маҳкум бўлса... додингни кимга айтасан?.. Худого!.. Бироқ эй Худо, қани энди мен Сендан бир мисқол тушуна олсам, балки шундагина ҳаётнинг, инсон умрининг мазмуни, мантиғи деган нарсалар устидан изтироб билан ўйлашларимни бас қилармидим?.. Йўқса, чекаётган заҳматларингнинг зое кетишига, қилаётган, қилмоқчи бўлаётган эзгу амалларинг, ишлаётган савобларингнинг изсиз йўқолишига, умуман, кун келиб сендан, сенинг хотирангдан асар ҳам қолмаслигига қандай чидаш мумкин?.. Бу ахир адолатсизлик, жабр ва зулм эмасми?.. Ёки ҳамма гап шулар-

нинг барини сенга берилган қисқа умр — бир лаҳзада ҳис қилишингдами маъни? Агар инсон ҳаёти фақат ўлимгача бўлса, унинг бутун ҳукмронлиги — тириклиги фақат замин устидагина эса, унда ҳеч қандай илоҳийю ҳеч қандай инсоний қонун-қоидага, ҳукм-фармонга бўйсунмай, кўнгил нимани тусаса, шуни қилиб яшаш мумкин эканда! Ўғирлик, муттаҳамлик табиий ҳол, зўрлаш-ўлдириш оддий эҳтиёж бўларкан-да!.. Агар инсон ҳаёти ўлимдан кейин ҳам давом этса... Вой Худойим-ей, бу ҳақда ҳали ҳеч ким бирон тузукроқ гап айта олмаган, ҳеч ким ҳеч нима билмайди. Мавжуд гапларнинг бари тусмол ва тахминдан нари эмас. Фақат ўлибгина бу муаммонинг тагига етиш мумкин, бироқ ўлган киши қайтиб тирилмаганидек, у англаган, билган гап ҳам бу ёруғ оламга ҳеч қачон етиб келмайди... Астаффируллоҳ, наҳотки инсон англашининг энг юқори чўққиси фақат тахмин бўлса?.. Наҳот ўлимгача бўлган ҳаётимиз алал-оқибатда пешонамизга «Аросат!» деб битилган эса!.. Наҳотки, кўра-била туриб Худо инсонга нажот қўлини чўзмаса?.. Нега шунақа, нега Худо инсоннинг ичига ундан минг марта, миллион марта кучли иблисни яшириб қўйиб, яна унинг ёнига шайтонга қарши кураш заруратини ҳам жойлаб қўйган? Наҳотки, одамзоднинг енгиб чиқиш имкони жуда ҳам кам бўлишига қарамай, Худойим бу тенгсиз жангни тамоша қилишдан чарчамайди?.. Устига устак, инсоннинг енгиб чиқишга ундайди, ғолиб бўлмасанг, мендан шафқат кутма, дейди... Ҳайҳот!..

## 16

Оллоҳ таоло Одамнинг ҳеч нарсадан кам бўлмай яшамоғи учун Адан боғини бунёд этди. Унга турли-туман дарахтлар ўтқазди, ирмоқлар келтирди. Сўнг Одамни у ерга қўйиб: «Сен бу боғнинг ҳар бир дарахтидан еявергин. Фақат яхши ва ёмонни билиш дарахтидан ема. Чунки ундан еганинг қуниёқ ўласан» дея буюрди...

Турсунбой жонталаш кечгача тинмай буғдой ўрди. Ҳатто «Кейс»нинг замонавий кабинасидан тушмасдан тушлик қилиб олди. Уйдан олволган каттакон нонини дурранинг устида майдалади, термосдаги чойдан каттакон темир кружкасига тўндириб қуйди-да ичига икки бўлак қанд ташлади. Сўнг бир бурда нонни тўғраб ивитди, бир пас тин олгач, худди қайнатма шўрвани ичгандек терлаб-пишиб еб-ичиб олди. Сўнг «Бисмилло» деб яна ўримга тушиб кетди...

Шомда шериги келгачгина уйига қайтди. Дарвозадан кира солиб томорқанинг этагида азонлаб тайёрлаб қўйгани лой «боши»га келди. Этигининг ости билан дўмпайиб турган лойни босиб-босиб кўрди: қотиброқ қопти. Дарҳол иккита пақирни кўтариб нарироқдаги, иш учун махсус тайёрланган қудуқдан сув олиб септи. Кейин чеккасида туриб олиб лойнинг бир учидан кетмонда чопиб чиқарди-да, қолипга уриб фишт қуя бошлади...

Шу кўйи то хотини овқатга чақиргунча давом этди. Овқатни ҳам иш бошига обкелтирди, апил-тапил еди. Сўнг кечаси ишлаш учун сим тортиб, чироқ ўрнатди. Ўғли ҳам эски кийимларини кийиб бир соатлар чамаси отага ёрдамлашди, бироқ кўпга чидамади, «ишдан чарчаб келдим, тонг саҳарлаб яна кетишим керак, сизга айтгандим-ку бунақа тифиз пайтда фишт қуймайлик, деб», дея Турсунбой жонталаш билан бироз ади-бади ҳам айтишди. Кейин жуфтакни ростлади. Турсунбой жонталаш эса тун яримлаётганига, тинкаси қуриганига қарамай ишлади, лой эртагача қолса қотади, деди-да ишлайверди. Ниҳоят, сўнгги қолипни ташлади, ўзи ҳам шундоқ ён томондаги ажриққа думалаб тарашадек қотди...

Орадан икки-икки ярим соатлар ўтди-ўтмади, хўрознинг илк қичқиригиданоқ уйғонган Турсунбой жонталаш ҳовли тарафга юрди. Сўнг юз-қўлини ариқдаги сувга чайди, офилхонадаги мол-қўйга ўт берди, қайтиб яна тупроқ



ўйиб, навбатдаги лойга ҳозирлик кўра бошлади. Анча фурсатдан сўнг хотини нонуштага чақирди, бирга чой ичишди. Кейин эса хомток қилди. Ниҳоят кун ёйилиб, шудринг қуригач, белига нонини тугиб, қўлига термосини олганча бир-бир босиб далага — буғдой ўримига жўнади. Бу орада у этигини ечиб, терлаган ва қисилган оёқларини ювиб тозалаб, уларга дам бериш зарурлиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмади...

## 18

Диана кўзини очганда кун тиккага келганди. Ҳаво совутгич ишлаб турганига қарамай, уй иссиқдек туюлди унга. Эринибгина қўзғалди, музлатгичдан шарбат олиб ичди. Сўнг тўғри ойна қаршисига борди. Илиқ сув билан юзидаги макнажини аста юва бошлади. Пардоз-андоз қилди, кийинишидан олдин эса болконга чиқиб пастга — машинасига кўз ташлади, ўша ерданоқ калитдаги тугмачани босиб, моторни ишлатиб қўйди... Енгил кийимларини устига илиб ташқари чиқаркан, осифлиқ соатга қаради: ўн икки ярим. Дарахтлар остида — ҳар доимги жойида Лариса хола ва яна икки-уч кампир гаплашиб ўтиришарди, салом бериб ёнларидан машинаси томон ўтди. Машинага ўтирганда ҳам, йўлда ҳам, кафега кириб нонушта буюриб сигарета тутатганда ҳам кампирларнинг ўзини ғийбат қилаётгани ҳақида ўйлади. Фақат кампирларми, бутун кўпқаватли уй, ён-верда яшовчилар, хуллас, уни таниган-билган, ҳатто кўрган-эшитганлар ўзи тўғрисида кўп гапиришларини сезиб юради. Баъзан ана шундай танишлар олдидан ўтиб қолганда уларнинг бари бирваракайига тикилиб турганини кўриб-билиб қолади. Авваллари буни қабул қилолмасди, дам аччиқланарди, дам ҳижолат чекарди. Бора-бора кўникди. Энди Диана англاردики, бир вақтлар нафрат билан, ижирғаниш билан, ҳатто жирканиш билан қараган одамларнинг аксарияти нигоҳида аввалги кескинлик йўқ. Энди уларнинг айримларида қизиқиш, бошқаларида ҳасад, кўпчилик эр-

какларда эса эҳтирос аралаш муносабат пайдо бўлганди. Қолаверса, Диана кўникди — нафратга ҳам, муҳаббатга ҳам. Дунё шунақа яратилган эканки, нимаики қилмагин, атрофингдагилар ё мақташади ё бўлмаса сўкишади. Диана буни ҳам тушунди, тушунгани сайин эса ўз билганидан қолмайдиган бўлди...

Хаёлга фарқ бўлган Диана чўнтак телефонининг овозидан чўчиб ҳушига келди. Бежирим бармоқлари орасида сўниб бўлаёзган сигаретни кулдонда эзаркан, гаплашди:

— Алло, ҳам... Яхши, яхши... Фақат ўтган гадақаси бўлмасин. Агар яна ўшанақа кўполи бўлса, мени чақирма. Дианага пуддан бошқа нарсалар ҳам керак. Кечки ўн иккида дейсанми? — Хўп. Ўша жой-а?.. Яхши...

## 19

Табибнинг нияти улуғ эди. У ҳар тонг шу ниятни амалга ошираман, дея бардам ўрнидан турар ва ишхонага чопарди. Бир неча йил шу алфозда яшади, чарчамади, тинмади. Табибнинг хатти-ҳаракатини четдан кузатиб турган одам бўлса, шубҳасиз, «жамики одамзот тақдирини шу кишининг виждонига юклатилган», деб ўйлаши мумкин эди.

Дарҳақиқат, одамзотнинг бутун тақдирига бўлмаса ҳам унинг соғлигига ўзини масъул биларди табиб ўша кезлар. Чунки бола экан, онасининг тумов бўлиб узоқ вақт тўшакка миҳланиб қолгани ва шу кўйи бошқа ўрнидан туролмай вафот этгани унга қаттиқ таъсир қилганди. Шундан сўнг отаси ҳам кўп яшамади. Онасининг қирқи чиқмай бандаликни бажо келтирди. Шу-шу боланинг мурғак кўнгида барча касалликларга қарши алақандай нафрат туйғуси пайдо бўлганди. Ҳатто ҳалигача ҳам табиб ана шу ҳисни сезиб яшайди. У мактабни битирмасдан кўп йиллар одиноқ келажакда ким бўлишини аниқ-тиниқ биларди: врач! Фақат врачгина дарддан қийналаётган одамга реал ёрдам беришга қодир, — деб ўйларди у ўша вақт-

да, — қолган барча соҳаларда бундай қудрат йўқ, улар ё сафсата тўқийди ё ёрдам тўғрисида ваъдалар беради. Одамлар эса айни чоғдаги кечиктирилмас ёрдамга муҳтож. «Дўхтир бўлгин болажоним, менга ўхшаб дард олиб ётиб қолганлар жонига оро кирасан, ҳаётдан умидини узганларга яна умид берасан, оёққа турғизасан, дуосини оласан...» — деган эди онаси ўлим олдидан.

Лекин танлаган йўлининг осон эмаслиги кейин аён бўлди. Институтда ўқиб юрган кезларида дўхтирликнинг «иссиқ-совуғи»ни, бор масъулиятини англади, ҳис қилди. Тирик организмда мавжуд касалликлар ҳақида тобора кенроқ ва чуқурроқ билиб бораркан, даҳшатдан нари бориб бери келарди. «Наҳотки шунча касаллик бор бўлса, наҳотки одамзот уларнинг барига чидаб келаётган эса!..» — дерди у ўзига ўзи тўлқинланиб кетганида. Баъзан кўнгли ғалаёнга келарди: «Тирик организм борки, барча-барчасининг ҳаёти омонат. Улар гўё энди-энди узиламан, деб турган қилнинг устида тургандек ва бундан — ўз қисматларидан беҳабардек. Ахир «манаман» деган энг соғлом вужудда ҳам билимсиз равишда кечадиган қанча касаллик, қанча бошқа майда организмлар бўлмайди, дейсиз. Буларнинг барчасига қарамай, масеҳан, инсоннинг тик юриши ва кўпинча ўзини соғлом ҳис этиши, бу — мўъжиза!»

Юқори курсларга ўтиб, бирон мутахассисликни танлайдиган вақти келганда ҳам у бир қарорга келмаганди: «Қайси дардни даволасамикан?» дея иккиланарди. Чунки дарднинг ҳаммаси ҳам жиддий, ҳаммаси ҳам бир умр тер тўқиб меҳнат қилишни талаб этарди. Ахир икки хил дард билан жиддий ётиб қолган беморлар ҳолини ажратиб, бирдан иккинчисини устун ё паст қўйиш мумкинми? Уларнинг ҳар иккиси ҳам шифога муҳтож, ҳар иккиси ҳам сендан –врачдан «мўъжиза»лар кутади. Бироқ, барибир, танлаш кераклигини тобора яхшироқ тушуниб борарди.

Шундай тараддудда юрган кезлари унинг ўзи қаттиқ шамоллаб ётиб қолди. Аввалги кунлар икки қават тўшакнинг ичида ҳам совуқ қотди, безгак тутгандек қалтиради,

кейин эса иситма чиқди, боши оғриди, ўзини ланж ҳис қилди, лабларига учуқлар тошди, ишгаҳаси бутуналай кесилди... У гриппга чалинганини яхши биларди, илгари ҳам кўп бор оғриган бу дард билан. Лекин «ҳа, тумов тегибди» деб бепи-садлик билан муносабатда бўлар, ҳатто касалликни оёқда туриб енгиб юборарди. Энди... Энди мана уч ҳафтадир тўшақдан туролмайди: гўё бутун аъзолари дардга чалинган-дек, биронта соғ жойи қолмагандек ҳис этарди ўзини. Ва зўр бериб «бунима, қандай бемаъни касаллик ўзи?» дея ўйлана бошлади. Бунга сари дард чўзилгандан чўзилар, ҳеч адоғи, тузаладиган сиёқи йўқдек эди. Гриппнинг ўта ўткир юқум-ли инфекцияга эга хасталик эканлигини яхши биларди, би-роқ энди ана шу дарднинг зўри билан унинг ўзи юзма-юз келаётганди. Илгари — бу дардга чалинган кезлари у дард-нинг илмий тафсилотидан бежабар эди, энди эса хабардор ва у ўз вужудида грипп касаллигини тажрибадан ўтказаёт-ганди. Гриппга тегишли ўзимизда ва чет элда чиққан кўплаб йирик-йирик илмий ишларни талаба дўстлари орқали топ-тирди ва тўшақка михланиб ётаркан, уларни ўрганишга ҳаракат қилди. Бир йилда ер юзида гриппдан ўлаётганлар ҳақидаги статистик маълумот залворини мушоҳада қилиб эса ёқа ушлади. Онасини эслади, уни ҳам аслида шу дард олиб кетмаганмиди!.. Китобда гриппдан, асосан, иммунитет-ти паст, заиф кишилар — қариялар ва болалар кўпроқ ази-ят чекадилар, ўлим ҳам улар ҳисобига бўлади» деб ёзилган. Ўрта Осиё шароитида қариялар ва болаларгина эмас, кат-тааларнинг ҳам касалликка қарши курашиш қобилияти ту-шиб кетган-ку! Турмуш даражасининг пастлиги, ҳар-хил за-ҳарли кимёвий моддалардан кенг фойдаланиш одамда кам-қонлик, бўғоқ каби хасталикларнинг урчиб кетишига, на-тижада иммунитетнинг ёппасига тушишига олиб келмаган-ми?.. Демак, грипп бизда яшаётган ҳар қандай инсон ҳаётига жиддий хавф солаётган экан. Қолаверса, қариялар ва болалар одам эмасми?..» — дея ўйлар ва сиқиларди у.

Шу-шу грипп хасталиги тўғрисида кўп бош қотиради-ган, унинг тарихи, турли кўринишларини қизиқиб ўргана-

диган бўлди. Дўстлари, ўқитувчилар уни жарроҳлик йўлидан кетади, деб юришган экан, «оддий бир бўлимга ўтиб кетди» — деб ҳайрон бўлишди, баъзан ҳатто насиҳат қилишди. «Педиатрлик жарроҳликни эплай олмайдиган нўноқларнинг иши, сенга нима бўлдики, келиб-келиб шуни танлаб ўтирибсан? Бутун истеъдодингни бор-йўғи грипп касаллигини ўрганишга бағишламоқчисан. Грипп нима деган гап, иккита дори билан битта витамин ёзиб бериш шунча қийинми, уни анави калласида алиф ҳам турмайдиган «қассоб»лар ҳам қилаверишади...»

Лекин у фикридан қайтмади. Ўша воқеадан кейинги барча талабалик ишларини айнан грипп хасталиги, унинг тарихи, келиб чиқиш сабаблари ва асосан, уни даволаш кабиларни тадқиқига бағишлади. Айни пайтда яна эътирозлар туғилди: «Ахир бу нарсалар шу вақтгача обдон ўрганилган бўлса, грипп бўйича айтилмаган, ёзилмаган гапнинг ўзи қолмаган бўлса, сен яна нималар қилиб беришинг мумкин?» — дейишди. У эса йўлидан қолмади. «Ахир шунча иш қилинган бўлишига қарамай, гриппнинг давоси топилагани йўқ-ку! Битта игна ё ҳапдори билан ё бўлмаса чақалоқлигида қилинадиган эмлашлар билан грипп касаллиги бутунлай йўқ этилмаган-ку!..»

«Бизнинг кўпчилигимиз йилда бир-икки марта гриппга чалинганимиз ва бунинг асоратида яна бошқа дардларга мойил бўптурганимиз ҳолда нега унга оддий ва майда бир касалликдек бепарво қараймиз?..» — деб ўртанарди. Бунга жавобан ўқитувчи-профессорлар «грипп ҳар йили ёки вақти-вақти билан ўз хусусиятини ўзгартириб туради. Шунинг учун бу йилги гриппга қарши ишлаб чиқилган эмламалар янаги мавсумда келадиган ва ўз табиатини ўзгартириб улгурган гриппга таъсир қилолмайди. Бинобарин, бу касалликни битта дори билан даф қилиб бўлмайди», дейишарди. У эса ўйланар ва изланарди: «Нега энди? Ахир мана шу ўзгариб турувчи ва натижада бир-биридан қайсидир хусусиятига кўра фарқладиган касалликнинг ҳам умумий муштарак жиҳатлари бўлади. Шундай бир

эмлама ихтиро қилинсинки, унда ўша муштарақ жиҳатларга таъсир этадиган қувват бўлсин ва у гриппнинг томирини кессин» — деб орзу қиларди.

## 20

Лариса хола тушликка қадар гоҳ униси билан, гоҳ буни-си билан гаплашиб ўтирди. Уйга ҳеч киргиси келмади. Ниҳоят, гаплашгани одам топилмай қолгачгина оғир хўрсиниб ўрнидан турди. Бир-бир босиб, ҳар қаватда тин олиб-олиб уйига кўтарилиди. Музлатгични очиб пишлоқ олди, паррак қилиб кесди-да, ноннинг орасига қўйди, кейин каттакон кружкасига шакар солиб, термосдаги чойдан қўйди. Нонни тишлади, бироқ у қаалин бўп кетгани боис ўнғайсизлик сизди, орадаги пишлоқни олиб алоҳида, ноннинг ўзини алоҳида тишлаб тушлик қилади. Кейин эринмай, жуда ҳасослик билан овқатланган жойини йиғиштириб артди, кружка ва чойқошиқни ювиб жой-жойига қўйди. Ҳар сафаргидек хобхонага йўналди. Бироқ уйқу келмади, ўзини у ёқдан буёққа ташлаб кўрди — бўлмади. Туриб ўтирди. Хонага, нарсаларга разм солди: улар ўзига қанча қадрдон бўлса, шунча жонига ҳам теккан эди. Қўзғалиб рўпарасидаги кийим-кечак жавонини очди, ичидаги — не замонлардан бери кийилмаган кийимларига кўзи тушди. Беихтиёр уларни силади, энгашиб ҳидлади. Сўнг эшикни ёпди, энди жавоннинг ўзини силай бошлади, ундан ён томондаги деворга ўтиб, осивлик портретни, соатни силади... хўрлиги келиб, ўпкаси тўлди, кейин... кейин ўкириб йиғлаб юборди...

## 21

Ақбар икки ойлар чамаси даволангачгина рус тупроғини тарқ этди. Уйига қайтар экан, у ўзини онадан янги туғилгандек ҳис қиларди. Йўқ, бундай эмас, балки нақд ўлимдан мўъжиза туфайли омон қолган одамнинг ҳолини кечирарди шу тобда. Бироқ, барибир, дўппини кўкка отиб ўйнайдиган кайфияти йўқ: асабий ва айни пайтда совуққон эди...

Устозининг олдига келганида ҳам шу руҳда эди.

— Ҳаётнинг маънисини, инсонликнинг мазмуни нимада, устоз?..

Табиб узоқ вақт шогирдига синовчан боқиб турди ва тушундики, унинг ичида ҳамма нарса — одам ва олам тўғрисидаги илгариги тасавурлар алғов-далғов бўлиб кетибди. Акбарни қийнаётган нарса ана шу. Энди у ўз бо-тинида янги тартиб ўрнатишга эҳтиёж сезаётганди. Аслида саволга Акбарнинг ўз жавоби бор эди, лекин у энди йўқ бўлганга ўхшарди. «Нимадир содир бўлган» дея мулоҳаза қиларди табиб. Ва жавобни айнан шу ўрталардан излади.

— Илгари сенда ҳам бу саволга аниқ жавоб бор эди, ўғлим. Менинг жавобимни ҳам билардинг. Энди кўриб турибманки, сени на ўзингнинг ва на менинг жавобим қониқтиради. Чунки лом-мим демаганингга қарамай, жуда катта синоатни бошингдан кечирганга ўхшайсан. Энди сен янги бир жавобга, ўзингнинг шу тобдаги кайфиятингга мос сўзларга эҳтиёж сезаяпсан. Бироқ мен бундай жавобни айтишга қодир эмасман. Чунки ичингдагидан, кейинги уч-тўрт ой мобайнида сен кечирган воқеалардан, уларнинг сенга таъсири даражасидан беҳабарман. Хабардор бўлганимда нима, барибир, сени тамоман қониқтирадиган жавоб айтишим душвор. Ахир мен уларни ўз танамда синаб кўрмаган, балки бор-йўғи эшитган бўламан-да. Агар шунга қаноат ҳосил қилсанг, гапир, нима бўлди?..

Энди Акбар устозига синовчан боқиб қолди... Сўнг томдан тараша тушгандай қилиб кетишга руҳсат сўради...

Уйига келди. Хотини бир коса овқатни олдига қўяркан, деди:

— Нурматни нега йўқлаб бордингиз? Яна совға-салом оловлаганингизга ўлайми?..

Акбар ялт этиб унга қаради:

— Энди сен қолувдинг бошимни қотирмаган. Ўша сен айтаётган Нурмат иблис бўлганда ҳам менинг акам бўла-

ди. Уни «Нурмат» деб беҳурмат қилишинг, билиб қўй, мени беҳурмат қилишинг бўлади.

— Сиз ҳам ўз қадрингизни билинг-да! Бегона юртларда қорасига зор бўлиб турганингизда акамлар ярим йўлда молини пуллаб жуфтакни ростлаганлар. Алам қилмайдимиз?..

— Фарида!..

Фарида жим бўлди. Сўнг аста бориб чой дамлаб келтирди.

— Ўтир.

— Ишларим кўп...

— Шаҳарга кетамизми?

— А?.. — Фарида беихтиёр ўтирди.

— Шаҳарга кетайлик, дейман, — кулди Акбар хотинининг ҳолидан.

— Ҳазиллашманг...

— Ҳазиллашаётганим йўқ. Мен бу ерга сизмаяпман. Бир қарорга келдим: шаҳарга кетамиз! — жиддий гапирди Акбар.

— Вой Худойим-эй...

## 22

Ўша кунги суҳбатдан бир ҳафта ўтар-ўтмай Акбар шаҳарга келди. У бу ерда институтни тамомлаган, шаҳарни яхши билади: тўғри уй бозорига борди... Сотаман, деган тўлиб-тошиб ётган экан, бир ҳужжатлари тайёр одамнинг уйини эртасигаёқ расмийлаштириб олди.

Эгалари саришта кишилар экан, уй чиннидек тоза ва бинойидек эди. Акбар ҳеч нимага қўл урмади. Фақат бўшаб қолган хоналарга ул-бул харид қилди-да «Энди бола-чақани обкелсам бўлаверади», деб ўйлади.

## 23

Турсунбой жонталаш ҳар сафаргидек барвақт уйғонди. Ҳовли тарафга ўтиб келди, юз-қўлини ювди. Этигига оёғини тикди-да янги солинаётган иморат томон юрди. Айланиб, иш салмоғини чамалаб кўрди: шу зайлда ишлаб



турса қишгача битиб қолади. Бориб ўғлини уйғотсами? Ҳе, йўқ. Кечагига ўхшаб бақириб берса... Яхшиси, ўзи қила-веради. Меҳнатдан одам ўлмайди. Меҳнат қилган одам хор бўлмайди. Қайтага дангасанинг бири икки бўлмайди. Лекин болалар буни тушунмайди негадир. Уларга ўйин-кулги бўлса... Мана шу иморат ҳам ўғлига атаб қуриляпти-ю, у бўлса худди мардикорлик қилаётгандек бурнини жийиради, ишлагиси келмайди, «Ё кундузи ишлай ё кечаси» дейди, қолган пайтда инсон дам олиши керакмиш, тавба... Турсунбой жонталаш ана шу хаёллар билан қўлига пақир олди. Унга кечагидан қолган сомонли лой солиб тўлдирди. Инқиллай-синқиллай деворнинг сувалаётган жойига келди. Тонготар ғира-ширасида пайпаслаб андавани топди, қотиб қолган лойини ерга уриб қоқди, сўнг силлиқ қисмини обдон ювди-да ишга киришди...

Кун ёйилганда хотини уни нонуштага чақирди. Турсунбой жонталаш ишнинг мўлжалдаги қисмини битиролмаганидан афсус чека-чека, ўзига-ўзи ғудрана— ғудрана қўлини ювди, бориб ҳар галгидек этигини ечмаслик учун пойгакка чўқди, суви қочган нонни синдирди:

— Қовун обке, — деди-да, белбоғига боғланган пичоқни қинидан суғурди.

— Ҳар куни қовун билан нон эканда-а? — бидиллаганча хотини қовун келтирди.

— Қовунда ҳикмат кўп, — насиҳатга тушди Турсунбой ака, — қовун есанг саҳар е, деганларидек...

— Ҳар саҳарда қовун е, демагандир ўша машойихларингиз ё ўзлари Худонинг берган куни шигаб қовун емагандир. Қозон ўлгурнинг гўшт кўрмаганига ҳам икки ой бўлди...

— Ўз қорнимнинг деявер, қозоннинг тили йўқ айтгани, — ҳазиллашди Турсунбой ака.

— Сизга гап уқтириб бўлармиди ўзи. Дунёда колбаса, пишлоқ деган нарсалар ҳам борлигини биласизми сиз?..

— Кофирнинг емишини гапирма, — қовун тилимлаётган Турсунбой жонталаш тўхтаб хотинига ёвқараш қилди.

— Майли, емишни қўя турайлик. Эр бўлиб мундоғ одамларга ўхшаб курорту-санаторийларга бирор марта олиб бордингизми?

— Пишириб қўйибдим у ерларда!.. Иш турганда курортма-курорт юрадим одам?..

— Иш ўлгур қачон тамом бўлибди... Одам соб бўладики, иш тугамайди. Мана сиз... неча вақтдан бери ишлайсиз, ҳеч бирингиз икки бўлдимиди?..

— Нега бўлмас экан? Қиз чиқардим, ўғил уйладим, мана, иморат битяпти...

— Ўзингиз-чи, ўзингиз... Ўзингизни ҳам ҳеч ўйлаганмисиз?.. Оёғингиздаги этикни мундоқ ёчиб...

— Этикка тил теккизма! Шу этикни кийиб юрганам учун бировдан бир бурда нон тилаб кўчага чиқмаяпсан, уқдингми?.. Нонни тут, сен билан ади-бади айтиб ўтиришга вақт йўқ. Ишга кечикяпман!..

— Ҳа, ишгина ўлсин, ўлибгина қолсин ишгина... — хотини бошини сарак-сарак қилганча эрининг ортидан жавраб қолди...

Бир оздан сўнг Турсунбой жонталаш нонни белига туканча пахтазор томон йўл олди. Пайкал четида турган тракторни ёндирди. Энди у пахта терарди... Шу ўтирганча кунни кеч қилди — пахтазорга шудринг тушгандагина трактордан тушди... Ҳовли томондан уйига кириб бораркан, иморатни тагин бир айланиб чиқди, ишларни хомчўт қилди, кейин сувоқ учун яна лой ҳозирлади. Юз-қўлини ювиб ичкарига кирганда ҳамма ухлаган, уй тип-тинч эди. Ошхонага ўтиб, қозоннинг қопқоғини кўтарди. Суюқ овқат. Чўмични айлантириб кўрди — уч-тўртта картошка ва тухум бўлаклари: демак, тухум шўрва. Бироқ иситишга эринганидан токчада усти сочиқ билан ёпилган — эрталлаб ўзидан қолган қовунни тик турган кўйи тилимлаб ея бошлади. Нафсини андак қондиргач, этигини ечди, оёқларини уқалаб ювдида, пахта мавсуми бошлангандан бери илк марта ётоққа йўл олди. Узала тушиб хотинининг сочи-

га қўлини теккизди, силади. «Сочи узуну ақли қисқа-да бунинг... меҳнатнинг нималигини билмайди» — ғудранди. Хотинини уйғотгиси келди. Бироқ унинг бу истаги шиддат билан бостириб келган уйқусига аралашиб, шуурдан ўчди...

## 24

— Сен бир фоҳиша бўлсанг, нимага мен истаган жойимни ўпмайсан? — дея дағдаға қилганча Диананинг сочларидан тутамлаб ўзига қаратди бақалоқ мижоз.

— Фоҳишаман, лекин ким сизга айтди фоҳишада қадр-қиммат бўлмайди деб? — саволга савол билан жавоб берди Диана.

— Сенда қадр-қиммат борми, сенда-я! — қўлидаги сочларни қаттиқроқ буради бақалоқ. — Сендаги қадр-қимматни мен сотиб олдим-ку, яна нима қолди сенда?..

— Қолгани-ям сеникидан кам эмас!.. — қолишгиси келмади Диананинг. Ва шу заҳотиёқ юзи ва кўзи аралаш келиб тушган кучли зарбдан ҳушини йўқотиб йиқилди... Ҳушига вужудининг силкинишидан келди... Кошки ҳаммаси тутагандан кейин ҳушига келсайди. Йўқ, ҳаёт кўпинча инсоннинг истаги билан ҳисоблашиб ўтирмай ўз ҳукмини ўқиб ташлайверар экан. Унга мослашишга эса инсоннинг ўзи мажбур бўларкан... Диана, Диана!... Оҳ, шўрлик гулбадан, оҳ, чорасиз малика! Сен қанчалар гўзал ва масъум эдинг, қанчалар сервиқор ва серорзу эдинг... Атрофингда кимлар парвона бўлмаган, кимлар муҳаббат қасамини ичмаган эди. Бироқ сен ҳаммасини рад этдинг... Ҳа, рад этдинг, чунки уларнинг биронтаси хаёлингдаги шаҳзодага, ҳа-ҳа, оқ от миниб келгувчи ўша келишган, алпқомат шаҳзодага сираям ўхшамас эди. Сен уларнинг биронтасини, ҳатто тинч-тотув оила қуриб кетишинг мумкин бўлганларини ҳам, казо-казо амаллар устида ўтирганларини ҳам қабул қилмадинг, қилолмадинг. Чунки биронтасидаям ўша... шаҳзодадаги афсонавийлик етишмасди. Шунинг учун ҳам фақат уни деддинг, икки кўзинг тўрт бўлиб, юрак-

бағринг эзилиб зор-зор кутдинг, кутдинг, бироқ... бироқ у келмади... Сенинг эса яшагинг келарди, чиройли бўлгинг, турли-туман кийингинг, ширин-ширин егинг келарди. Бора-бора фикру-ёдингни фақат шу истаклар эгаллаб олди, сен шаҳзодангни унутдинг-да ҳеч кимга қарам бўлмайдиган бир ҳаётга эришмакчи бўлдинг. Бунинг учун эса пул, фақат пулгина лозим эди сенга!.. Ва у сени мана бунақа... сассиқ пулдорларнинг тагига улоқтирди...

Диана кўз ёшини ичига оқизиб, қабоқларини чирт юмганча ётаркан, шуларни илк бора хаёлидан ўтказди. Айни пайтда у ўзини аллақачон шу мақомга кўникканлигини ва энди қанча уринмасин, турмушининг бирон бўлагиниям ўзгартириши маҳоллигини теран англади. Ҳатто устидаги бақалоқ ҳар силкинганида ундан йирик-йирик ачиқимтил тер томчилари ойдаи юзига, бежирим бурнига, дўндиқ лабларига, олтинранг сочларига чак-чак томганидан юраги қинидан чиқиб кетгудек потраётганини ҳис қилиб турган бўлса ҳам...

## 25

Тиббиёт таннинг носоғлом аъзосини соғломига алмаштириш даражасига етган бир пайтда шу чоққача оддий гриппнинг давоси топилмаганига ҳеч ишонгиси келмасди табибнинг. Ўқишни тамомлагандан кейин илмий текшириш институтига йўлланма олиб, ўз режасини ўша ерда давом эттиришга жазм қилди-да бутун вақтини лабораторияда ўтказа бошлади... Лекин биронта тасалли берадиган натижага эриша олмади. Шунда «гриппнинг давоси йўқ, уни фақат енгилроқ ўтказиш учунгина беморга ёрдам бериш мумкин», деган деярли аксиома ҳолига келган қарашга ўзи ҳам ишона бошлади. Кейин бир қанча муддат бу «бўлмағур иш»дан воз кечиб, поликлиникада педиатр бўлиб ишлаб ҳам юрди. Бироқ одамларнинг грипп касалигига ҳамон илгаригидек чалиниб, илгаригидек изтироб чекаётгани табибнинг ёдидан ҳеч чиқмасди. Шундоқ

кўз ўнгида неча-нечалар ҳали-ҳануз шу оддий юкумли дард туфайли ҳаётдан кўз юмаётганди. Шунда у яна айнан грипп устида кўпроқ, жиддийроқ бош қотирмоққа тушди. Олдинига антибиотиклар тўғрисида кўп ўйлади: юзлаб бундай хил дориларнинг доминант хусусиятларини ўзига жамлаган яхлит антибиотик кашф қилишни орзулади. Кейин фикридан воз кечди. Грипп инфекцияси антибиотикларга деярли «бўйсинмай» қўйганди. Энди бутунлай янги малҳам борасида ўйлаш керак эди. Ва бу малҳам инсон организмнинг ўзагига таъсир қилиши ва шу йўсин касалликни қувиб солиши ёки уни яқин йўлатмаслиги керак эди. Табиб бутун диққат эътиборини ДНКга қаратди. Назарида бошқа йўлнинг ўзи йўқ эди, чунки организмнинг фақат моҳиятига таъсир этибгина у енголмаётган дардни бартараф қилиш мумкиндек туюларди. Режасини амалга ошириш мақсадида поликлиникадан узоқ муддатли «таътил» олдида, бор вақтини илмий-текшириш институтининг лабораториясида ўтказиш бошлади. Яна тадқиқотлар, синовлар, боши кети йўқ тажрибаю таҳлиллар бошланганди...

Бироқ натижа ёмон эмасди: у инсон организми ДНКсида шундай хусусиятларни аниқлаб олдики, булар орқали нафақат грипп инфекцияси, балки бошқа кўплаб касалликларга таъсир қилиш, ҳатто уларни бемалол бошқариш мумкиндек эди. Булар дастлабки текширувлар, тажрибалар натижаси эди. Энди хулосаларни такрор-такрор тажрибадан ўтказиш ва яна ўзга хил тажрибалар билан пишитиш, яхлит бир натижага келтириш лозим эди. Афсус, шу ерда ҳаммаси ҳавога учди. Нафақат унинг тажрибаларига, айти пайтда тадқиқотчи-ходим, энг муҳими, фуқаро сифатидаги фаолиятига ҳам нуқта қўйишди; уни институтдан ҳайдашгани етмагандек, устидан жиноий иш кўзғашди. Узундан-узоқ чўзилган суд жараёнлари бошланди, кейин... кейин «кесишди»... Чунки ДНКга оид бундай тадқиқотларни «кўринган» жойда, «кўринган» одам олиб боравермаслиги керак экан. Москвада ва яна ўша томонларда бир неча махсус институтлардаги махсус лабора-

ториянинг махсус ходимларигина тегишли кўрсатмалар асосида бундай тажрибалар ўтказишга ҳақдор экан...

Табибнинг булардан оз-моз хабари бор эди, борлиги учун ҳам ўз тажрибаларини атрофидагилардан, ҳатто шерикларидан сир тутиб келарди. Бироқ тулкидек айёр бўлган бўлим бошлиғи, ғаламис профессор табибнинг кўпдан бери қилиб юрган ноодатий тажрибаларини зимдан кузатиб юрган экан: ҳе йўқ, бе йўқ, бирдан лабораторияга—табибнинг ишлаб ўтирган ерига махсус ташкилот одамларини бошлаб кириб қолди ва ҳаммаси соб бўлди... «Ҳаммаси ўзимдан ўтди», деб кейин — узун йиллар қамоқда ўтирганда ўзини ўзи койир эдию, аслида профессорнинг ернинг тагида қимирлаган илонни пайқайдиган хушёрлиги бор гап эди. Лабораториядаги фаолиятига чек қўйилмасдан бурун у профессор билан бир неча марта грипп касаллиги ва уни эмлама билан ер юзидан — одамлар ҳаётидан бутунлай қувиб чиқариш борасида гаплашганди. Шунда у профессорга ДНКга таъсир қилиш орқали дардни олдининг олиш ва организмнинг бу касалликка чалинмаслиги йўллари ҳақида назарий мулоҳазаларини билдирган, кекса врач билан фикр алмашганди. Буларнинг барини у илмдаги сон-саноксиз йўллардан, даволаш усулларида бири сифатида назарий маънода гапирган ва профессорнинг ҳам шундай қабул қилганига шубҳа қилмаганди. «Аммо... аммо шундан кейин пайимга тушган» деб мулоҳаза юритар эди у. Аслида профессор қўл остидаги ходимларнинг берилган топшириқдан ташқари яна нима иш билан машғулликларини ҳар доим билиб юрган. Табиб ҳам бундан мустасно эмасди...

Айтгандек, яна бир гап: ўша «назарий» мувоҳасада табиб профессордан алланбало «нуқтаи назар»ни эшитиб, ҳужайра-ҳужайрасигача музлаб кетганди. У табибнинг яширин тажрибаларидан хабардор каби шипшиганди: «Гриппнинг давосини топишга умрни сарфлаб ўтиришнинг ҳеч ҳожати йўқ. Одамзод дардини оламан, деб овораи сар-

сон бўлиб, алаал-оқибат на бошқаларга, на ўзига ёрдами текканларни кўп кўрганмиз. Ҳа энди, одамларнинг ўзи ҳам бунга арзимайда-да. Қайтага гриппга ўхшаган касалликларни вақти-вақти билан кучайтириш, тарқатиб бориш керакки, ўшанда мўртроқлару заифроқлардан тозаланиб турардик. Бу ёғи дори-дормондан анча-мунча пул ишлаб олиш мумкин бўлади...»

Табибнинг индамай қолганини кўриб, профессор қалтис гапириб қўйганини ўзи ҳам сезганди, шекилли, «ҳа энди, бу бир гап-да, эътибор беришга арзимаиди», деб қўйганди.

Табибни эса ана шу суҳбат кейинчалик жуда кўп қийнади, қамоқда ётган вақтида ҳам, ундан кейин ҳам узоқ йиллар профессорнинг ўша гаплари мағзини чақмоқчи бўлди. Сирасини айтиш керак, дастлаб профессорни бу гапи учун суд қилиш зарур, деб юрган табибнинг ўзи ҳам баъзан ҳаётнинг шундай чигирикларидан ўтиб, шундай одамларга дуч келдики, оқибатда, эҳтимол, профессор бутунлай ноҳақ эмасдир. Одам боласи ҳақиқатан ҳар қандай кўргиликларга лойиққа ўхшайди, деб қолди. Бироқ, барибир, табиб табиатан некбин инсон масли у вақт ўтиши ва одамларнинг ёвузликларини аблаҳликларининг заҳми ўй-фикрини тарк этиши билан яна профессордан нафрат қила бошларди...

## 26

Лариса хола тағин ўша тушини кўрди. Тағин ўзини туғилиб ўсган ва болалиги ўтган Волга дарёси бўйидаги хутордан топди. Тағин у ҳар сафаргидек, малла, кўнғир сочли болалар қуршовида, айна чоғда навбатдагисига хомиладор ҳолда каттакон стол атрофида ўтирибди.

Яна тушига гоҳ ота-онаси, гоҳ опа-сингиллари-ю укалари, гоҳ эри кирарди. Нима бўлгандаям, улар ўтирган уйни турли ёш ва жинсдаги одамларнинг, болаларнинг овозлари, қий-чувлари тутиб ётарди... Бироқ у ҳар сафар

негадир болаларга эътибор берарди ёки уйғонганда тушининг айиннан болалар билан боғлиқ қисмини ёрқинроқ эслай оларди. Бугунги туши ҳам шундай бўлди: у стол атрофида саранжом-сарипшта кийинган ва ўз галини кутиб турган болаларга бежирим кўзачадан сут қуйиб берарди... Кейин ўзига ҳам қуйиб оҳишта ўтирибди-да секин-секин, ютум-ютум ичибди. Қорнини — хомиласини силабди... Шу ерга келганда эса уйғониб кетди. Уйғонди-да тушига кирган болаларни таниб бир ғалати бўлиб кетди: улар ўзининг туғишган опа-сингиллари ва укалари эди. Фақат болаларнинг ичида ўзини кўрмади. Шунга ҳам ўйланди. Бироқ хомила-чи?.. У мен эмасми? Ахир мен ўртанча эдим-ку? Нега энди кенжатой бўп кўриндим у ерда, нега туғилмаган бола бўлиб?.. Балки менмасдирман. Унда мен қайдаман? Ҳамма бор, битта мен йўқман? Нега?.. Она-чи? Она ким эди?..

Шу чоғ эшик кўнғироғи устма-уст жиринглади. Лариса хола чўчиб тушди. Эшикни очмасданоқ келганни билди: Маҳкам! У шунақа, орқа-олдига қарамай, баъзан ичкаридан одам чиққунгача тугмачани босиб тураверади. Агар кўнғироқ тугмасини шунақа босишини аввалроқ—нотариусга боргунларича фарқлаганда эди, Лариса хола Маҳкам билан ҳеч қанақа шартнома тузмаган бўларди. Ҳа, у бу ҳақда кўп ўйлади, ҳануз ўйлайди. Одамнинг қанақалиги унинг уйингга кириб келишидан, эшигингни қандай тақиллатишидан ҳам маълум, деб қўярди хола ўзига-ўзи ҳар гал Маҳкам кўнғироқни шунақа «светамузыка» қилиб юборганда.

— Нима гап, Бабуля? — Лариса холанинг қаршисидаги креслога чўқаркан, афти буришиброқ сўради Маҳкам.

— Нима гап бўларди, ётибман мана. Бир кун ташқарига чиқсам, икки кун тўшақдаман. «Старость — не радость» деганлари шу экан-да.

— Ҳм, — бироз жонланди Маҳкам, — Бошқа нима гап? — ҳар сафаргидек хона ичига кўз югуртирди.



— Шошилма сен, Маҳкам, — чидамади Лариса хола, — оз қолди буёғи, ўларман ҳам, уйни оларсан ҳам...

— Йўқ, йўқ, мен бу ҳақда эмас, — ўзини бўлмағур саволларини оқлашга тиришди Маҳкам қизариб-бўзариб.

— Мен... маҳалла-кўйга берган ваъдамга кўра сиздан оиламиз билан хабар олиб турибмиз, холос.

— Тўғри, раҳмат. Лекин кунда келиш шарт эмас менинг олдимга. Кейин менга овқат чиқарманлар. Қаттиқ, ёғлиқ овқатларга қийналаман. Ахир қариб-чуриган бир кампир бўлсам. Яхшиси пул бера қол. Ахир ўзинг «зарур бўлганда бераман» дегандинг.

— Пул... Пулни нима қиласиз, бабуля? — ясама кулги билан сўради Маҳкам.

— Мана, кўрмаяпсанми?.. — хола табуретка устидаги талай дориларни Маҳкамга кўрсатди. — Қариганингда бир кун соғ бўлсанг, ўн кун касал экансан...

Маҳкам бир нима демай узоқ вақт без бўлиб ўтирди. Ниҳоят, «Ойликнинг мазаси бўлмаяпти, ҳозирча амаллаб туринг, топганимда келтирарман» деди зўрға.

Лариса холанинг бўлса жаҳли чиқиб кетди:

— Мен сенга миллион-миллион сўм турадиган уйимни бераяпман-ку сен менга дорига ҳам пул бермайсанми?.. Бўлди, мен бугуноқ маҳаллани тўплайман, оқсоқолни об-келтираман, шармандангни чиқараман!.. — хола ғазабдан тутилиб-тутилиб қолди. Пайпаслаб табуретка устидан «волидол» олиб, тилининг тагига ташлади-да, қўли билан Маҳкамга «кет!» имосини қилди. Маҳкам эсанкиради. Ишнинг бунақа тус олишини кутмаган экан, шекилли, «ўзингизни босинг, тинчланинг!..» дея тўтидек такрорларди тилига бошқа гап келмасдан... Ниҳоят, чўнтагидан шартга бир даста пул чиқарди, табуреткага — дорилар орасига ташлади-да, шошилинич чиқиб кетди. Лариса холанинг бўлса юзлари буришди, кўзларини алам билан юмди...

Машинасини гаражга киритиш ҳам юрагига сифмаган Диана уни кундузлари қўядиган жойга — уйнинг рўпарасига тўхтатди-да, кўзларида ёш билан зинадан кўтарилди. Шу тобда ичига чироғ ёқса ёришмасди. Неча фурсат ўтди, лекин бугун илк марта кириб қолган йўлидан — пешонасига битилган қисматидан ўкиниб келарди, илк марта эртасини — бугунгидақа қўпол ва тарбиясиз бақалоқларга тўла келажагини ўйлаб юраги увишаётганини, ич-ичидан қалт-қалт титраётганини ҳис қиларди. Ҳа, инсон ҳаёти аччиқ ва айни пайтда қизиқ экан, олдиндан сени нима, қандай тақдир кутаётганини ҳеч-да билмас экансан. Ёшлигингда — кўзинг нурга, белинг кучга тўла вақтингда юракларинг орзулар тўлқинидан ҳапқириб ётар, нигоҳинг фақат юлдузларни кўрар экан. Кейин-чи?.. Кейин йиллар... умр ўтиб кетар экан-у орзуларинг қандай бўлган эса ўшандайлигича қалбингда қолаверар экан. Энг ёмони — гоҳи-гоҳи улар ўзи ҳақда хабар бериб ё беихтиёр ёдингга қалқиб чиқиб ё бўлмаса, тушингга кириб сени адоқсиз изтиробларга солар экан...

Диана шундай аламли ўйлар суриб эшиги олдига келиб қолганини сезмай қолди. Сумкачасидан калитини олаётганида эса рўпарадаги эшик очилиб, баланд бўйли нотаниш йигит чиқиб келди-да сўрашди:

— Салом.

Диана — эркаклар билан муносабатда ҳалигача бирон марта ўзини йўқотмаган, довдирамаган мана шу шаддод Диана ҳозир бир ғалати бўп кетди. Нотаниш йигит эшигини қулфлаётгандагина ҳушини тўплаб, аранг алик олди. Шу билан бирга унинг келишган, худди артистларникидек киши эътиборини тортадиган қадди қоматини бир муддат ихтиёрсиз равишда кузатиб қолди.

Нотаниш эркак бурилиб, аёлниг ўзига қараб турганини кўргач, майин табассум қилди-да, «Мен... сизнинг янги қўшнингиз бўламан» дея вазиятга изоҳ берди. Сўнг зина-

дан пастга туша бошлади. Икки зина ўртасидаги супачада бир сония оёқ илиб эса қўшимча қилди: «Агар шу ерда яшасангиз, албатта».

Диана яна бир қанча вақт ўша ҳолида — янги қўшинининг орқасидан кузатганча турди. Сўнг ўзига келиб, «Вой Худойим-эй, нима бўляпти менга?» деди-да эшикни очиб ичкари кирди.

У ўз қайғусини унутди. Айни чоғда кўнглида тушуниксиз бир кайфият — паришонликка яқин, тутиб, сўзга кўчириб бўлмайдиган ҳол пайдо бўлганди. Шу ҳол таъсирида сумкачасини диванга ташлади-да хаёл билан ваннахонага йўналди. Узоқ муддат баданларини ишқалаб-ишқалаб, оғритиб-оғритиб юваркан, мижозиникида обдон чўмилгани ёдига тушиб «тавба» деб қўйди. Шундай бўлса-да, яна узоқ, жуда узоқ фурсат сувдан чиқмади...

## 28

Акбар оиласини шаҳарга олиб келиб, ишга кириши керак эди. Бироқ «қаерга?» — буни билмасди. Мактабга энди оёғи тортмаётганди, бошқа жойда ишлаш фикри бўлса чўчитар, ҳаяжонга соларди. Ахир у фақат мактабда ишлаган, ўқитувчиликнигина билади, ўзга соҳаларда ишлаш қанақа бўлишидан хабарсиз. Лекин, барибир, Акбарнинг ишончи комил эдики, у ҳар қандай соҳада ишлаб кета олади. Етарки, иш бўлсин, етарки, иш унга ёқсин ва эҳтиёжларини қондирсин. Шунга қарамай, тараддудланарди, қаёққа боришини, кимга мурожаат этишини билмасди. Университетни бирга тамомлаган бир-икки танишларидан сўроқлаб кўрди. Улар «ҳа-ҳа»лашдию, лекин биронтаси «гап йўқ оғайни, мана сенга иш!» деб айтмади. Юриб-юриб, ахири яна мактабнинг рўпарасидан чиқиб қолди... Танаффус пайти экан, ўқувчилар ташқарида ўйнаб юришарди. Акбар уларнинг ёнларидан ўтиб бораркан, ўзи ишлаган қишлоқ мактаби, болалар ёдига тушди. Кўнгли бир орзиқиб тушди ҳамда алақандай англономас туйғу-

ларга тўлди. Лекин йўлида давом этди. Энди мактаб ҳовли-сидан ўтиб, узун коридорга кириб олганди. У ерда, асосан, катта синф ўқувчилари тўп-тўп бўлиб гаплашиб туришарди. Бировларидан директор хонасини сўради. Кейин улар кўрсатган томонга юраркан, қизларнинг пичир-пичир этиб ўзи ҳақида нималардир дейишаётгани қулоғига чалинди...

Директор деб ёзилган эшикни аввал тақиллатиб, сўнг оҳишта туртди. Каттакон хонанинг тўрида ёшроқ бир жувон ва атрофида уч-тўртта эркагу аёл ўқитувчилар ўзаро ниманидир маслаҳатлашиб ўтиришган экан. Ҳаммаси ҳайрон бўлиб унга қарашди. Акбар салом берди, тўрда ўтирган жувонга қараб «иш сўраб келдим» деди. На жувондан ва на ёнидагилардан бир садо чиқди... Улар Акбарга тикилганча мум тишлаб қолишганди. Чунки келган йигит жиддий гапиряптими, ҳазиллашяптими, билиб бўлмасди. Жиддий деса, бунақа йигитнинг мактабда нима иши бор, ҳазиллашяпти деса, иш сўраб остонангга бош уриб турибди.

— Сиз кимсиз ўзи, нега бу ерга келдингиз, қанақа иш қилмоқчисиз, бундоқ тушунтириб гапирсангиз-чи? — ниҳоят тилга кирди тўрда ўтирган жувон ўзига келиб.

— Мен...

— Келинг, бу ёққа ўтиринг, — жувон фавқулотда сериалтифот бўлиб қолди. Директорга яқин ўтирган кимдир ўрнидан туриб жой берди.

— Исмин Акбар, фамилиям Алиев.

— Соҳангиз?

— Ўқитувчи... Мактабда тўққиз йил тил-адабиётдан дарс берганман.

— Сиз-а?.. — ҳайратини яшириб ўтирмади директор. Қолганлар ҳам янада қизиқиброқ қулоқ осиди.

— Ҳа, нима бўпти?.. — ажабланди Акбар.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, лекин қизиқ-да. Акбаржон, сиздек... нима десам экан... — гап тополмай чайналди директор.

— Кечирасизу, сиздақа олифта йигитнинг мактабда ишлаганига ҳам, бундан буён ишлай олишига ҳам кўзимиз етмайроқ турибди, — боядан бери ҳамма қатори суҳбатни эшитиб ўтирган кексароқ эркак ўқитувчи луқма ташлади кўзойнак ортидан «қойил қилдимми?» дегандек ҳамкасбларига маъноли боқиб.

Акбар шундагина ўз қиёфасига эътибор берди: бир ярим йиллик қамоқ, сўнгра Россиядаги саргардонлик унинг қиёфасига жиддий таҳрир киритиб қўйганди. Ўша «жўмард зўравон» тортиб олинган тарвуз... эвазига икки-уч ҳисса қилиб берган пуддан эса бу ерда ўзига бир сидра тузуккина усти бош ҳам қилганди. Сарсор солса, кийим—кечакни мактабга мослаб сотиб олмаган экан: эгнида қора чарм куртка, унинг остидан бўйнини ғиппа бўлган кулранг жемпер, шими ҳам, тозонни баландгина туфлиси ҳам шу тобда роса русм бўлган тоза хилдан, қоп-қора... Бирдан хижолат тортиб кетди. Буни директор пайқади шекилли, гапга аралашди:

— Сиз домланинг гапларини кўнглингизга қаттиқ олмагн, агар ишлаб кетаман, десангиз, марҳамат, адабиётдан дарс соатларимиз бор. Бироқ бунинг учун ҳужжатларингизни кўрсатишингиз лозим, — майин жилмайди директор.

— Албатта, мен уларни олиб келаман, — Акбар ўрнидан турди, лекин нимадир айтгиси келиб тараддудланди. Директор аёл буни сезди, «яна нима гап?» дегандек унга қошини чимириб қаради.

— Яна мен... қамалиб чиққанман... Ишга олаверасизми? — дадил сўради Акбар.

Хонадагиларнинг бошидан муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Ҳатто боядан бери қулоқлари суҳбатда, қўллари қитир-қитир нимадир ёзиб турган бир-икки ўқитувчи ҳам бошларини кўтарганча ҳанг-манг бўлиб, бир Акбарга, бир раҳбарларига қарашарди. Директор эса нима дейишини билмас, боядан бери юзига чизиб турган табассу-мидан асар ҳам қолмаганди.

— Қамалиб чиққансиз?!.. — ниҳоят тилга кирди у саросимада. — Билмадим... нима қилиш керак?.. Умуман, ўқув йилининг ўртасида... ишга олиш унча-мунча саволлар туғдириши мумкин. Манимча...

— Тушунарли, — Акбар гапини тополмай пешонасини тер босиб кетган аёлни ортиқ қийнагиси келмади, — хотиржам бўлинг, мен бошқа келмайман. — У эшик томон йўнади.

— Шуниси маъқул, — ҳалиги кекса ўқитувчи эшитилар-эшитилмас гап отди кўзойнагининг устидан ёвқараш қилиб. Акбар эшикка етганди... бирдан тўхтади, бир кўнгли қайтгиси, циркда антиқа ҳайвонни тамоша қилаётгандек бўлиб ўтирган бу жамоани аччиқ-аччиқ сўзлари билан узиб-узиб олгиси келди, лекин... лекин шайтонга «ҳай» берди, илдам босиб чиқди-кетди...

## 29

Табиб вилоят марказига тушиб, бир халта газета, журнал ва китоб сотиб олди-да, изига қайтди. Унинг шундай одати бор: ҳар ойда албатта бир марта марказга келиб кетади. Касал кўришдан бўш вақтларида эса газеталарни эринмай бирма-бир мутолаа қилади. Табибни, айниқса, тиббиёт оламидаги ўзгаришлар қизиқтиради. Ўзи беморларни доривор ўтлар ёрдамида даволаса ҳам расмий тиб услубини—кимёвий дорилар аҳамиятини инкор этмайди, аксинча, ўрни келганда касалларга улардан ҳам тайин этади. Чунки у ўзининг ҳеч қачон сўнмаган қизиқиши, чанқоқлиги орқасидан замонавий тиббиёт ютуқларидан яхшигина хабардор эди. Сўнгги пайтларда америкалигу оврупалик олимларнинг ўзини бутун умр ўйлатиб, ҳаяжонлантириб келган мавзулар — ДНК занжири, тўқима ҳужайралари борасидаги изланишлари ҳамда бу йўлда қўлга киритган ютуқлари уни яна адоғи йўқ мулоҳазаларга ундаётганди. Айниқса, клонлаш — тирик организмдан нусха кўчиришдек оламшумул ва айни пайтда ғоят қалтис кашфиёт

табибнинг руҳий мувозанатини издан чиқараёзди. У олмишинчи йилларда — айни ДНК устида изланиш олиб бораётган бир пайтда яқин келажақда тиббиёт инсондан нусха кўчириш даражасида ривожланиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганди. Тўғри, ўша вақтда ҳам сичқону каламушлар воситасида кўпдан-кўп тажрибалар ўтказилганди ва буларнинг илмий натижаларидан табиб бохабар эди. Лекин ушбу тажрибалар бориб-бориб инсонни сунъий равишда кўпайтиришгача бориши етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. 1953 йилда Э. Уотсон, ва Ф. Криклар илк мартаба кашф этган ДНК молекулалари тўғрисида хабар топгандаёқ табиб ўзининг тиббий савқи табиийси билан медицинада ҳали мисли кўрилмаган инқилобий ютуқларга эришиш мумкинлигини кўп бор мулоҳаза қилган, ҳамкасблари билан ўртоқлашганди. Унинг грипп инфекциясига қарши ягона дори — эмламини топиш борасидаги барча уринишлари ижобий натижа беравермагач, секин-аста инсон ёки ҳар қандай бошқа тирик организмнинг бутун генетик тузимаси тўғрисида энг тўлиқ, энг аниқ маълумотлар бера оладиган ДНК (дезоксирибонеклеин кислота)га мурожаат орқали ўзининг муқаддас орзусига эришмакчи бўлган. Бироқ... бироқ ҳаммасининг барбод бўлганидан бизнинг ҳам билганимиз бор... Табиб ДНК ҳақидаги янги кашфиётларни ақл ва мулоҳаза тарозусида тортиб кўраркан, бир вақтлардаги уринишлари ўша профессор айтганидек, хомхаёл бўлмай, балки айни ҳақиқат эканига энди тобора кўпроқ ишониб ҳаяжонланарди. Ахир ДНКни тадқиқ этиш одамнинг генетик коди — ҳаёт китобини синчиклаб ўқиб-ўрганиб чиқиш дегани, бу китобдан ҳар қандай киши ёки жониворнинг ўтмиши, буғуни ва келажаги ҳақидаги исталган саволга жавоб топиш мумкин. Унинг наслида қандай касалликлар бўлган ва улар қачон, қайси бўғинда суяк суриши мумкин? — буларнинг барини осонгина ечса бўлади энди. Ҳамда махсус эмлаmalar билан авлоддан авлодга ўтиб келаётган дард-хасталикка умрбод чек қўйилади... Мана, тиббиёт, унинг илми қайси йўлдан бормоғи керак?.. — ҳаёл сурганча қўлидаги

журнални хонтахта устига қўйди табиб. — у изтироб чекаётган беморнинг дардини аритмоғи зарур!.. — Сўнг деворда осифлиқ соатга қараб олиб, «бисмилло» деганча намозга қўзғалди...

### 30

Акбар яна бир неча мактабу лицейлар эшигини иш илинжида тақиллатиб кўрди: натижа бўлмади. Йўқса, у қиёфасини ўзгартиришга тиршиб, сочини калталатган, эгнига костюм-шим кийим, бўйинбоғ ҳам тақиб олганди. Афсуски, буларнинг биронтаси кутилган мўлжални бермади. Тўғри, уни илк сафаргидек — ўзга сайёрадан ташриф буюрган меҳмонни кутгандек ажабланиб кутиб олишмади, лекин гап «ўтириб» чиққанига келганида ҳаммаси йўқ ердан баҳона қидириб қолишди!..

Акбар гўё халойиқ томонидан тавқи лаънат қилиниб, бу ҳақидаги ҳужжат-тахтача бўйнига осиб қўйилган каби ҳис қиларди ўзини. Шунда у одамлар ўртасидаги муносабат жудаям-жудаям мўрт эканлигини пайқаб қолди: инсон ён— атрофида ўзига заррадек бўлсин ноқулайликни ёки ноқулайлик туғдириши мумкин бўлган омилини сезса, тамом, ўшани яқинига йўлатмасликка тиш-тирноғи билан курашадиган, ўтакетган худбин мавжудод экан. У ўз роҳатини йўқотиб қўймаслик учун ҳар қандай нарсага — бошқаларнинг хонавайрон бўлишигача рози. Бу йўлда унга ўз виждонига қарши бориш ўйинчоқдек гап. Етарки, ўзининг пичоғи мойнинг устида, жони фароғатда бўлсин... Акбар ушбу тубсиз худбинлик даҳшатини англарган, тирноғигача музлаб кетгарди. Назарида одамзод секин-аста ана шу худбинлик чоҳига ботиб кетаётгандек эди...

У ишга азбаройи пулга қийналганидан эмас, балки аввало бекорчиликдан ўзини ўзи «еб» қўймаслик учун, меҳнат билан чалғиш учун кираётганди. Йўқса, ота-онасига ёрдам берганию шаҳарда уй-мебел ва яна майда-чуйдалар сотиб олганидан қолган пули бу шароитда тежаб ишлатилса, та-



гин бир неча йилга бемалол етарди. Бироқ бир томони ётиб еса тоғ ҳам туриш бермайди, дейишади, қолаверса, болалари улғайяпти, уларни яхши едириб, сара кийинтиргиси келади, бошқа ёғи боя айтилганидек, нима биландир машғул бўлиш зарурияти Акбарни ана шундай изланишларга мажбур қилаётганди. Айниқса, кейинги ойларда — шаҳардан уй олиб, ёлғиз яшай бошлагандан бери вақтида Акбар ўзини қўярга жой тополмай қолди: у ер-бу ерга иш сўраб боргандан ташқари пайтлар уйида якка қолаётган ва ўйланавериб, ўйланавериб асаблари қақшаб кетаётганди. Китоб ўқирди, кўп ўқирди, бироқ уларнинг биронтасидан ҳаётнинг, инсон умрининг моҳиятини очиб беришга қодир калитни топомасди ва бундан буён ҳам топажагига ишонмасди. Чунки алақачон тушуниб қолган эдики, дунёда қанча одам бўлса, шунча тақдир, шунча пешона ёзиғи мавжуд. Ҳеч қачон бировнинг қисмати иккинчисиникига узукка кўз қўйгандек мос тушмайди; ёки буни бошқача рамзлаш керакдир: икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаган инсонни ҳам, умрни ҳам топиш маҳол. Бас, шундай экан, китобдан ҳаётим учун йўл-йўриқ оламан, дейиш ғўрлик, болалик. Зеро, одамларнинг тақдири, дунёқараши — дунё қаричи худди уларнинг ўз бармоқ изларидек бир-бириникидан фарқланиб туради. Шундай экан, баъчага бирдек маъқул келадиган, ҳаётлари мазмунини очиб берадиган ва энг муҳими, кўнгилларни умрбод хотиржам айлайдиган СЎЗни — ҚУТЛУФ КАЛОМни қайдан ҳам топсин?!..

Шунинг учун ҳам Акбар китобни ўзига йўл-йўриқ қидириб ёки тобора қоронғи тортиб кетаётган умр йўлларини нурафшон айловчи чироқлар, машғалалар излаб эмас, балки ўзга тақдирлар саргузаштига, бошқаларнинг дунё тўғрисидаги мулоҳазаларию кайфиятига ошно бўлиб, аламлар заҳмини бир дам бўлсин унугайин, ёлғиз қолмайин, дея варақларди. Бинобарин, ҳар қачон янги бир китобни қўлига олар экан, бу ерда ўзи ҳақда ҳеч нима ёзилмаганини у жуда яхши биларди. Лекин, барибир, уни ўқишда давом этарди. Баъзан эса эрталаб чиқиб кетганича шомга қадар кезиб юрар,

китоб дўконларида соатлаб қолиб кетиб, қандайдир бошқача, қандайдир ғайритабиий асар қидирарди. Айниқса, эски китоб сотадиган дўконларга кирганда вақтнинг қандай ўтиб кетганини сезмасди. Шундай кунларнинг бирида икки-учта китобни қўлтиқлаб уйига қайтар экан, илқисдан хаёлида «нега мен китоб титяпман? Бу заҳматнинг замирида нима бор асли?» деган савол туғилди. Жавобини эса биларди, жавоби — унинг ўз ҳаёти — таскинсиз, малҳамсиз изтироблари эди, уларга малҳам топиш илинжи эди. «Тавба, дейман, ахир мен биламан-ку қидираётган нарсамни бу китоблардан тополмаслигимни... Хўш, яна нега ҳуда-беҳуда овора бўламан?..» — деб қоларди алам билан.

Шундай ўйлар билан бўлиб эшик қўнғироғи чалинганини ҳам эшитмабди. Қайта-қайта чалинганидагина ҳушига келиб, бориб очди: рўпарасида гўзал бир қиз турарди.

— Салом.

— Салом.

— Ёрдамингиз керак бўп қолди.

— Бажонидил.

— Телевизоримни бошқа жойга олиб берсангиз...

— Исмингиз нима, анчадан бери қўшнимиз-ку, бир-биримизни танимаймиз ҳам, — сўради қиз Акбар телевизорни айтилган жойга кўчириб қўйганидан сўнг.

— Акбар...

— Меники Диана... Энди ўтиринг, кофе тайёрлайман.

— Бошқа сафар, раҳмат, — Акбар эшик томон юрди.

— Сизга раҳмат... ёрдамингиз учун, — жилмайди Диана.

## 31

Акбар ташқарига чиқди. Егулик харид қилиш учун уй биқинидаги магазин томон эмас, узоқроқдаги бозорча томон кетди. Чунки куни бўйи уйда бўлгани учун вужуди ҳаракатсизликдан лоҳас бўлаёзганди. Ярим йўлда стадион ёқдан эшитилаётган қий-чувни эшитиб, бурилади: фут-

бол ўйнашаётган экан. Унинг ҳам қўшилгиси келдию, кийим-бошига қараб шаштидан тушди. Нарироқдаги турникка қўзи тушиб севинди. Ярим соатлар ўша ерда машқ қилди: кўп нарса эсидан чиқиб кетибди, уларни эслашга, аввалгидек бажаришга уринди. Бир пайтдагидек бўлма-са-да, барибир, эплай билди. Шу тарзда машқ қилиб турса, ҳадемай аввалги ҳолига кеп қолади.

Стадиондан чиқиб, бозорчага ўтди: патир, узум харид қилди-да изига қайтди. Зинадан кўтариларкан, телефон овозини эшитиб, қадамини тезлатди...

— Лаббай.

— Акбар ака, менман, Фарида... Саломалейкум!..

— Ваалейкум. Қалайсан, қадрдоним? Болалар, ота-оналар яхшими?..

— Шукр, ҳаммалари яхши. Ўзингиз-чи, тузукмисиз? Дарагингиз чиқмай кетди, нима гап ўзи?..

— Ҳаммаси жойида. Уйга ул-бул сотиб олдим. Энди бемалол яшаса бўлади. Келасизларми?..

— Борамиз-да. Бормай нима ҳам қилардик. Фақат ишдан рухсат ололганим йўқ. Бир-икки ҳафтада олсам керак. Айтмоқчи, ишга кирдингизми?

— Йўқ ҳали.

— Нимага?

— Келаверинглар-чи, иш бир гап бўлар. Ё ўзим борайми олгани?

— Ихтиёрингиз...

— Болаларни ўпиб қўй. Мабодо ёнингда эмасми?

— Йўқ, таҳририятдан чиққан эдим, бир телефон қилай дедим.

— Яхши, салом айт.

— Хўп, соғ бўлинг.

...Акбар гўшакни қўйди-да чўмилгани ваннахонага кирди... Бутун бўй-бастини кўрсатиб турган ойнага қараб хўл баданини ишқалаб артаркан, хаёлидан «Америкада яшаганимда бемалол кинода ўйнасам бўлар экан» деган ўй кечди.

Шу тоб эшик қўнғироғи садо берди. Акбар апил-тапил кийиниб эшикни очди: яна у — Диана, ҳам ҳайрон бўлди, ҳам андак ҳаяжонланди.

— Бу яна мен...

— Кўриб турибман...

Кулишди.

— Телевизорни жойига қўйиш керак, — жилмайганча бошини сарак-сарак қилди қиз.

— Нега, ўтиришмадимиз?

— Шунақароқ.

— Ҳозир кийиниб чиқаман...

## 32

Фақат Одам ёлғиз эди. Худованд эса унинг ҳам худди паррандаю даррандалар каби жуфт бўлишини истади. Шу ниятда Одамни қаттиқ уйқуга ботирди. Одам уйқуга чўмганда Оллоҳ таоло унинг қовурғасидан бирини олиб, ўрнини эт билан қоплади. Қовурғадан Одамнинг жуфтини — аёлни яратди. Кейин Одамни уйғотди. Шунда Одам Худованднинг истагига кўра «Мана, энди бу суяк менинг суякларимдир, бу эт менинг этимдандир. У «хотин киши» деб айтилади, зероки у эр кишидан олинган» — деди.

Шунинг учун ҳам кейинчалик дунёга келган ўғил-қизлар улғайиб вояга етишгач, ота-оналарини қолдириб, эр хотини билан, хотин эса эри билан бир тану бир жон бўлиб кетишар экан.

Ўша пайтлар Одам ҳам, хотини ҳам бир бирларидан уялишмасди.

## 33

Турсунбой жонталашга хотини ҳам, ўғил-қизлари ҳам Худонинг зорини қилишди: «Бугунча ишни қўйинг, акангизникига тўйга боринг» деб. Лекин у яна эрталабдан ишга отланди. Хотини орқасидан сайраб қолди. Ўғли «Эл— юртдан, одамгарчиликдан чиқиб қоляпсиз. Тўйда ҳамма отанг

қани дейишса, нима деб жавоб берамиз?» деб кўрди. Бўлмади. Панд-насиҳатларнинг бирортаси кор қилмади: белига нонини тугди, термосига чойини дамлади-да тракторини вағиллатиб далага йўл олди. Кеч куз бўлганидан пахта далаларини шудгорга таёрлаш ишлари бораётганди. Турсунбой жонталаш кўп қатори тракторида ғўза ўраётганди... Шом тушиб кўзи эгатларни тузук-қуруқ илғамай қолганидагина тракторни даладан чиқарди. Уйи олдида маторни ўчириб, ичкари кирди: жамоа жам, демак, тўйни ўтказиб қайтишганди. Энди айвонда ўтириб олиб бир-бировига таассуротларини гапириб-қулишиб ўтиришарди. Дарвоза томондан томоқ қириб келаётган отани кўриши билан аввал қизлари, сўнг ўғли салом бериб Турсунбой жонталашнинг ёнидан ўз хоналарига қараб жўнаб қолишди.

— Нима бўлди болаларинг мени кўришлари билан туриб кетишди? — юз-қўлини ҳам ювмай этиги билан айвонга кириб келган Турсунбой жонталаш хотинидан сўради.

— Ўзингиз биласиз-ку сабабини...

— Билмайман!.. — жаҳди чиқди Турсунбой жонталашнинг.

— Тўйда изза бўлдик, сиз туфайли... ҳамма сизни сўради, — хотини эридан юзини нари бурди.

— Тўёнани сендан бериб юборган бўлсам, бола-чақаларинг билан боришган бўлсанг, бўбди-да... — уф тортиб хотинининг қаршисига чўкди Турсунбой жонталаш.

— Сизнинг ўрнингиз бошқа отаси, бошқа... — очиқ кафтига иккинчи қўлини орқаси билан «чап-чап» урди хотини асабий алфозда.

— Обчиқ кастюмни, — дабдурустдан қўзғалиб қолди Турсунбой жонталаш.

— Тўй ўтгандан кейин хинани...

— Бас!.. Мен сенларга тўйга умуман бормаيمان деганим йўқ. Ишдан кейин бораман, деганман. Мана иш тугади, энди...

— Ҳа, ишгина ўлсин... ўлсин ўша ишгина... — хотини саннаганича ичкарига кириб кетди...

Бирпасдан кейин Турсунбой жонталаш эски велосипедни гичиллатганича акасининг уйига келди. Икки қанотли темир дарвоза ланг очиқ эса-да, кирган-чиққан, ғувраган зот йўқ. Ҳақиқатдан ҳам кеч бўлганга ўхшайди, тўйнинг бу ёғи куёвникида давом этади энди.

— Ака, ҳов ака!.. — ичкарилади Турсунбой жонталаш. Ҳовлида кимса йўқ эди, фақат тўнкарилган иккита каттакон қозон, ўчоқ ва самоваргина яқинда бўлиб ўтган тўйдан дарак бериб турарди, холос.

Шу вақт терраса эшиги очилиб акаси чиқиб қолди.

— Ассалому алайкум, ака, тўйлар қуллуқ бўлсин!..

— Ваалайкум ассалом, ака укасининг чўзилган қўлини кўрмаганга олиб нарироқдаги узун ўтирғичга бориб оғир чўқди, — кечгача ғўза ўрганингдан хабарим бор. Ишни деб, маҳалла-гўйдан чиқиб қолганингни ҳам яхши билардим. Аммо-лекин... ўз акангдан юз ўтирарсан, деб ҳеч ўйламагандим... нодон!..

Хотиним, болаларим саҳардан кечгача... — Турсунбой жонталашнинг гапи оғзида қолди.

— Менинг биттаю битта укам бор эди, — овози титраб ҳам баландлаб давом этди акаси, — энди у йўқ! Бор кет... ўша далангга, ўша ишингга!..

Турсунбой жонталаш бир муддат серрайиб қолди. Аҳволнинг бунақа тус олишини ҳеч ўйламаганди. «Келсам бўларкан» деган афсусли ўй илк марта хаёлидан ўтди... Иложсиз қолганди, шалоғи чиққан велосипедни етаклаганча акасиникидан узоқлашди. Лекин хижолатнинг зўридан уни миниб олиш балки эсига келмади... Кела-келгунча талай йўлни пиёда босди ва ўйлади. «Нега мен шунақаман? Нега ҳамма одамлар қатори керак бўлганда ишни қўйиб, тўй-маъракаларга бормаيمان, боролмайман?..» — Турсунбой жонталаш умри бино бўлиб, эллиқдан ошгандан кейингина шундай саволларни — хотини, болалари, таниш-билишлари унга доим бериб юрган сўроқларни энди ўзига-ўзи бераётганди... Бироқ шу заҳотиёқ оқлов қидира кетди: «Тўй-маърака нима бўпти, бир кун-ярим кунда ўтар-

кетар. Ҳаёт ўйин-кулгудан иборат эмас-ку! Меҳнат қилиш керак, меҳнат! Фақат ишлаган одамгина баҳра топади...»

Эртасига азонлаб Турсунбой жонталаш этигини кийди. Иккита нонни қанд-қурс билан белига тугди, термосига чой тўлдирди-да тракторини ёндириб ишга жўнади. Энди унинг хаёли яна ҳар кунгидек ўз иши, ўз ташвиши билан банд эди: акасини ҳам, у билан бўлиб ўтган кўнгилсизликни ҳам унутганди...

### 34

Телевизорнинг «янги» жойи жудаям муваффақиятсиз танланганига Акбар эътибор қилди. Дарҳақиқат, қайси томондан қараманг, у аввалги жойида — улкан «стенка»-даги махсус ўрнида узукка кўз қўйгандек ярашиқли турган экан. Чунки бежирим диван ҳам шундоқ рўпарада бўлиб, ундан телевизорни томоша қилиш росаям қулай эди. «Нега уни кўримсиз ўринга кўчирди?» — Акбар тушунмади. Индамай бориб телевизорни «стенка»га ўрнатди. Сўнг барибир сўради: «Нега уни кўчиргандингиз, ахир жойи шу ер экан — ку?»

«Намунча содда бўлмаса» — хаёлидан ўтди Диананинг энсаси қотиб. Лекин жавоб ўрнига Акбарга қараб жилмайди...

Соддаликка содда эмас эди Акбар. У Дианага илк марта эшигининг олдида дуч келгандаёқ ҳаммасини пайқаганди. Ҳатто қиз билан сўрашиб олиб, сўнг орқасини буриб эшигини қулфлаётганида ҳам Диананинг ўзидан кўз узмай турганигача ҳис қилганди. Аслида у бундай нигоҳларга ўрганиб кетганди, уйланмасдан олдин ҳам, уйлангандан кейин ҳам уни аёл жинси ҳамиша ҳар ерда «тақиб» қилиб келган. Лекин шу чоққача ўзи ёқтириб қолган қиз билан танишиш учун, унга яқинлашиш учун ташаббус кўрсатган эмас, аксинча, ҳамиша қизлар биринчи бўлиб изҳори дил қилиб қолишарди. Фарида билан ҳам

шундай танишган. Ҳатто Фаридадан унга совчи келган. Ҳа-ҳа, худди шундай бўлган. Акбар бўлса, «уйланишга ҳали эрта» деб юрарди. Бироқ «совчи»дан кейин отаси «уйланасан! Ўзингни ўйламансанг, қизни, унинг ота-онасини ўйлагин», деб қаттиқ туриб олганди. Тўйдан кейин эса биринкетин ўғли, қизи туғилди: у ўзини меҳрибон ва ғамхўр ота ўрнида кўрди. Чиндан-да шундай эди: Акбар фарзандларини, аёлини қаттиқ яхши кўрар, уларга кўникиб қолганди. Ўша вақтлардан бошлаб у ўзига маҳлиё бўлиб турган нигоҳларни пайқамасликка ҳаракат қилар ва бунга осонликча эришарди ҳам. Чунки ўз оиласида жудаям тотли, жудаям ширин бир фароғат таъмини сезиб қолганди ва бошқа муносабатларга эҳтиёж сезмас эди. То қамалгунча ҳам кайфияти шундай эди. Қамалди. Кейин бир қанча йилни Россияда кечирди. У бўлди, бу бўлди, қарабсизки, икки йилни севимли хотинидан, ширин-шакар фарзандларидан фироқда ўтказди. Ташқаридан қараганда ҳаммаси жойида эди, бироқ Акбар сезиб юрардики, шу икки йил мобайнида нимадир рўй берди. Бунини аниқ билолмади. Билгани шуки, у ўз оиласи бағрида бўлиб ҳам илгариги хотиржамликни ҳис қилмай қўйди. Ҳеч ким уни мушугини «пишт» демади, оилада ҳам ҳеч қандай гап сўз бўлмади. Бироқ... бироқ энди аввалгидек эмасди. Энди хотини ҳам, болалари ҳам «Акбарсиз яшаш»га кўникиб қолишган эди. Уни ҳурмат қилишарди, бироқ унга бурунгидек талпинишмасди, уни бир вақтларидек кутишмасди. Акбар шуларни тушуниб етар экан, ғалати аҳволга тушди, ўзини одамлар орасида ёлғиз ҳис қилди, юраги хувилаб оғриди... «Энди менинг борлигим оилам учун байрам бўлмаганидек, йўқлигим ҳам фожиа эмас» деб вазиятни ҳаёлида андак бўртириб, эзилиб юрган кунлари ҳам бўлди. Унинг шаҳарга «қочиши»даги қўшимча сабаблардан бири шу эди. Мана, келганига ҳам икки ойдан ошдиёмки, Фарида «ана борамиз, мана борамиз» деганига қарамай, ҳануз келмади. Бир томони ишидан руҳсат олиши осон эмас (туман газетасининг бош муҳаррири, ахир!), иккинчи томони, «Фа-



рида атайин пайсалга солаяпти» дер эди Акбар хаёлан...

— Тўғриси айтинг, мен билан гаплашгингиз келяпти-а? — кутилмаганда Диананинг кўзига қараб сўради Акбар. Ҳа, Акбар негадир кўнглидагини томдан тараша тушгандек «лоп» этиб айтиб қўядиган одат чиқармоқда эди. Илгари бунақа эмасди, илгари ҳамма вақт биров аввал «нега телевизорни кўчирдингиз?» деб савол берган ҳолатида яшаганди. Одамлар билан бўлган муомаласида ҳам ана шундай тортинчоқ эди Акбар. Энди... энди мана кўрмайсизми, Дианадек кўча кўрган аёлни ҳам шошириб қўйди.

— Какая искренность!... — хитоб қилиб юборди Диана беихтиёр. Сўнг яшириб ўтирмади, — ҳа, гаплашгим келяпти... анчадан бери...

Шунинг учун телевизорни у ёқдан бу ёққа ташитаётган эдингизми?..

Завқланиб кулишди...

## 35

Фарида гарчи Акбарга ишдан рухсат олишим чўзилиб кетяпти, деб турган бўлса-да, аслида шаҳарга кетгиси келмаётганди. Ахир у қишлоқда туғилди, ўсди... Институтни ҳам уйдан вилоят марказига қатнаб битирди. Шу ерда турмушга чиқди, бола-чақали бўлди. Кейин иш, иш, иш... Аввал мусахҳиҳ бўлди, кейин аста-секин газетачиликнинг барча босқичларини босиб ўтишга тўғри келди. Қийналган, газетадан кетаман, деган вақтлари ҳам кўп бўлган. Бироқ инсон ҳамма нарсага кўникар экан, бора-бора ўзи билан бирга ишлаётган одамларга, қоғозга, ёзишга — машинанинг «тақ-туқи»га ўрганиб кетди. Акбар қовун сотаман, деб қовун тушириб юрган кезлари эса бош муҳаррир бўлиб сайланди. Мана, бир неча ойдир шу вазифада ишляпти. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ деганлари шу-да. Шундан кейин у ўзини анча эркин ҳис қила бошлади. Лекин эри... У нима қилишини билмасди. Ахир

бир умр ўрганган— кўниккан жойини ташлаб бегона юр-ларга қандоқ боради, қандоқ кўникади? Иш масаласи нима бўлади, болалар-чи, ўрганиб кетармикан?... Фарида анчадан бери шуларни ўйлайди, тараддудланади. Йўқса, у бир ҳафтада ҳамма ишларни саранжонлаб шаҳарга кета оларди. Йўқ-да. Кетиш қийин экан, танлаш қийин экан. «Акбар ҳам қизиқ, у бизга нима таклиф қилаётганини ўзи тушуниб етдимикан? Ахир, шаҳарга кетиш ҳаёт тарзимизни янгидан қуриб чиқиш дегани. Бу эса ўйинчоқ эмас. Энди турмушингни изга қўйиб олганингда...» — дея сиқилиб ўйланарди Фарида. Айни чоғда яхши билиб турардики, изга тушган турмуш бу — унинг ўзиники, Акбарнинг турмуши эса алғов-далғов бўлиб ётганди. «Бироқ ўша ёқдан олиб келган пулига бу ерда ҳам ўз йўлини — ишини топиб олиши мумкин эди-ку!» — дея яна Акбарни хаёлан танбеҳларди у газетанинг янги сонини варақларкан. Лекин тезроқ бир қорорга келиши керак эди, буни Фарида теран англади. Акбар у ёқда «қачон келасизлар?» деб турибди, бу ёқда эса унинг ўзида шу ерда қолишга бўлган иштиёқ тобора кучайиб борапти...

## 36

Лариса холанинг жони кўп сиқилди. Ётавериш, дори ичавериш... медалига тегиб кетди. Кўнгли бир вақтлардагидек дилга яқин ўртоқлари билан «базми жамшид» қилиб ўтиришни тусаб қолди. Лекин шу заҳотиёқ «қаримай ўл, эчки, нималарни ўйлаяпсан?» деб ўзини ўзи койиган бўлди. Шу кайфиятда ҳам талай вақтни ўтказди. Кунлардан бир кун жони тагин қадрдонлари васлини шундай қўмсаб кетдики, уни минг хаёл билан аврамоқчи бўлдиям, кор қилмади. Охири таслим бўлди, «ҳа нима бўпти, ўтирсак ўтирибмиз, дардлашсак дардлашибмизда» деди ўзига ўзи. Сўнг телефонни креслонинг олдига олиб келди-да, ўриндиқда ястанганча рақам тера бошлади.

— Алло, Матлубанинг уйими?.. Ҳа... Матлубани чақириб қўйгин, болам... Нима, ўлган?!.. Қачон?..

Лариса хола ўзини йўқотди, гўшакни бағрига босганча гангиб узоқ вақт туриб қолди. Сўнг аста-секин елкари титраб йиғлай бошлади...

### 37

Табиб мункиллаб қолган миждози — кампир узатган пулни олмади.

— Сиздан ҳам пул олсам уят бўлмайдими, опа.

— Хизмат ҳақингиз, бекордан бекорга бераётганим йўқку, — кампир яна пулни табибнинг олдига суриб қўйди.

— Агар шуни олиб кетмасангиз, бошқа олдимга келманг, — жиддий эътироз билдирди табиб.

Кампир ноилож хонтахта устидаги пулни қайтиб рўмолчасига ўрар экан, «сизга ўхшаган одамлар ҳалигача борлигига гоҳи ишонмайсан, киши» дея кўзига ёш олди...

Қиш, совуқгарчилик бўлганидан табибнинг тин олишга фурсати бўлмаётганди. Ҳатто кечаси ҳам, дам олиш кунлари ҳам чақириб, кириб келишаверарди. Гарчи унинг касал кўрадиган жойи алоҳида бўлиб, беморлар навбат кутиб ўтирадиган чоғроққина хонада иш вақти каттакатта ҳарфлар билан ёзилган эса-да, барибир, одамлар ноиложликдан мавридими-бемавридми, эшик қоқиб туришаверарди. Ёрдам сўраб қошига келган дардманднинг ҳожатини чиқармагунча табибнинг ҳам кўнгли жойига тушмасди. «Қандай қилиб уларнинг кўкрагидан итариб бўлади, ахир улар касал, шифо излаб ҳузурингга бош уриб келган!..» дер эди айримларнинг ўзини унга яқин олиб «белгиланган вақтдан ташқари қабул қилманг, ахир сиз ҳам одамсиз, дам олишингиз керак» дейишларига жавобан. «Иш вақтимда келинг, дейиладиган касаллар ўзи бошқа бўлади. Ўлар ўзи билиб мавридида келиша-

ди. Лекин дард қўқисдан хуруж қилиб қолганда, бемор нажот истаб эшигингни қоқиб турганда, қайси юз билан уни қайтариб бўлади. Бундан кейин сен кимсан? Одамми, врачми?..» дер эди у ҳаммадан олдин ўзига ўзи. Лекин дард излаб келганларнинг кети узилмас, тушлик ҳам қилмайдиган табибнинг тинимсиз... тинимсиз ишлашига тўғри келарди. Табиб қотма киши эди, бу қишда эса яна ҳийла чўзилиб қолди. Шунга қарамай, бардам эди, чаққон қимирлар, полвон гапирар, ҳаш-паш дегунча икки-учта врачнинг ишини битириб ташларди... Шу зайил ҳар бир касал билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашиб, дардларини эшитар ҳам даволар экан, табиб ҳаёлан кўпинча Худого илтижо қиларди: «Дардинг бунча бисёр бўлмаса... Кўриб, эзилиб кетасан, киши. Ё юрагимдан шафқатни юлиб ташла ё бўлмаса одамзод ёзинини енгил қил!..»

— Ассаломалайкум, табиб бобо! — эшик очилиб пирадираганча ўн бир-ўн икки ёшлардаги ширингина қизалоқ кириб келди.

— Ваалайкумассалом, қизим. Кел, ўтира қол, — табиб одатига кўра беморнинг ранг-рўйини обдон кўздан кечирди. — Кўринишинг чакки эмас-у, қизим?

— Анча тузукман. Мактабга қатнай бошладим, тикишга ҳам кучим етяпти, — афтидан қизалоқ соғлиғидаги ўзгаришлардан боши кўкка етгудек шод эди, севинчи ичига сиймаётгани билиниб турарди. Шошиб-пишиб қўлатиғига қистирилган матони оча бошлади

— Бу тагин нимаси, Нигина қиз? — табиб ҳайрон бўлди.

— Сочик, лекин оддий сочиқмас, ўртасида сизнинг сувратингиз бор сочиқ, — қизалоқ сочиқни хонтахта устига ёзди, — аям озгина ёрдам бердилар-у, қолганини ўзим тўқидим, — ғурур билан деди у.

Табиб нима дейишини билмай қолди. Ҳақиқатан ҳам ям-яшил сочиққа ип билан унинг суврати тўқиб туширилган эди. Иш жуда гўзал чиқмаган эса-да, ҳар ҳолда табиб «ўзини» таниди.

— Мен бутунлай тузалиб кетганимда дадам қишлоғимизнинг гузарига сизнинг ҳайкалингизни ўрнатиб берар экан, — қизалоқ табибни яна-да хурсанд қилмоқчи бўлди.

Табиб бир зум ўйланиб қолди... Қизалоқнинг, онасининг миннатдорчилиги замирида жуда катта асос бор бўлиб, аввали Худо, қолаверса, табибнинг илми билангина Нигина соғая бошлаганди. Унинг оққон дардининг бирдан-бир давоси — қўл ва оёқлардаги илик суяқларини алмаштириш бўлиб, ҳозир дунёнинг фақат бадавлат мамлакатларидаги ўзига тўқ беморларгина бунга жазм қилаётганди. Яхшиямки, Нигинанинг отаси шундайлар хилдан эди, табиб уни чақириб қизалоқнинг ягона нажоти ҳақида узоқ-узоқ тушунтириб, қизалоқни Америкага элтиб даволатишга кўндирди. Бир йилга яқин муддат ичида улар табиб айтгандек, даволаниб қайтишди. Энди эса табибнинг назоратида...

Табиб хаёлини тўплади, қизалоққа қараб дона-дона қилиб деди:

— Биласанми қизим, мени чинакамига хурсанд қилмоқчи бўлсанг, гапларимга кирасан, даволанишдан чарчамайсан, зерикмайсан. Ўзингни озгина яхши ҳис қилишинг билан «тузалдим» деб дориларни четга суриб қўймайсан. Ёдингда тут, сен яна узоқ вақт сабр-тоқат билан даволанишинг керак.

— Биламан, — шаддодлик қилди Нигина қиз.

— Кейин, дадангга айтиб қўй, менга ҳайкал қўяман, деб шошмасин. Ҳайкал иши яхши иш эмас, агар билсанг. Қишлоғимизнинг тузукроқ дўхтирхонаси йўқ, яхшиси шу ҳақида ўйласин...

— Хўп, айтаман, — табибни чинданам тушунгандек гапирди бироз жиддий тортиб қизалоқ.

— Энди гапир, дориларни ичяпсанми, машғулотларни ҳар куни бажаряпсанми, анави дорини-чи, топиб келдими даданг?..

Табиб савол-жавобдан кўнгли тўлгачгина қизалоққа рухсат берди. Зотан унинг ранг-рўйи ҳам дардининг ариётганидан дарак бериб турарди.

— Нигина!..

Эшикни очиб ташқарига бир одим босган қизалоқ бурилиб табибга қаради.

— Мактабга ҳар куни боришинг шарт эмас. Сен ўзинг ёқтирган машғулотларгагина бориб тур. Ҳозир сен учун соғлигинг муҳимроқ. Тузалволганингдан кейин ўртоқларингга етиб оласан...

## 38

Акбар ғалати аҳволга тушди. Мана, икки ҳафтадир Диана билан баъзан ҳар куни, баъзан кун ора узоқ-узоқ гаплашадиган бўлиб қолди. Ораларида ҳали жиддий бирон нарса бўлмади, лекин барибир, Акбарнинг ичида нимадир гимирлай бошлади. Ҳар гал Диананинг ўзи ё эшик қоқиб кириб келар ё қўнғироқ қилиб чақириб қолар ва улар турли мавзуларда узоқ-узоқ гаплашишар, баҳслашишарди...

Мана, Акбар диван устида китоб ўқиб ётаркан, тагин уни кутмоқда. Кеча чиқмаганди, бутун чиқиши лозим, лекин негадир кечикяпти... Шундагина Акбар ўзини англашилмас бир туйғу қийнаётганини ҳис қилиб қолди ва қўрқиб кетди...

Ҳа, қўрқиб кетди, чунки у умрида илк марта бундай ҳиссиётга рўбарў келганди. Қўрқиб кетди, чунки энди нима бўлади?...

Ҳа, Акбар ўзи билмаган бир алфозда аёлни интиқлиқ билан кута бошлаганди. Куни бўйи қўлидаги китобни ўқиб тугатганди, бироқ уни ёпганида калласида ҳеч нима қолмаганди. Аксинча, бутун борлиғида қандайдир иссиқликни, баданига ҳоким бўлиб қолган оромбахш тафтни туярдди... Ниҳоят, ўрнидан қўзғалди, соатига қаради: ўн бирга чоракта қолибди. Бу вақтда Диана албатта уйида бўлиши керак, лекин нега чиқмади экан, нимадир бўлдими ё? Унинг ичи баттар қизий бошлади. Хонада у ёқдан бу ёққа юрди, беихтиёр равишда бармоқларини ишқалаб қисир-

латди. Бир пасдан сўнг эса эшикни очиб ташқарига чиқди: энди у Диана эшиги қаршисида турарди. Шундагина андак ҳушини йиғди. «Менга нима бўляпти, нима қиляяпман? Оилали, бола-чақали одамман, ахир?!..» деган андиша миясида чақнади ва изига қайтди...

Диана ўз хонасида уззу кун «тиқ» этган товушга интиқ бўлиб, шу билан бирга, шўрпешонасига ачиниб, аламидан аччиқ-аччиқ йиғлаб ўтирди. Гап шундаки, бир кун олдин у яна мижоз кўнглини хушлагани борганди. Ҳаммаси... келгандан кейин бошланди. Диана илк марта ўзидан, қилаётган ишидан нафратланди, йўқ-йўқ, жирканди... Шу алфозда диванда юзтубан ётганча кунни кеч қилди. Унинг ичига чироқ ёқсанг ёришмасди, ҳеч нимани кўргиси, ҳеч ким билан гаплашгиси келмасди. Шунинг учун ҳам Акбарнинг олдига чиқмади. Бироқ бу Акбарнинг кўргиси келмаганидан эмасди, балки бунга — Акбардек оқкўнгли одамни кўришга ҳаққим йўқ, деб ўйлаганидан эди. Гарчанд юраги зулмат қаърига чўкиб бораётган эса-да, эшик тақиллаб Акбарнинг кириб келишини жудаям кутди. Айни чоғда «келсаям индамай ётавераман, очмайман!» деди ўзига ўзи. Шу тахлид бир талай кунни ўтказди. Ниҳоят, бутун унинг эшиги журъатсизгина тақиллади. Диана «ким экан?», деб ўйлади. Кейин ким бўлсаям очмайман, деб ётди, ётаверди. Туриб-туриб «Акбар бўлса-чи?» деган ўйдан сапчиб кетди. Бироқ тагин тўхтади. «Ҳаққим йўқ, ҳаққим!» дея ич этини еди. Кутди, кутди-ю туйғулар барибир устун келди. Шошиб бориб эшик тирқишидан қараганди, ҳеч ким кўринмади. Фақат Акбарнинг эшиги ёпилиб бораётган экан. «Оҳ!..» — Диана қайтиб ўзини яна диванга ташлади...

### 39

Адабиётчи эмасми, Акбарнинг ишқ-муҳаббат ҳақида кўп ўқигани, ошиқ ва маъшуқаларнинг висол дардида чеккан заҳматлари тўғрисида хўп билгани бор эди. Бироқ... Бироқ қисмат экан, ўттиз ёшига қадар бу «касаллик»нинг кўча-

сига кирмаган эди. Мана энди... Акбар севиб қолганини тан олгиси келмаётганди. Шунинг учун ҳам зўр бериб бошқа нарсаларга чалғишни истар: дам газета эълонларига қараб иш сўраб қаёқларгадир телефон қилар, дам китоб-журнал ўқир, дам телевизор томоша қилар, уй йиғиштирар, овқат пиширар... хулмас, ташқаридан қарасангиз, ҳамма қатори умргузаронлик қилаётгандек эди. Лекин ичига қиё боқсангиз-чи... у ер худди кучли зилзила таъсирида тўкилиб тушган уйдек вайрон эди, соғ жойи қолмаганди...

Бир ҳафта давомида шу алфозда юрди. Кейин эса ичидаги дарди ташқарига ёриб чиқди: Акбар ҳолдан тойди, ортиқ ўзини «бардам» ҳис қилишга, «бардош» кўрсатишга уринмай қўйди, билъакс, ўзига ўзи қулоқ солди. Шунда англадики, у энди илгариги Акбар эмас эди: сурати ўша эди, бироқ сийрати тамомила ўзгарганди. Бора-бора у иш излашдан тортиб уйни тозалашгача бўлган ҳар кунлик фаолиятига этибор бермай қўйди. Бугина эмас, ҳаттоки ҳар тонг жуда синчковлик билан қиртишлаб оладиган қалин соқолини ҳам унутди. У энди тиниқ юзини қошлаб қолганди. Ҳа, Акбарнинг жисми ўзига бўйсунмай қўйди, йўқ, эҳтимол бундай десак тўғрироқ бўлар: Акбар ўз юрагига тушган дарди билан андармон бўлиб, ичкаридан ташқарига чиқолмай, ташқарининг ҳолидан хабар ололмай қолди. Шунинг учун ҳам унга тегишли неки бор, ҳамма-ҳаммаси қаровсиз қолган уйдек бўлди қолди...

## 40

Узлуксиз жиринглаётган телефон гўшагини ҳафсала-сизгина кўтарди Диана. Бу тагин Марат эди. Бир неча кундан бери кунда уч-тўрт мартадан кўнғироқ қилиб, «яхши эрийдиган» эски мижозлар Дианани сўраётганини айтиб, «иш»га чақиради. Бироқ Диананинг кўзига пул кўринмайди ҳозир. Кўнглига тушган ўша туйғу туфайли у эсанкираб қолган: аллақандай паришон, аллақандай ғамгин ва яна аллақандай телбавор юрарди.



— Тушунсангчи, Марат, ҳозир эмас...

— ...

— Йўқ, касал эмасман. Лекин боролмайман. Кайфия-  
тим йўқ.

— ...

— Кейин ... Кейин!..

Орадан ҳафта ўтиб эса Марат яна телефон қилишни бошлади. Бу сафар Диана «касалман» деди-да, тарақла-тиб гўшакни қўйиб қўйди...

Кечқурун соат ўн иккими, бирми, эшик-кунғироғи ча-линди. Кўзойнадан қараса, Марат экан. «Кет!» деди Диа-на. «Гаплашиб олмагунимизча кетмайман!» деди Марат. Ноилож эшикни очган ҳам эдики, Марат важоҳат билан бостириб кирди-да Диананинг сочлариданғижимлаб зал-га тортди.

— Нима қиляпсан, эсингни едингми?!... — дея қичқир-ди Диана.

— Эсини еган сенсан, қанжиқ!.. — бақирди Марат. — Сен ўзингни ким деб ўйлаяпсан? Қўлимдаги фоҳишалар-дан бири бўлсанг, яна ниманга бунча димоқ қиласан?.. Ишсиз, бир бурда нонга зор бўлиб юрганинг ёдингдан чиқ-дими?.. Сенга ким иш берди, сени ким кийинтирди, ким одам қилди — унутдингми?..

Марат мушт билан Диананинг юзига аямай бир-икки туширди. Зарбдан Диана довдираб қолди, бироқ йиқилиб тушмади, чунки Марат унинг сочларидан маҳкамғижим-лаб турарди. Ўша алфозда яна узоқ вақт Маратнинг оғзи-дан боди кириб шоди чиқиб турди... Дианага «ўтказиб қўйган» ва энди аёл ишлаб тўлашга мажбур бўлган ҳақи-тўғрисида гапирганда эса қўқисдан жаҳлланиб кетарди-да аёвсиз бир тарзда Диананинг дуч келган жойига муш-тларди... Айрим миждозларнинг қўпол муомалаларига озми-кўпми кўникиб қолганига қарамай, Диананинг бу гал ҳуши бошидан учди: уни ҳеч ким бунақа дўппосламагани; ол-ган жароҳатларидан оққан қонлар юз-кўзини ювиб тушир,

вужуди эса Маратнинг қўлида осилиб турар, қўйиб юборса, гурсилаб ерга тушадиган алфозда турарди. Айниқса, бурнидан қон булоқдек отилиб чиқиб уст-боши, оёқлари, гиламни қирмизига бўяб бўлганди.

Билиб қўй, бу йўлга бир кирдингми, қайтиб чиқиш йўқ, қайтиб чиққанигда ҳам, менинг... бизнинг ихтиёримиз билан чиқасан. Ўзбошимчалик қилсанг, ёдингда тутки, узоқ яшамайсан!.. — Марат панжаларини очди — Диана турган жойида полга тўкилиб тушди...

## 41

Бу орада Лариса хола кўпчиликка телефон қилиб улгурди. Лекин умри давомида қадрдон бўлиб улгурган одамларнинг анчаси энди йўқ: улар аллақачон боқий оламга риҳлат қилишган экан.

Уларнинг ўлими ҳақидаги хабарлар холанинг юрагига қаттиқ тегди, ўтириб олиб аччиқ-аччиқ йиғлади, пичирлаб ҳақларига дуо ўқиди. Барибир, тинчланмади. Черковга бормоқчи бўлди. Шунга эҳтиёж сизди. Магазиндан шам олсаммикан, дея ўйланди. Яна «Матлуба билан Ҳанифалар мусулмон эдилар, ҳақларига дуо қилиб бўлармикан?», деб ҳам боши қотди. Ўйлай-ўйлай ахири Таняга телефон қилиб, черковга бирга бориб келишни илтимос қилди. Ахир уни ўзи ҳеч бормаган. Борган бўлса ҳам бунга кўп бўлган: ўша Волга бўйида, қишлоқдаги черковга онаси бир-икки олиб борган, унга черковда ўзини қандай тутиш кераклигини, марҳумлар ҳақида дуо қилиш йўл-йўриқларининг ўргатмоқчи бўлган. Эҳ-ҳе, орадан озмунча сувлар оқиб ўтдим: черковлар бузилади, китоблар йўқ қилинди, бир пасда одамлар «дин халқ учун афъюндир» деган шиорлар остида қайта тарбияланди. Кейин у пайтларда Лариса ёш эди. Черковга — динга иши тушибдими, дейсиз. Ота-онасию жигарбандлари вафот қилганда ҳам қай бирларининг ўлим маросимларига қатнаша олган, қай бирлариникига йўқ. Қатнашганда ҳам кеч борган, қариндош-уруғлар билан марҳум ё

маржумани ёдлаб ичишган, холос. Энди эса... энди хола-нинг кўнгли ёмон безовта бўла бошлади. Ўлган одамлар на онаси, на сингласи, балки дугоналари, танишлари. Лекин улар ҳақиқага уйда эмас, айнан черковга бориб дуо қилиш эҳтиёжига аср тушиб ўтирибди. Ҳа, кейинги вақтларда ишонч-эътиқод масаласида Лариса хола кўп ўзгарди. У яқин-яқинларгача Худони деярли эсига олмаганлар тоифасидан эди. Ахир бунга эҳтиёж ҳам сезмаганди. Ёнида эри, қўлида иши, атрофида дўст-биродарлари бор эди. Ҳеч нарсадан ками кўсти йўқ, тўқ ва қувноқ ҳаёт кечирарди. Ўлим... агар у бор бўлса, ҳаддан ташқари узоқда... уягача жуда кўп яшаш мумкиндек туюларди. Йўқ, у «Худо йўқ!» дея ташаббус кўрсатиб ташвиқот қиладиганлар гуруҳидан эмас, Худонинг бор-йўқлиги хусусида тузукроқ бош қотириб, муҳокама қилган ҳам эмас, балки одамлар даврасида, шу давраларнинг тафтида исиниб, шунга кифояланиб яшаган ва яшарди. Ҳа, нафсиламрини айтганда, нафақат Лариса хола, қолган кўпчилигимиз ҳам аслида шундай эмасми: кўзимизда нуримиз, билагимизда қувватимиз борлигида ва путимиздан шамол ўтиб турганда, айниқса, ошиғимиз олчи бўлиб, истаган нарсамизга осонликча етиб юрганимизда ҳеч кимга: на дўстга, на ёрга, на қариндош уруғга ва наҳатто Худога муҳтожлик сезмай, ўзимизни гўё мангу бахтиёр яшайдиганлардек тутиб, кўнгли нозик, нозикдан-да нозик, латиф диллар дунёсини ҳар одимда бир эзғиламаймизми?.. Йўқ-йўқ, Лариса хола умри давомида бировни атайлаб ранжитган эмас. Бу унинг қўлидан, муайимгина табиатидан келмас эди. Бироқ у ҳам кўпчилик сингари қачонлардир унга берилган фурсат якун топишини, чиройли баданлари ажинлар қафасига тушиб, оловли кўзлари сўниб қолишини билмагандек умргузорондлик қилди-да!..

Мана энди... ўша шафқатсиз ва муқаррар ҳақиқат билан юзма-юз турибди: у қариди, қариганда ҳам баданлари бўғим-бўғим бўлиб пастга осилиб қолди, ўзи ҳам тарвақайлаб ўсган дарахтдек бесўнақай тахлидга кирди. Эҳ-ҳе, нимасини айтасиз, энди Лариса хола ўзини-ўзи, тўғри-

роғи, ўз турқини ёмон кўриб қолган. Ойнага қарамайди эмас, бироқ бир вақтлардагидек бутун бўй-бастига эмас, фақат юзига, кўзига ва лабига қарайди, уларга у-бу суртиб эпақага келтирган бўлади, холос. Бор йўғи-шу!.. Бир вақтлар қанақа эди-а ҳозир шалвираб қолган бу бадан? Наинки эркаклар, балки аёллар ҳам, дугоналари ҳам унинг қоматидан кўз узишолмай юришарди. Ҳатто Ларисанинг ўзи ҳам ойна олдида ўз ҳуснига ўзи маҳдиё бўлиб соатлаб ўтириб қоларди. Нимасини айтасиз... Лариса холанинг хозирги ва ёшлик чоғларидаги холини солиштириб аччиқ-аччиқ йиғлаганлари ҳам кўп бўлди. Бироқ энди бу ҳам ўтди. Энди у бутунлай бошқа эҳтиёж билан яшамокда. Энди Лариса хола учун ўтадиган нарсанинг ҳаммаси ўтди: ёшлик ҳам, ҳусн ҳам, беҳисоб орзу ҳаваслар ҳам...

Энди унинг қаршисида ўзга ҳол, ўзга ҳақиқат намоён бўлиб турибди. Лекин бу ҳақиқатга у «ўтадиган нарсалар» ўтиб бўлгачгина юзма-юз келиб қолди. Унгача Лариса қаёқда эди-ю, бу ҳол қаёқда эди!... Ҳа, одам боласи шундоқ эмиш. Уни дунёга боғлаб турган ришталар қанчалар мустаҳкам бўлса, охират ташвиши шунчалар заиф бўлармиш. Лариса холани дунёга чирмаб ташлаган арқонлар умри давомида бир-бир узилди, ниҳоят, мана энди — ёши саксонга қараб кетаётганда улар соб бўлди ҳисоб. Улар соб бўлиши баробарида эса кўнглида ўзга боғлиқлик, ўзга ташвиш пайдо бўлганини ҳис қилди. Бу — охират қайғуси бўлиб чиқди... Нафсиларини айтганда, шунга ўхшаш нимадир у эсини таниганидан буён унинг бағрида билинар-билинемас бир тарзда яшаб келганди. Энг бахтиёр дамларида ҳам, ҳамма томонидан севимли бўлиб юрган хуш онларида ҳам қалбига қулоқ солиб, унда ўша лаҳзадаги кайфиятидан бошқачароқ, унинг зиддига ўхшаган кучсизгина бир ҳисси пайқаб қоларди. Бироқ унинг ёш ва лобар вужуди, ҳавасларга лим тўла юраги, кундалик ҳаёти ташвиши билан банд шуури бунинг нима эканлигини идрок этишга монелик қилиб келганди. Мана, ниҳоят энди, қачонки, юрагини ҳаваслар тарк этганда, баданини гўзаллик

ташлаб кетганда, умр ҳам сузиб-сузиб иккинчи соҳилга яқинлашганда... Лариса хола ўша туйғуни ўз бағрида анча улғайиб қолганини англади. Кундан-кунга эса у ўз қалбига қулоқ тутиб, мазкур туйғудан ўзгасини тополмай бораёттир. Ҳа, хола фақат шу туйғуни тан олади, ўзгаси йўқ энди унинг учун...

Шунга кўра мана у Таня ўртоғи етовида бошига рўмолларни тукканча черков томон шошиб, ҳаяжони бўғзига тикилиб бормоқда. Ҳа, Лариса холанинг черков сари йўлга тушиши учун оз эмас-кўп эмас, бир инсоннинг узоқ умри керак бўлди, оз эмас-кўп эмас, ота-онасию жигарбандлари, дўст-дугоналарию ҳамкасб-ҳамқисматларининг деярли барчаси билан видолашишига тўғри келди, оз эмас-кўп эмас, кўнглини безовта қилиб туғилган ва ўзига қаратмагунча тинч қўймаган орзу-истакларини яшаб ўтиши зарур бўлди... Ва яна кўп нарса лозим бўлдики, қайси бирини айтайлик...

Узоқдан черковга кўзи тушгани ҳамон холанинг бутун вужудида ғаройиб бир жимирлаш пайдо бўлди. У хушёр тортди. Дугонаси Танянинг билагини тутганча ибодат йўл-йўригини такрор сўради, рўмолини тузатган бўлди, усти бошига қараб-қараб олди. Лабларига илтижолар тошиб чиқди: «Худойим, ўзинг ёрдам қил!..»

Черковга қадам қўйишлари билан эса Лариса хола жисму жонидаги жимирлаш кучайди, юраги ҳам ҳаяжон, ҳам аллақандай англашилмас туйғуларга тўлди. Тағин ўртоғига маҳкамроқ ёпишди, кейин унга эргашиб чўқинди.

— Ўзингни бос Лариса, тинчлан. Сен худонинг уйида турибсан, — дугонаси кўнглидагини сезгансимон далда берди Таня. — Шам ололайлик.

Лариса хола яна Танянинг ортидан юрди. Таня унга юзланиб паст овозда деди:

— Ўтганлар ёдига дуо қилиш учун анави ерга бориб туриш керак, юр.

Лариса хола шундагина черковга нима мақсадда келганини эслади. У Худонинг уйига отлангандан бери ўзи ҳақида қайғураётган, ўз орзу додини Яратганга қай тарз-

да изҳор қилсам экан, дея ташвишланаётган, бошқаларни — ўтиб кетган яқинларини эса негадир унутганди. Энди Танянинг йўриғи билан икона қаршисига келиб турди, белгиланган жойга шам қўйиб ёқди, беихтиёр яна чўқинди, «руҳини шод эт!» дея пичирлаганча ўтганларни бирин-бирин ёдга олди. Аввал онаси ва отасини эслади, бироқ улар қиёфаларини хаёлида тиклашга қанчалик уринмасин, бунинг уҳдасидан чиқолмади. Негадир эсига фақат суратлардаги қиёфаларигина келарди. Беихтиёр кўзлари намланди, шу баробарида тағин чўқинди.

Навбат яқин дугоналаридан Матлубага етганда, Лариса хола иккиланиб қолди. «Ахир у мусулмон бўлса, мен эса насроний. Ҳақиқа дуо қилсам бўлармикан?..» — дея ўйлади. Аланглаб Таняни қидирди. Дугонаси нарироқда, одамлар даврасида бошқа икона қаршисида сиғиниб турарди. «Бориб сўрасаммикан?» деди ўзига ўзи, лекин андиша қилиб туриб қолди. Шу ҳолида анча вақт ўтди. Мулоҳаза қила-қила ахийри бир қарорга келди: «Ахир динларимиз ҳар-хил бўлсаям дилларимиз яқин эди-ку... Ахир мен ҳам Матлуба бир умр сиғинган Худога илтижо қиялпман-ку!..»

Шундан сўнг хола анча хотиржам тортиди-да ибодатини давом эттирди...

## 42

Одамни яратиб бўлгандан кейин Омоҳ фаришталарга қараб «унга сажда қилинг!», дея буюрди. Улар сажда қилдилар. Фақат шайтонгина бўйсинмади. «Нега менинг амримга бўйсинмайсан?» — дея сўради Худованд. «Чунки одамни лойдан яратганинг ҳолда олов жинсидан бунёд бўлган мен нетиб унга сажда қилай, ахир у мenden пастку!» — дея эътироз билдирди шайтон.

Омоҳ таоло дарғазаб бўлди ва шайтонни ўз даргоҳидан қувиб юборди.

Ўша-ўша шайтон одамни ёмон кўриб қолди.

Табиб жойнамоz устида узоқ вақт ўтириб қолди. Уни жавобсиз ўйлар тобора кучлироқ эза бошлаганди. Бир пас бурун телевизордан америкалик олимларнинг инсон тўқимасини яратишга муваффақ бўлганликлари тўғрисидаги хабарни билиб олганди. Хабар табибнинг шусиз ҳам алфов-далфов бўлиб ётган ботинини яна бир силкитиб ўтди. Гарчанд суҳандон оғзини тўлдириб «бу муваффақиятдан кейин инсоннинг барча аъзоларини кўчириб ўтказиш оддий ҳолга айланади, ҳатто унинг тери тўқималари ҳам сунъий равишда ўстириб олинади, демак, яқин келажақда исталган тирик организмнинг исталган қисмини хоҳлаганча алмаштириш мумкин бўлади. Мутахассисларнинг уқтиришича, инсоннинг лаборатория шароитида ўстириб олинган «эҳтиёт қисмлари» — тана аъзоларидан бутун бошли янги инсонни йиғиб чиқиш мумкин бўлар экан» дейиши ҳали анчагина бўртирилган қараш эканлигини табиб эшитган заҳотиёқ анлаган бўлса-да, тўқима тўғрисидаги кашфиёт агар рост эса, ҳазилакам гап эмасди. Аслида бу — хушхабар. Ахир одмзоднинг яна бир оғири енгил бўлаган бўлди: тери тўқималари касалланган, куйган, хуллас, қайта тикланмайдиган даражада шикаст еган беморга чинакам ёрдам бериш энди хаёл эмас, айна ҳақиқатдир. Лекин клонлаш ҳодисаси... мана табибни хавотирга солаётган оламшумул ихтиро!.. Назарида бани одам секин-аста Яратганнинг ҳудудига даҳл қила бошлаганди. У шундан ташвишга тушаётганди. Йўқ-йўқ, фақат бундан эмас, бу гап табиб хавотирининг ташқи кўриниши, холос. Унинг моҳиятида эса даҳшатли шубҳа ғимирларди: шубҳаки, минг йиллардан бери қоим эътиқодни бир пасда чилпарчин этадиган, шубҳаки, қалблар ва онглاردан Худони қувиб солишга бел болаган, шубҳаки, одамзод ҳаётини ё жар ёқасига ё бўлмаса ўзга бир олам чегарасига келтириб қўядиган... Ахир шу чоққача «Яратганнинг» деб иймон келтирган, ишонган «ҳақиқат»ларимизни инсон бола-

си секин-аста ўз тасарруфига олмаяптими? Худо қилган ишни энди «банда»си ҳам қилабошламаяптими ва Унга тенгшашиб бормаяптими?.. Астағфириллоҳ!..»

Ҳа, табиб тасавуридаги «Худо»нинг уйига ўт тушганди. Бу эса дунёни тутиб турган ўқ чизиқнинг дарз кетганини билдирарди унингча. Табиб борган сари даҳшатли ўйларга, аввалию адоғи кўринмайдиган мулоҳазаларга гирифторм бўлаётган ва бениҳоя изтироб чекаётган эди. «Ахир энди нима бўлади, кимга сифинамиз ва кимдан мадад сўраймиз?» дея тинимсиз сўрарди у ўзидан ўзи. Оламшумул кашфиётларнинг табиати «сен ўзингдан ўзгага, яъни инсонлик кучингдан бошқа кучга суянма!» дея ўтти бераётгандек туюлар, бу эса табибни қаноатлантирмас, вақти келса, увоқдай бир чумолининг тишлашидан жон таслим қиладиган заиф ва муваққат одам зурриёдига сифинолмас, унинг яралмиш моҳиятидан ўз кўнглининг бу дунёда жавоби мумкин бўлмаган саволларига жавоб малҳамини тополмас, уларни ҳатто талаб этолмасди. Фақат Ўша... Яратган... Оллоҳ... Унинг ёдигина инсоннинг таскинсиз сўроқларини жавоблантирар ва озурда кўнглига тасалли берарди... Энди-чи энди? Нима бўлади энди?.. Цивилизация, жаҳоншумул кашфиётлар... булар фойданинг ёнида инсониятнинг руҳий-маънавий илдизига болта уриб қўймаяптими?.. Ахир одамзод фақат қорнидан иборат эмас-ку!.. У ўзининг бошқа эҳтиёжларини ҳам қондириб яшамоғи керак-ку! Тараққиётга боқилса, у одамзоднинг руҳий-маънавий эҳтиёжини назар-писанд қилмаётир, аксинча, йўлида учраган нимаики бор — барчасини ўзининг чанг-тўзонларида кўмиб ташламоқчидек асовланади. Бироқ кўзни юмган билан дард аримагани каби эътибор берилмагани билан эҳтиёжлар йўқ бўлиб кетмайди-да... Бундай эҳтиёж пайт пойлаб киши гирибонидан олиб қолиши мумкин. Шунда биз сарватларга ҳар қанча чўмилмайлик, ўз борлигимизни тамаддун неъматлари билан ҳар қанча ихоталамайлик, бефойда... Улкан бахтсизлик жамики ҳужайраларимизни қамраб олади...



Табибнинг эзилиб, ташвишланиб ўйлаганлари тахминан ана шулар эди. У бошини қуйи солганча ҳануз жойна-моз устида ўтирар, ташқаридан қараганда худди сифни-ниб ўтиргандек таассурот қолдирарди...

#### 44

Адан ўлкасидаги боғда Одам хотини билан баҳузур яшар: ҳеч қандай дардлари йўқ, жисми ва жонлари хоҳлаган нарсага муяссар эдилар. Фақат боғ ўртасидаги иккита — бор йўғи икки дарахтга яқинлашмаслиги, улар мевасини емаслиги уқтирилганди Худованд томонидан. Одам бунга бекаму-кўст амал қилиб келар, бундан оғринмас, қийналмасди. Парвардигор «шу дарахтлар мевасини ема» — дея амр этдими, тамом-вассалом, Одам ҳеч қачон уларга яқинлашмайди, яқинлашиши нимаси, уларга қиё боқмайди ҳам. Ахир бу ёқда унга ва хотинига лозим бўлган барча нарсалар ҳозир-нозир турган бўлса, шу икки дарахтга бормаса ҳеч нима қилмайди-да..

#### 45

Бу вақтда Акбар газетада ишлаётган собиқ курсдошининг ёрдами билан таҳририятга ишга жойлашиб олди. Журналистика соҳаси унга талабаликдан таниш эди, дарсдан сўнг у ёки бу газета таҳририятига бориб ишлаганди. Қолаверса, Фарида орқали ишнинг анча-мунча икир-чикирларигача кўрганди. Бинобарин, Акбарга ҳеч қандай оғирлиги сезилмади бу касбнинг. Шунинг учун ҳам ишга қабул қилинган кун таҳририятдан чиққан Акбарнинг кайфи чор эди. Уйга боргиси келмасди, борса яна дарди очилиб сиқилишини биларди. Уй Акбарга фақат Дианани ҳамда ўз бағридаги куйдиргувчи оловни эслатарди. Ахир кўчиб келдиямки, бирда-иккида оғримагани дард — ишққа мубтало бўлди-қолди...

Шундай қилиб, Акбар шомгача шаҳар кезди, дўкон айланди, ишга кийгани ҳаворанг кўйлак билан икки хил

бўйинбоғ харид қилди. Маконга кечқурунгина қайтди. Бироқ автобусдан тушгандан сўнг ҳам дарҳол ичкари кирмади. Очиқ ҳавода сайр қилди. Муюлишдаги кафега кўзи тушиб қаттиқ очиққанини сизди...

Овқат буюрди. Рўпарада ўтирганларнинг «қиттай-қиттай»и бунинг ҳам иштаҳасини очиб юборди... Бир пасдан кейин Акбар ўрнидан оғиргина қўзғалди, оёқлари билинар-билинемас тойиб, йўлак бўйлаб уйи сари одимлади. Кеч куз, ҳаво салқин бўлса ҳам осмон артиб қўйилгандек типтиник, юдузлар чаман-чаман гуллаган, дарахтлар эса баргларини шиддат билан тўкаётган бир палла — ажиб бир манзара ҳукм суларди атрофда. Акбарнинг боши нафақат шаробнинг сеҳргар кучидан, айнаи чоғда табиатнинг фусункор чеҳрасидан маст бўлиб енгилгина айланар, бунга ҳамоҳанг равишда оёқлари ҳам сезилар-сезилмас чалкашар, буларнинг барчасидан эса ўзи беҳад ҳузурланар-кайфланарди...

Ниҳоят, уйига яқинлашди. Кўпқаватли уйнинг Акбар бораётган бурчагида нотаниш йигит ва қиз бир-бирининг пинжига кириб шивирлашишаётган эди. Яқинроқ борганда қиз Акбарнинг кўзига Диана бўлиб кўринди. Бағрида бир зумлик лоҳасликни ҳис қилди: тилидан беихтиёр «Диана!» деган хитоб отилиб чиқди... Севишганлар ажабланиб қарашди. Бу орада Акбар яқин келиб қолганди: қиз Диана эмасди. Лекин шунчалик ўхшаш эдики, Акбар ҳайратланди. Сўнг ҳайрати ҳижолатпазликка қоришиб орқага тисланди...

«Қайданам ёпишди менга бу дард?» — зинадан аста кўтарилиб бораркан, Акбар ўзига-ўзи шундай саволлар берарди. Бечора чинданам қийналиб кетганди, озиб-тўзиб, ранги рўйи бир аҳволга тушиб қолганди. Яхшиямки, ишга кириб олди, бу ёғи оиласи кеб қолса, ўзини қўлга олволармиди... «Нима бўлгандаям энди менинг ишим бор. Меҳнат ҳар қандай дарднинг давоси, дейишади. Ажаб эмас, яна ҳаммаси изига тушиб кетса...» — Акбар ўй сурганча эшигига яқинлашди. Тўхтаб чўнта-

гини кавлади ва шу асно Диана эшигининг қия очиқ эканлигига кўзи тушди. Бир муддат каловланиб, тарадудланиб қолди. Сўнг очиқ эшикка яқинроқ келиб «Диана!» дея чақирди. Ичкаридан садо чикмади. Бурилиб ўз эшиги томон борди. «Менга нима эшиги очиқ қолган бўлса?» — шақиллатиб қулфни очди. Бироқ ичкарига киришни пайсалга солди, юраги Дианага талпинаверди. Калитни тескари бураб эшигини қайта қулфлади. Кейин яна очди... Бир пас туриб эса беркитди. Шу зайилда эшикни саноқсиз марта очиб-қулфлай бошлади... Ниҳоят, эшик қулфланганда калитни суғурди-да, Диананинг эшигини дадил очиб ичкари кирди: «Диана!» Яна жавоб бўлмади. Бу вақтда Акбар залга кириб борган ва полда ғужанак бўлиб ётган Дианага кўзи тушиб, ўтакаси ёрилаёзган эди: «Диана, Диана!!..» — деганча Акбар аёлга энгашди ва юзини авайлаб ўзига қаратди. Диананинг гулдек чеҳрасининг ҳар жой-ҳар жойида қон қотиб қолган эди. У ҳушсиз эмас эди, бироқ кўзини очгиси, Акбарга қарагиси, гапиргиси келмаётганди; юзини кафтлари билан тўсганча Акбардан тисланди.

— Диана...

Диана индамади.

— Диана, сен гапиришинг керак...

— ...

— Нима бўлди ўзи?..

— ...

— Сени яхши кўраман... — шу ҳолида беихтиёр оғзидан чиқиб кетди Акбарнинг.

Диананинг вужуди билинар-билинемас титради... Сўнг синиқ овозда аста пичирлади: «Биламан!..»

Мен эса билмайман, — Акбар гиламга ўтириб олди, — мен ҳеч нарсани тушунмай қолдим, Диана!..

— Нимани?..

— Шу ёшга кириб ҳаётимда биринчи марта нима қилаётганимни, қаёққа кетаётганимни билмай, тушунмай қолдим. Эртан ҳақидаги бор тасаввурларим чилпарчин бўлди.

Ҳаётим измимдан чиқиб кетганга ўхшайди. Энди нима бўлади, Диана?..

— Бир сенингми?.. — Диана ҳамон ўша алфозда — гужанак ҳолида ётарди.

— Сенга нима бўлди, ким сени бунақа қиб урди? — Акбар Диананинг елкаларидан тутиб ўтқазди. Ўзи эса қаршисига чўкка тушганча икки қўли билан аёлни ўзига қаратиб, кўзларига тикилди, — ким?!..

— Ким мени ургани муҳим эмас, юзларимнинг қон бўлгани ҳам...

— Унда нима муҳим? Гапирсанг-чи, ахир!.. — асабийлашди Акбар аёлниг иягидан тутганча ўзига қаратмоқчи бўлиб.

Диана кафтларининг орасидан Акбарга қараб туриб қолди. Сўнг дона-дона қилиб гапирга кетди.

— Менинг ҳам худди сенингкидек ҳаётим остин-устин бўлиб кетди. Худди сендек мен ҳам ўз юрагимнинг асири бўлиб ўтирибман. Сен каби эртага нима бўлишини, нима қилишимни мен-да олдиндан биламай қолдим... Оҳ, қаёқдан келдинг-да тинчгина ўтаётган кунларимга, кўнгимга галаён солдинг, — Диана Акбарнинг қўлларини жаҳд билан юзидан олиб ташлади-да, кескин кўзғалиб ваннахонага кириб кетди. Қарсиллаб ёпилган эшикни очишга эса Акбар ботинолмади...

## 46

Иблис қасоскор бўлди.

У Одамнинг ортидан қолмасдан изма-из эргашиб юрди. Пайт пойлаб уни боғнинг ўртасига бошлашга ва ғойибона тарзда ман этилган дарахтларга яқинлаштиришга уринарди. Бироқ узоқ вақт шайтоннинг уринишлари зое кетди. Шундан сўнг у Одамнинг хотинини аврамоққа тушди:

— Юр, мен сенга боғнинг ўртасидаги энг ширин олмадан узиб бераман.

— У ердаги дарахтлардан мева ейиш таъқиқланган-ку? — эътироз билдирди хотин.

— Ҳаммаси бекор гап, — давом этди шайтон.

— Одамнинг айтишича, улардан еганимиз куниёқ ўлиб қолар эканмиз, — ишонқирамай боқди шайтонга хотин.

— Одамга буни Худо айтган. Чунки ўша олмадан еган кишининг кўзи очилиб, худди Унга ўхшаб яхши ва ёмонни ажратадиган бўлиб қолади. Худо буни ўзидан ўзгага раво кўрмаяпти, қизғаняпти-да...

Хотин тараддудланди. Шайтон буни сизди ва журъатга ундаб «юр, юр» деганча қўлидан етаклаб боғнинг ўртасига олиб кетди...

## 47

Эй Худойим, бу қандай кучки, фақат ва фақат олдинга интилади, айтганини қилдирмагунча қўймайди, қийнайди, қиймалайди. У шунчалар қудратлимидир, ақлга майдон бермайди, ақлни менсимайди, тан олмайди...

Акбарнинг тиззалари қалтираб, юраклари музлаб кетди. «Энди нима бўлади?» — бу савол кейинги вақтларда миясинигина эмас, бутун вужудини, ҳаётини пармалаб ташлаганди. Кучдан қолаётганини, бу кетишда бора-бора адои тамом бўлишини ич-ичидан сезиб турарди. Яна шуни ҳис қилиб борардики, энди унинг чинакамига бахтли бўлиши Дианага, у билан боғлиқ муносабатга боғлиқдек туюларди. Илгари ақлига ҳеч келмаган фикр! Наҳотки шундай бўлса: инсоннинг саодати бошқа бировга, унинг сенга бўлган туйғуларига қараб қолган эса?.. Акбар кўниккан мантиқ олмайдиган, Акбар таниган ақл бовар қилмайдиган гап! Бироқ Акбар ўзини айнан шундай ҳис этаётганди. Унинг кўнгли фақат Дианани дер, унга талпинар, фақат Диана ҳузуридагина ўзини масъуд ҳис қилар ҳамда бошқа ҳеч бир нарсага эҳтиёж сезмас эди. Ҳа, Акбар юрагини тамоман забт этган мазкур туйғуга эркини топширган онларида ўзини дунё ва унинг нафмаларидан узоқ, улардан юксакда ва озод деб билаётганди. Ҳолбуки, авваллари бундай эмасди. Авваллари

унинг мингта иши, мингта ташвиши бор эди. Чор томондан дунё ва унинг малайлари бостириб келар-да ҳар ёққа судраб қийнар, ўз ҳолига қўймас, жонидан тўйдирарди авваллари. Энди-чи? Энди Акбар қалбига қулоқ тутиб, биттагина ишни, биттагина талпинишни кўрар, у ҳам бўлса, Дианага эҳтиёжмандлик эди. Шу эҳтиёж қалбида пайдо бўлибдики, Акбар ўз кўнглидаги истақларга — ўзга эҳтиёжларга боғлиқлик бандларининг заифлашиб бораётганини ҳис қиларди... Йўқ-йўқ, шунча уринаётганимизга қарамай, Акбар ҳаётида рўй берган энг муҳим гапни барибир тушунтириб беролмаётганга ўхшаймиз. Ахир унинг ҳаётига маъно кирган эди! Ҳа-ҳа, айнан маъно, айнан мазмун. Ва бу мазмуннинг исми Муҳаббат эди, Ишқ эди... Тўғри, Акбар муҳаббат қидирган йўқ эди, бироқ кўпдан бери излагани Катта бир Маъно эди. Мана ўша Маъно! — Ишқ номли Мазмун! Лекин эҳтиёжманд бўлганига, интиқ яшаганига қарамай, Акбар бу мазмуннинг муҳаббат дибосида келишини ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаганди. У ўз ҳаётининг яшашга арзигулик мазмунга тўла бўлишини ҳамиша орзулаб келганди, бироқ унинг бунақа кутилмаганда ва энг муҳими, ўзининг ҳеч бир саъй-ҳаракатсиз ташриф буюришини тасаввур ҳам қилмаганди. Ахир у кўнглини хотиржам ва ҳуш айлайдиган манзилга боргунча инсон боласи жуда кўп меҳнат қилиши, азим эврилишларни бошидан кечириши шарт деб биларди-да... Лекин буни қарангки, мана — у: ўша Маъни, ўша Сеҳр, ўша Жавоҳир!.. У ўзининг қайси бир заҳматлари эвазига келганини Акбар билолмай гаранг, айнаи чоғда энди қандай ҳаракат қилиш, қандай бўлиш кераклигидан хабарсиз довдирарди. Ҳа-ҳа, айнан довдирарди. У ўз умрида илк марта бунақа улкан мукофотга бирданига ва ҳеч қандай заҳматларсиз мушарраф бўлиб қолганди. Товба, қисмат ҳам шунақа бўладими, бир умр кутгани бахт қуши шундоқ бошига қўнса-ю, бу бўлса «хуш келибсан!» дея мулозамат кўрсатиш ўрнига капалаги бошидан учиб, нима қилишини билмай мум тишлаганча юра берса!..

Акбар шунисига лол эди. У ўша Маънининг ўзига жуда яқин келиб турганини, тафтини ҳис қилаётганди, бироқ ҳаммасига аччиқма-аччиқ тилдан ва ҳаракатдан қолган каби соқов эди. Нега, нимага ахир?!..

## 48

Турсунбой жонталаш филдиракли тракторини занжирлисига алмаштириб ер ҳайдай бошлаганига ҳам бир неча ҳафта бўлди. Бироқ бу мавсумда у ўзини ҳар доимгидек эмаслигини ҳис қила бошлади. Иштаҳаси йўқолиб, камовқат бўлди-қолди. Анча озиб қолгани ўзига ҳам билинди.

Кунни кеча хотини ҳам шу ҳақда оғиз очди, ишни эрта баҳоргача тўхтатиб, пойтахтдаги бўлмасаям вилоятнинг тузукроқ қарайдиган, пулли санаторияларидан бирида даволаниши лозимлигини маслаҳат берди. Бироқ Турсунбой жонталаш уни жеркиб ташлади: «Ия, жинни-пинни бўлдингми?.. Одам дам олишга ҳам пул сарфлайдими?..»

Турсунбой жонталаш шудгор қилинаётган улкан пахта майдонининг қоқ ўртасида маторни ўчирди. Атайлаб ўчирмади ёки аҳён-аҳёнда бўладиган матор «найранг» лари эмасди бу. Трактор одатдагидек бир маромда ишлаётганди. Бироқ Турсунбой жонталаш уни ўчирди-қўйди. Чунки тинкаси қуриб, томоғига нимадир тиқилиб қолди. Қўллари ёнига шалвираб тушди, бошини юқори кўтариб кўзларини юмди. Шу алфозда узоқ муддат ўтирди. Маторнинг шовқинига ўрганиб қолган қулоқлари қўқисдан дуч келган сукунатнинг ваҳмини кўтаролмай қийналди. Қобоқларини очди, шу йўсин қулоқлари изтиробини камайтирмакчи бўлди. Сўнг тушлик қилмагани хаёлига келди. Бироқ бурунгидек иштаҳаси йўқ эди, нонуштаси ҳам бир коса сут ва унга майдалаб тўғралган бир бурда нондан иборат бўлганди. Ёнбошини кавлаб чўнтак соатини олиб қаради: учдан ошиб қолибдиямки, очликни сезмаганини-чи. Шунга қарамай, одатича ўтирилиб махсус қутидаги термос ва ул-бул солинган тугунчани олди. Тунукадан ясалган кат-

такон кружкасига икки чақмоқ оқ қанд ташлаб, қуюқ памил чойдан қуйди. Нондан узун қилиб бир бурда синдирди-да, қандни эзиш учун уни чойга солиб айлантирди. Сўнг хушламайгина тишлади, чойдан иссиқ-иссиқ икки-уч хўплади... Бироқ шу заҳотиёқ кўнгли айниб, кабина эшигини очишга аранг улгурди: энгашган кўйи еганини пастга ташлади. Кейин озгина ҳовури чиққан чой билан чайқади. Шу аснода ютинганида томоғининг ичида — қуйи қисмида нотаниш бир оғриқни сезди. Кўнгли нохуш тортиб нима қиларини билмай гарангсиб турди-турди-да, секингина трактордан тушди. Ғалати бўлиб кетди. Ўттиз уч йилдан бери илк маротаба бунақа бўлиши. Илгарилари шамоллашми, бошоғриқми, нима дарддигидан қатъи назар, трактордан тушмаёқ иш билан енгиб юборарди. Энди нима бўлди унга?..

Турсунбой жонталаш тракторни ернинг ўртасида қолдирганча бошини ҳам қилган кўйи шудгор оралаб уйига йўл солди. У дам мункиб йиқилар, дам туриб яна олдинга ҳаракатланарди. Бироқ ичига чироқ ёқсанг ёришмасди. Нимадир, қандайдир нохушликни қалби сезгандайин бошини қисилган елкаларининг орасига яширмоқчи бўларди...

Турсунбой жонталаш узоқ юрди. Бироқ шудгор ҳеч адоқ бўлай демасди. Ҳолдан тойиб кетди. Лахтак-лахтак бўлиб ағдарилган жойда юриш ҳақиқатан ҳам осон эмасди. Турсунбой жонталаш яна қўқилиб йиқилди, кўлларини олдинга чўзишга улгуролмай қолганидан юз-кўзи билан намиқиб турган тупроққа тушди. Оғзига тупроқ кирди, ғудранганча туфлади, сўнг ўзини ўнглаб ўтирди. Бир пас тин олгандай бўлди, оғир қўзғалиб қаддини ростлади. Бироқ гарангсиб туриб қолди. Дам шудгор ортида мўрисида буруқсиб тутун чиқиб турган уйига, дам эса ернинг ўртасида қийшайиб қолган тракторига қарарди. Туриб-туриб кўнгли тўлди, кўзларига ёш қалқиб чиқди. «Нима бўлди менга, нега ичим бунча ғаш бўлмаса?.. Ўттиз уч... ўттиз уч йилдан бери қош қораймасдан бирон марта тракторни



далада қолдириб, уйига кетган одам эмасдим. Нималар бўляпти ўзи менга, нега, нега ўзимни бу ерларга қайтиб келмайдигандек, тракторимни бошқа кўрмайдигандек ҳис қилаяпман?!...» — Турсунбой жонталашнинг вужудини муздек тер қоплади...

## 49

Фарида мажлисда газета ходимларига кимнинг қандай мавзуда мақола тайёрлаши тўғрисида кўрсатма берди. Ҳамма чиқиб кетгач эса кўпинча ўзининг ёзишига тўғри келадиган бош мақола хусусида ўйлай бошлади. Узоқ ўтирганига қарамай, қаршисидаги қоғозга битта ҳам сўз ёзолмади. Ҳафтада икки марта чиқиб турадиган газетага ҳаргал бундай... «жиддий» мақола ёза олиш жуда қийин бўларкан. Ахир улар «бекаму кўст» бўлиши керак. Бу мақоаларнинг савияси газетанинг савияси демак. Бироқ Фариданинг боши қотган эди. Нима деб ёзишни билмасди. Ахир кўнглида борини ўтган ойлар ичида ёзиб бўлганди. Энди ёзадигани такрордан иборат бўладигандек эди. Фарида айнан шуни — такрорни хушламаётганди.

Шу кўйи яна қанча ўтирди — ўзи ҳам билмайди. Ниҳоят, бир қарорга келди, шекилли, шахд ила ёзишга киришди...

Чамаси икки соатдан кейин Фарида секретарни чақирди-да, тайёр бўлган мақолани унга узатди — «зудлик билан теринг, бугунги сонга улгуришимиз керак!» деди. Секретар чиқиб кетгач, ўзига-ўзи «кўнглингга қарайдиган бўлсанг, бу дунёда яшаб бўлмайди!» деди-да ишига шўнғиди — кетди.

Ҳа, Фарида шунақа, ўзининг сўзи билан айтганда «реалист» эди. Эри билан бирга бўлиш истаги қанчалик уни қийнаётган бўлмасин, лекин барибир, ҳеч нарсани ўзгартирмай турганининг бош сабаби ҳам унинг ана шундай «реалист» дунёқарашидан келиб чиқаётганди. Куни-кеча ходимларидан бири олдиға кириб «Фарида опа, ҳаётнинг маънисини ҳақида, инсон умрининг мазмуни тўғрисида туркум мақоалар қилгим келяпти» деб қолди. Сўнг ўзига ва бошқа-

ларга юклатилаётган вазифалар — белгиланган мавзуларда мақола тайёрлашлар унчалик тўғри эмаслиги ҳақида узун-узун мулоҳазаларини тўкиб солди. Фариданиндамай қулоқ бериб ўтирди-ўтирди-да, ниҳоят, тилга кирди: «Майли, Носиржон, кўнглингиздагини ҳам ёзинг. Фақат биз талаб қилган мақоалардан кейин ёзинг. Унутмангки, шахсан сизнинг ҳаётингизга мазмун берадигани ҳам ўша биз сиздан сўраётган иш. Кўнгидаги эса... эҳ-ҳе, кўнгидаги қўйиб берсангиз, нималарни тусамайди, дейсиз. Лекин бу ёқда яшаш керак-ку, Носиржон...»

Носиржон эшикни ёпгандан кейин Фаридани ичи сидирилиб Акбарни ўйлай кетди: «У ҳам шу Носиржоннинг бири, ҳатто бундан бешбаттар хаёлпараст. Оилали, бола-чақали одамга пишириб қўйибдимиз бегона юртларда? Инсонликнинг маъносини излаб юрганмиш. Ахир иккита болангни тарбиялаб эл қаторига қўшишда эмасми ўша зорманда маъно!..»

Акбардан қанча ўпкаламасин, барибир, Фаридани унинг қаттиқ соғингани. Ҳаяжонни томоғига тикилиб, апил-тапил телефон рақамини терди. Бироқ Акбар уйда йўқ бўлса керак, гўшакни кўтармади. Фаридани эса алаmidан аччиқ — аччиқ йиғламоққа тушди...

## 50

Пага-пага оппоқ қор ёғарди. Метродан чиқиб ишхонага шошиб бораётган Акбар хиёбонга етганда қадамини секинлатди. Афсонавий либосга бурканиб узундан-узун хаёлларга чўмган дарахтларга энтикиб тикиларкан, тилига шеър қалқиб чиқди:

*Пага-пага оппоқ қор ёғар.*

*Боглар киймиш илоҳий либос<sup>1</sup>*

«Туғилмоқнинг, дунёда яшамоқнинг маънисини шу гўзалликни ҳис қилиш ва унга эътибор кўрсатишда ҳам эмас-

---

<sup>1</sup> Р.Парфи мисраси.

микин...» — дея мулоҳаза юритарди Акбар юз-кўзларига учиб келиб-учиб келиб қўнаётган ҳамда зумда эриб кетаётган лайлак қордан завқланаркан... Нарироқда бир йигит белидан маҳкам қучганча қизнинг юзини қорга тутар, қиз эса жонсизгига ҳаракатлар билан чиқиб кетишга ёлфондакам уринар, лайлак қор эриётган намхуш ёноқларидан, илиқ лабларидан қиқирлай-қиқирлай ўптирарди. Акбар уларга бир муддат ҳавас-ла боқиб қолди. Хаёлидан «тирикликнинг энг нодир ва энг юксак палласи қучоғида эркаланаётганликларини ўзлари ҳам билишсайди?» деган истак ўтди...

Акбар хиёбонда яна анча муддат кезди. Хаёлига устози тушиб, уни, суҳбатларини соғинганини ҳис қилди. Қишқи каникул вақтида Фарида болаларини олиб келадиган бўлганига кўра Акбарнинг ўзи ҳали-бери вилоятга кетадиганга ўхшамасди. Телефон ҳам бор-ку... Лекин унинг устозига айтмоқчи бўлганлари мактубда яхшироқ чиқарди балки. Акбар дарахтлар остида ғарч-ғурч қор босиб кезинаркан, хаёлан табибга хат ёза бошлади: «Устоз, сизни соғиндим... Шу чоққача айтадиган гапим бўлмагани учун жим юргандим. Энди у борга ўхшайди: Ишқ!.. Бироқ мен нима қиларимни билмай қолдим...

Биламан, муҳими, менинг чорасизлигим эмас, балки ана шунга — ишққа дуч келганим ва ҳаётимга маъни кирганини бутун борлигим билан ҳис қилганимдир. Ҳа-ҳа, устоз, мен ниҳоят тирикликнинг — умрнинг мазмунини топгандекман! Менинг истагим, орзуим ҳам шу эмасмиди, аслида?.. Гарчи бу ишқ менга изтиробдан бўлак ҳеч вақо ваъда этмаётган эса-да, бахтлиман! Чунки, устоз, «дунёга нега келдим, ҳар кун эрталаб уйғонмоғимнинг энг биринчи сабаби недир?» — деган доимий саволларим мени ортиқ қийнамаяпти. Гўё улар ҳеч қачон бўлмагандек жимиб кетишди. Устоз, сиз нима дейсиз? Дуч келганим алдамчи тасаввурлар, фитнакор сароблар эмасми? Нега сиз менга ўз ҳаёт йўлингизнинг миридан сиригача гапириб берганингиз ҳолда ишқ тўғрисида лом-лим демагансиз? Нега

сизнинг менга айтиб берган барча ҳикояларингизда бу нарса худди «ҳаётнинг маънисини нимада?» деган саволнинг жавоби каби ҳамиша очиқ қолиб келган? Ёки сиз буни мендан яширганмидингиз? Нима сабабдан?.. Ахир мен қийналиб кетдим-ку!.. Гарчанд дунёдан ортиқ мантиқ ва маъно изламаётган бўлсам-да, топганим барибир руҳимга осойишталик бахш эта олгани йўқ. Ёки ундан — ишқдан ҳам авлороқ, ундан ҳам тансиқроқ яна нимадир бормики, кўнгили ўлгур барибир қониқмаётир...

Хотинимни, ўғлим ва қизимни жудаям-жудаям соғиндим, шу тобдаги кайфиятим шундайки, гўё уларга етишсам, бутун изтиробларим соб бўладиган ва мен фароғатга қовушадигандекман. Бироқ... Бироқ бу ҳолим ёлғончи эканини мен кўп бор кўрганман-ку! Яқинда улар қошимга келишади ва бир қанча вақтдан сўнг мен тағин амин бўламанки, кўнгили ўлгур яна бошқа оламларни тусай бошлайди-да! Шунда туриб-туриб тутоқиб кетаман: қани энди шундай имконинг бўлса-ю, ўз қўлларингга қилич тутиб, вужудингни қийма-қийма қилсанг-да ўша нарсани — эсингни танибсанки, жонингга дўзах азобини солиб келаётган ўша борлиқни топсанг, унинг нима эканлигини англасанг!..

...Ниҳоят, ишқ! Фақат угина энди менга нималарнидир ўргатмоқчи бўлаяпти, мен ҳам унинг қаршисида нафасим бўғзимга тиқилиб ҳаяжонланаяпман. Гапнинг сираси, мен уни ҳали тузукроқ билмайман, бироқ тирикликнинг энг азим ҳикмати ишқда каби туюлмоқда. Ишқилиб шундай бўлсин, ишқилиб тағин адданмайин. Агар кутганим яна сароб бўлиб чиқса, кўтаролмайман. Гуноҳ-пуноҳига қарамай, жонимга қасд қиламан — қўяман. Ҳолбуки, у ўз ширинлигини алақачон бой бериб бўлган...»

Акбар ишхонага келиб ёзиши керак бўлган мақола ўрнига устозига ана шу мазмундаги хатни битиб ўтирарди...

Ман этилган дарахтнинг меваси жудаям-жудаям ширин туюлди хотинга. Андоғки, аввадию адоғи кўринмайдиган боғнинг ҳеч бир дарахтидан бунчалар лаззатбахш мева емагани у. Шунинг учун шошиб қолди. Қувончини, кашфиётини Одам билан бўлишгиси келди. Бир донга чиройли олмани узди-да чопди...

— Боғимиздаги энг-энг ширин мевани келтирдим сенга! — деди хотин Одамга.

— Қандай мева экан бу? — қўлига олиб айлангириб кўрди олмани Одам. — Таъқиқланган дарахтни ки бўлма-син тагин?

— Ўшани ки, фақат мен еб кўрдим, ўлиб қолмадим-ку. Ол, е! — ундади хотин.

— Йўқ! — кескин эътироз билдирди Одам. — Қара, атрофимизда бошқа мевалар тўлиб-тошиб ётибди-ку, нега айнан шуни, Худованд ман қилганни ейшим керак экан?

— Бу бошқача-да. Боғнинг биронта меваси тенглаша олмайди бу билан, — хотини олмани Одамнинг қўлидан олиб кўзларига яқин тутди.

— Қуёшнинг нурида рангин олма яна-да товланиб кўзларини қамаштирганда кўнгли суст кетди. Дарҳақиқат, қандай экан бу ман этилган олма?..

Хотиннинг айтишича ҳам бор шекилли мазаси. У ебди-ку... Худонинг айтгани рост бўлганда хотин ўлган бўларди. Демак, бу ерда — бу олмада бир сир бор-ов...

Одам шундай хаёл ва тараддуд билан хотини қўлида ял-ял ёниб турган олмани қандай тишлаб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди...

Ман этилган олма дарахтининг ортидан воқеани кузатиб турган шайтон ҳингирлаб кулди...

Бироқ табиб Акбарга жавоб ёзмади...

Яна совуқтарчилик. У ёки бу дард билан эшик қоқиб келаётган касалларнинг яна охири кўринмайди; табибнинг қўли қўлига тегмайди. Шахсий амбулаторияси ҳужжатларини тасдиқдан ўтказиб олишга ҳам фурсати етмаяпти. Фақат намоз қилиб олиш учунгина ишига бир муддат ора беради. Тушликни эса табиб анчадан бери қилмайди. Икки маҳал овқат организм учун етарли деб билади у. Беморларнинг кўпчилигига ҳам табиб шу маслаҳатни беради. Лекин кулоққа олгани кўп дейсизми. Табибнинг қаноатича, одам боласи шунақа яратилган эканки, у ҳеч қачон ўзи билганидан қолмаскан. Уни ўз ичидаги нимадир — балки табиатидир, етаклаб юраркан. Ўз табиатининг анча-мунча инжиқликларини енгиб, маслаҳатнинг тўғрисиغا риоя қилган беморни табиб кам кўрди. Жумладан бири — мана, рўпарада ўтирибди — Турсунбой жонталаш. Уч-тўрт уй нарида яшагани учун табиб Турсунбой жонталашни яхши билади. Уни ким билмайди, дейсиз. Сира тин олмагани, доим «иш, иш, иш» деб юргани учун одамлар унинг номига орқаваротдан лақаб тақиб айтишади: Турсунбойнинг Жони талаш — жонталаш. Ҳа, ҳақиқатан ҳам бутун умри давомида бечоранинг жони турмушнинг икир-чикирлари орасида талашда қолди. Бироқ унинг ўзи буни билмади, ҳаёт шу, тирлик шу, дея келди...

— Ҳаммасидан хабарим бор, Турсунбой. Қани, рентген суратини беринг-чи, — табиб бемор узатган суратни синчиклаб қаради. Кейин бир даста касаллик варақаларини ҳам узоқ вақт диққат билан ўқиб-кўриб чиқди-да Турсунбой жонталашга сўлгин-сўлгин боқиб қолди.

— Умид... борми, табиб?.. — жонталашнинг овози титраб чиқди. Яхши бўлмасам ҳам дўхтирлар уйга жавоб берворишди. Очик айтишмаса-да кўнглим сезиб турибди... узоққа бормайман чоғи... Томоқдан овқат ўтмагандан кейин...

— Атала ичаётгандирсиз, яна товуқ шўрва? Кунлик миқдори қанақа?

— Бошда тузуккина ўтиб турувди. Беш-ўн куннинг берисида бир хўплам ичсам-да ташлааяпман...

— Ҳм... Ҳм... — бемордан эшитганлари табибнинг сўлғин юзидаги ифодани борган сари қуюқлаштира қуюқлаштирадики, беҳроқ этмади. Ҳа, Турсунбой жонталаш оғир дард — қизил ўнгач ракига чалинганди. Ҳозир дард ўзининг авж палласига ўтганди. Бу дарддан инсонни Худонинг мўъжизасидан ўзга куч ҳалигача қутқариб қололган эмас.

Табиб яна анча вақт Турсунбой жонталашдан у-бу нарсани сўраб билиб ўтирди. Дардни энди енгилш мумкин эмаслиги кундек равшан бўлса-да, унинг беморга етказатган азобини камайтириш мумкин ва зарур эди.

Турсунбой, сиз айтганларимни қилинг, анча енгилш тортасиз. Мана, қоғозга ҳам ёзиб қўйдим. Энди сиз овора бўлиб бу ёққа келиб навбат кутиб юрманг, менинг ўзим кунда ҳолингиздан хабар олиб тураман.

Озиб, эти устихонига ёпишиб қолган Турсунбой жонталаш оҳиста-оҳиста ҳаракатланиб чиқиб кетса-да, ўзининг бутун дарди билан табибнинг қалбига кириб келган эди. У кечгача касал кўрди, лекин хаёли ҳамиша Турсунбой жонталашнинг аччиқ қисмати билан банд бўлди. «Шу ҳолида фарзандларининг биронтаси етаклаб келса нима қиларди? — хаёлидан ўтди табибнинг. — Бечора, эсини танибдики, меҳнатдан боши чиқмади. Иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демади, очин-тўқин чанг-чунгларга беланиб юрди. Топганини уйга ташиди, иморат қурди, қиз чиқарди, ўғил уйлади ва... ва тўхтади... Ҳаммаси — ҳаёти соб бўлди. Лекин эвазига... эвазига нима кўрди?!..»

Турсунбой жонталашнинг дарди унинг бутун ҳаётини кўзгуга солиб турар эди. Фақат унингми, табиб ўз тажрибасидан билардики, одамнинг дарди унинг ҳаёти қандай ўтганлиги ёки ўтаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилиб беради. Фақат буни тинглай билиш лозим. Дарднинг ичига ки-

риб унинг сабабларини бирин-кетин аниқлаб борганинг сайин беморнинг ҳаёти йўли ҳам тасаввурда қайтадан қад ростлайди. Жиддий бир дард билан оғриш ҳам уни даволаш ҳам қандайдир манода ўтмишга назар солиш ва уларни сарҳисоб қилиш демакдир. Касаллик билан бирга яшаб инсон ўз ҳаётини ҳам таҳлил ва тафтиш қилишни ўрганади, ундан хулосалар чиқаришга мойил бўлади... Инсоннинг бандалиги шундаки, дард чекканда қўлга киритган сабоқлари дарддан фориғ бўлганда эсидан чиқиб кетади. Шунинг учун бу дунёда ҳамма нарса такрорланиб келаверади, жумладан хатолар ҳам ...

## 54

Лариса холанинг тагин мазаси қочиб қолди. Уч-тўрт кун кўрпа-тўшак қилиб ётди. Ёттию беҳроқ бўлмади. Дори олай деса, нафақасининг таги кўрининиб, нон-чойга базўр етиб турибди. Маҳкам... ҳе, бети курсин шу Маҳкамнинг!.. Лариса хола вақт ўтган сайин қаттиқ янгилишганига шубҳа қилмай қўйди. «Нима жин урди ўшанда мени?» дея ўзини-ўзи қийнагани қийнаган. Бироқ энди ортга йўл йўқ. Маҳалла-гўй, таниш-билишлар... ҳамма-ҳамма «олди-берди»дан хабардор. Хабардор бўлмаганда нима, Лариса хола лафз қилган, орқага қайтиб бўлмаслигини яхши англайди. Уф... бу дунёнинг найранглариغا чап бериш намуноча қийин бўлмаса?..

Куни-кеча магазинга нонга чиққанди. Ёнбошдаги чойхонада ҳамтовоқлари билан оёқда турулмайдиган даражада ичиб олган Маҳкамга дуч кеб қолди. Лариса холага кўзи тушиб эса «Ҳа, хола, қалайсиз? Бу дейман, борган сари ёшариб кетаяпсизми?..» дея ҳингилади. Лариса холанинг бўлса, табиьки, жаҳли чиқди. Лекин индамай кетаётганди, Маҳкам шерикларига яна нималардир дея кулди. Гап-сўзлардан хола ўзи тўғрисида шикоят қилаётганини тушунди, тушундию тутоқиб кетди. Изига қайтиб Маҳкамнинг олдида борди-да деди: «Нима қилай, жоним



Худонинг қўлида экан, ўзимда бўлганда, бир кун ҳам яшамасдим. Қўлингдан келса, мени ўлдир-да уйимга кириб ол!..» Маҳкам кайфининг тарақлигидан йиқилиб тушмаслик учун ўзига ўхшаган йўфонгина шериги тирсагидан тутиб турганча гўлдиреди: «Бабуля, ҳаддингиздан ошманг, ёмон бўлади. Сиздан ёш бўлсам ҳам ҳозир отангиз қатори одамман. Ахир анчадан бери сизни боқяпман-да. Тўғрими, биродарлар?.. — Маҳкам шерикларига қараб тагин ҳингиллади. — Ваҳоланки, ўшанда ҳамма сизни бир ойга бормай узилади, дейишганди. Сиз эса парваришларимдан кейин «у ёқ» қа кетиш ўрнига тобора очилиб боряпсизми...»

Лариса хола Маҳкамнинг бу гапларидан сўнг гарангсираб, бирданига дуч келган ҳақорат, тўхмат, юзсизликка дош беролмай қолди. Берганда эди, тили калимага келарди, ўз ҳимояси учун кўпчиликнинг олдида Маҳкамга нимадир дея биларди. Йўқ, Лариса холанинг боши гўнғиллаб, бутун вужуди қизиби, тили эса айланмасди.

Хола шу ҳолида анча вақт туриб қолди. Эсида қолганикимнингдир Маҳкамга танбеҳ бергани, лекин бунга қарамай Маҳкамнинг яна Лариса ҳоланинг тўнғиллаб сўккани, сўнг ўртоқлари уни етаклаб нари олаётиб кетганда холага хезланиб «Тезроқ ўл, ялмоғиз!» дея бақиргани бўлди.

Ўша кундан бери у тўшакда. Ўша кундан бери соғлиқ ўрнига Худодан ўзига ўлим тилайди, ўша кундан бери дунёнинг — хола дунёсининг оёғи осмонда...

## 55

Ўша кунги воқедан сўнг Диана уйдан чиқмади. Қамалиб ўтираверди. На тузукроқ овқатланди, на ўзини ойнага солди. Ўйланиб ётаверди, ётаверди. Марат кўкартирган юз-кўзи ҳам секин-аста ўз ҳолига қайтдиамки, юрак ютиб остона ҳатлай демасди. Ўйланарди, ўйланиб кўнгилини хотиржам айлайдиган бир тўхтамага кела олмасди. Авваллари ҳаммаси бешқўлдек аниқ эди, нима қилаётгани-

ни, ҳаёти қандайлигини, эрғага нима бўлишини, энг муҳими, ўзининг ким эканлигини яхши биларди. Акбарни учратди-ю ҳаммаси тумандек тарқаб кетди. Энди у ўзига, ўз ҳаётига ҳоқим эмас. Энг ёмони ҳам шу эди. Энди Дианани ичига кириб олган аллақандай ҳароратли туйғу уни ўз измига бўйсундириб олмақчи бўлаяпти. Ва бу унинг қўлидан келаяпти. Диана энди ўзига-ўзи хон эмас, у кимнингдир, ниманингдир ихтиёрига тушиб қолган. Шуниси унга ёқмаётганди. У бўйсуниб ўрганмаганди. Эркин яшашни, эркин бўлишни ёқтирарди. Ҳеч қачон ҳеч қандай куч ҳаёлларига тушов солмаганди. Энди бўлса... Энди Диана ўзини узиб бўлмайдиган пишиқ арқонлар билан чирмаб ташлагандек ҳис қилар, бу ҳам майли, алам қиладигани — шу ҳолидан кўнглида бир шодлик, қониқиш борлигини сезиб қоларди. Мана шундай қоришиқ туйғулар, ўйлар исканжасида тонг оттириб, кун боттирар экан, Диана кунда бир нарсага алоҳида эътибор бериб бораётганини билиб қолди. Бу ҳам бўлса, эрталаб қўшни эшикнинг ёпилаётганини-ю кечқурун унинг шарақлаб очилаётгани эди. Ҳа, Диана Акбарни мана шу тарзда «таъқиб» этаётганди, бу ҳаётда эркин қушдек парвоз қилишни, яшашни қанчалик истамасин, барибир, ғайриихтиёрий бир алфозда ҳаёлларини Акбарга боғлаб қўяётганди... Бир куни эшик узоқ вақтгача очилмади. Соат кечқурунги ўн-ўн бирлар бўлиб кетяпдики, ундан садо чиқмади. Шунда Диана ўзи билмаган ҳолда безовта бўла бошлади. Ҳатто бир неча марта балконга чиқиб, Акбарнинг деразасига бориб мўралаб келишдан ҳам ўзини тийолмади. Ҳа демай, типирчилаб, диванда ётолмай қолди. «Юртига кетиб қолган бўлса-я!» деган ўй Дианани нари обориб бери олиб келарди...

Ниҳоят, бир маҳал эшик қулфи шақиллаб очилди. Диана чопиб ўз эшиги кўнгиросидан қаради, бироқ Акбарнинг эшиги бу орада ёпилиб бўлганди. Диана балконга шошди. Шунда Акбарнинг чироғи ёқилди. Диана қўшни деразага изтироб билан боқиб тураркан, кўзларига ёш қалқиб чиқди. Шу асно парда чети сурилиб дераза ортидан Акбар-

нинг хушқадди кўринди. У чароғон кўчага бирров разм солди-да, сўнг Диана томонга қаради... жилмайди... Диананинг кўзёшлари энди яноқларини кўйдириб тушарди...

## 56

Турсунбой жонталаш тўшакка миҳланиб қолди. Юришга, ҳатто туриб бир пас ўтиришга ҳам мадори келмайди. Куни битганга ўхшарди. Қўни-қўшнилари, маҳалла-гўй кириб рози-ризолик сўраб кетишяпти. Қариндош-уруғ эса кунда шунда, табиб ҳам тез-тез кеб турибди. Фақат ака-сидан дарак йўқ. Турсунбой жонталашнинг эшикка қарай-вериб кўзлари тешиадиямки, умри узоқ бўлгур келай демайди. Ўртага одам қўйиб, чақирай дейди-ю ораларидаги гап-сўзнинг ошкор бўлишини истамайди. Қолаверса, ҳамияти йўл бермай турибди. Лекин аканинг — жигарбанднинг ўрни бошқа бўларкан...

Турсунбой жонталаш краватда ётар, шундоқ қарши-сидаги деразадан кичик ўғлига атаб қурила бошланган, лекин ҳали битмаган иморат кўриниб турарди. Ҳозир ҳам у чала қолган қурилишга мажолсизгина қараб тураркан, ачиниб кетди. Ҳа, Турсунбой жонталаш шунақа яралганди, қирчиллама ёшида завол топаётган жонига эмас, бошлаб қўйган ишининг ярим йўлда қолиб кетаётганига ўкиниб ётарди.

— Ассалому алайкум, Турсунбой! — эшик очилиб табиб кириб келди.

Алик олиб Турсунбой жонталаш кўзгагиб ўтирди.

— Ўзгариш борми? — Турсунбой жонталаш рўпарасидаги стулга ўтираркан, сўради табиб.

— Энди ўзгариш бўлиб қаёққаям борардик, табиб? — ҳафсаласизгина, жонсизгина гапирди Турсунбой жонталаш.

— Шу нарса нотўғри. Сизни кайфиятингиз ўрни келганда мен бераётган дорилардан ҳам муҳимроқ. Айтмоқчи, дориларни қанда қилмай ичиб турибсизми?

— Қўлдан келганча... лекин занғар... баъзан қайт қилиб чиқарворяпман...

— Сиз ўзингизни яхши ҳис қилиб турганда оз-оздан, томчи-томчи ичишга ҳаракат қилинг.

— Нимага, табиб? Сиз ҳалиям менинг соғайиб кетишимга ишонасизми?.. — деярли шивирлаб сўради Турсунбой жонталаш.

— Турсунбой, нима бўлгандаям умид қилиш керак. Сизга ўзим таёрлаган дорилардан бераяпман. У янги дори эди. Илк бор сизда қўллаяпман. Турсунбой, мен сизга ёлғон ваъдалар бермайман. Қўлимдан келганини қилаяпман, сиз ҳам менга ёрдам беринг, у ёғи Худодан, тушундингизми мени, Турсунбой?..

Турсунбой жонталаш ишончсизгина бош қимирлатди. Табиб хайрлашиб чиқди.

## 57

Табиб минг ҳаракат қилмасин, соғайиб кетишига ишонч ҳиссини уйғотишга уринмасин, Турсунбой жонталаш кундан-кунга томири қирқилган гулдек сўлишда давом этарди. Унга ҳеч нарса ёрдам бермасди. Ҳар доим бошида тумонот одам, ўғил-қизлари, хотини... Лекин ҳеч кимда ўша малҳам йўқ эди. Гўё ҳамманинг кўзи ўнгида Турсунбой жонталашни қаёққадир судраб олиб кетишяпдию биров юрак ютиб унга ёрдам қулини чўзай демайди. Кейинги бир-бир ярим ой мобайнида Турсунбой жонталашни ана шу туйғу қўйиб юбормади. Бир жойда ётавериб орқалари оғриб кетди. Тракторни, далани, меҳнатни соғинганди. Ҳеч бунақа аҳволга тушмаганди, ёмон бўларкан. Дард гирибонидан бўғиб, ўзи билан ўзининг эркин бўлишига — яшашига изн бермаётганди. Қайтага ҳалқани тобора қаттиқроқ сиқиб, Турсунбой жонталаш ва ҳаёт ўртасидаги туйнукни торайтириб борарди. Энди Турсунбой жонталаш ҳар даммини сўнгги кун бўлиши мумкинлигига шубҳа қилмай қўйганди. Бироқ акасидан ҳануз бир хабар келмади. Шун-

да у тушундики, ўз яқинларинг дилини оғритиб ўтишдан ортиқ бошқа бир азоб дунёда йўқ экан. Турсунбой жонталаш йиқилиб қолган вақтидан бери шу ҳақда ўйлайди. Ўйлаб ўйининг охирига ета олмайди. «Акам ўлим тўшагида ётганимни эшитиб келиб қолар», деб умид қилган эди, лекин акаси эсини йиғиб, гина-қудрат чангалидан қутилиб, укаси остонасидан ҳатлаб ўтгунча кутолмайди ахир Турсунбой жонталаш!.. Ҳа, у вақти жуда оз қолганини сезиб қолганди. Фурур-пурурини йиғиштириб қўйиб, ўғлини ёнига чақирди-да, «мошинангни қўш» деди. Хотини ва қизларининг ҳай-ҳайларига қулоқ осмай, инқилаб-синқилаб қўзғалмоқчи бўлди. Булар ҳам жони қил устида турган одамнинг раини қайтаришмади, қайтага Турсунбой жонталашнинг қўлтиғидан тутишди. Машинага аранг чиқиб олган Турсунбой жонталаш ўғлига қараб «акамникига!» деди...

## 58

Турсунбой жонталаш яна бир неча ҳафта деразага қараб ётди. Сўнг... сўнгги кун келганга ўхшарди. Эрта-лабдан ўзини жуда ёмон ҳис қилди. Ниманингдир хуружи бошлагандек эдию нималигини билмасди, унга исм беролмасди, лекин ниманингдир — ҳам таниш, ҳам айни пайтда қандайдир нотаниш ниманингдир ўзига яқинлашиб келаётганини ҳис қилиб турарди. Шундай хуружлардан бирида Турсунбой жонталаш ҳушини йўқотди. Қанча вақт ўтди — билмасди, бир маҳал ўзига келиб қараса, теварагида лиқ тўла одам: хотини, акаси, бола-чақалари... Ҳатто табиб ҳам шу ерда.

Акаси Турсунбой жонталашнинг қўлини тутди.

— Турсунбой, гапир укажон, жим турма, гапир!..

Турсунбой жонталаш нима гапиришни билмасди. Гапираман, деса, тили айланадими-йўқми, бу ҳам номаълум эди. Фақат ҳайрон бўлиб ўзини томоша қилиб турганларга бир-бир разм солди.

— Турсунбой, — бу энди табиб эди, болаларингизга айтолмай қолган бирон гапингиз борми, бўлса гапиринг, кечикманг...

Турсунбой жонталаш шундагина бу ғалати «маросим» сабабини, ўз ҳолини тушунди.

— Табиб, — Турсунбой жонталаш деярли шивирлаб гапирарди, табиб унга томон эгилди, қолганлар ҳам қулоққа айланишди, — сиз ҳам тақдирга тан бердингизми?..

Табиб гапирмади, бироқ бошини сарак-сарак қилиб тасдиқ маъносини берди.

— Табиб, — Турсунбой жонталаш яна унга мурожаат этди, — битта илтимосим бор. Анави иморатга қаранг, — ҳамма дераза ортида кўриниб турган, ҳали битмаган уйга қаради, — унга битта фишт етмаяпти. Қаранг, юзга тушган дордай бўп иморат ҳуснини бузиб турибди. Сиздан илтимос, жоним узулгунча ўша фиштни қўйиб келсангиз. Табиб иморатни бир зум кузатиб ҳайрон туриб қолди. Чунки унинг фишт қўядиган жойи қолмаганди. Иморат қорасувокдан ҳам чиқиб бўлганди. Фақат оқлаш, бўяш каби пардоз ишлари қолганди, холос.

— Табиб, — давом этди андак тин олволган Турсунбой жонталаш, — мен анчадан бери ўша кемтик жойни шу ердан ётиб кузатаман, ўша кемтикни ўйлайман, лекин кучдан қолганим важдан ўзим тўлдиролмадим ўша кемтикни. Бола-чақаларга бўлса... ишонмадим. Хув ана, иккала ромнинг ўртаси очилиб ётибди. Унга битта фишт, биттагина фишт етишмаяпти...

Табиб иккала ром ўртасига қараб, фишт қўйиш керак бўлган жойни кўрмади, лекин Турсунбой жонталашнинг қўлларини ушлаб, «яхши, Турсунбой, мен ҳозир ўша фиштни сиз айттандек қилиб қўйиб келаман» деди-да ташқарига чиқди. Бориб Турсунбой жонталаш солган иморатни икки-уч айланди: на икки ром ўртасида, на бошқа жойда фишт урса бўладиган кемтикни топди... Шу вақт ичкаридан Турсунбой жонталаш хотинининг уввос солиб йиғлагани эшитилди...

Табиблик ўзи шунақа: бир кун беморга қўшилиб йиғласанг, бошқа кун у билан бирга куласан. Турсунбой жонта-лашнинг ўлими табибни қанчалик эзган бўлса, Нигина қизнинг кундан-кунга соғайиб бораётганлиги шунча қувонтирарди. Ҳа, табиб шунақа эди. Ҳар битта касални даволай бошлар экан, ўша бемордаги дардга қарши ўзи жангга киришар, энгиб чиққанда ҳаммадан кўра кўпроқ севи-нар, энгилганда эса ўзини қўйгани жой тополмай қийна-лар, ўзини — инсонни ожиз сезиб типирчиларди.

Нигинанинг отаси нафақат бадавлат тадбиркор экан, устига яна мард, саҳоватли одам ҳам чиқиб қолди. Қизининг юзига тепиб чиққан қизиллик-соғлиқ аломатини кўргандан бери табибнинг Нигинага айтган қишлоқ амбулаториясини қуриш ҳаракатига тушиб қолган. Ҳозир унинг қўш қаватли ҳашамдор иморати қад кўтариб, энди бошқа пардоз ишлари бажарилаётган эди.

— Дадам сизни ўша ерда энг котга дўхтир бўлади, — деяпти, — Нигина қиз табибга миннатдорчилигини қай йўсин бидиролмай бидиллади.

— Қизим, мен энди қаридим, у ерда ёшлар ишласин. Нима бўлгандаям, даданг хайрли ишга қўл урган, Худо ёрлақасин уни...

Барибир... барибир табиб кўнглининг бир бурчагида Нигина қиз соғлиғи билан боғлиқ хавотир яшарди. Чунки табиб кўп йиллик тажрибасидан яхши билардики, жиддий касалликлар жуда айёр бўлади, маълум парваришлар оқибатида ортга чекингандай бўлади-ю кейин бирданига оёқ остидан чиққан заҳарли илондек қўққисдан ташланиб қолади. Табиб Нигина қиз сиймосидаги улўғвор гўзаллигини, унинг нозик ҳаракатларию оққўнгилигини, камдан-кам одамларда учрайдиган самимиятини эслаб қолар экан, ишқилиб, шу қизалоқ яшаб кетсин, дея Худодан тилагани тилаган эди...

# ИККИНЧИ ҚИСМ

## 1

Шунда дарахтнинг ортидан шайтон чиқиб келди:

— Шу чоққача кўр эдингиз, мана энди кўзларингиз очилди. Худо буни билиб қолмасдан бурун мангу ҳаёт дарахти мевасидан ҳам тотиб қолинглар. Ўшанда ҳеч қачон ўлмайсизлар.

— Етар, — деди кесиб, бўлиб ўтган воқеадан кўнгли хижил тортган Одам. — Биттасидан тотиб, қай аҳволга тушганимизни кўрмаяпсанми?..

— Ҳамма гап шунда-да. Гуноҳингиз учун Худованд сизни албатта жазолайди: У сизга ўлим юборади. Шунинг учун ҳам мангу ҳаёт дарахти мевасидан еб қолиш зарур. Буни егандан кейин Худонинг жазосидан кўрқмасаям бўлади, чунки мангу ҳаёт сизни Тангрига қарамликдан халос этади...

Одам ҳам, хотин ҳам ўйланиб қолишди. Улар шайтоннинг гапига кирсакми, ё бу бир фирибми, дея мулоҳаза қилишарди. Бироқ фишт қолипдан кўчганди. Энди ўлимни даф қиладиган мевадан еб олишмаса ҳолларига вой эди. Ноилож қолиб шайтонга эргашишди...

Лекин шу асно қарши томондан Худованднинг келаётганини сезиб, ялонғоч эканликларини билганларидан дарахтлар ортига яширинишди...

## 2

Кўклам... Қишлоқ аҳли далага чиқиб кетган. Бундай паллада деҳқон ўзини ўйламайди: фикру ёди фақат ишида бўлади. Тўғри-да, кузги баракат баҳорги ҳаракатга боғлиқ. Табибнинг қўли андак бўшаб, бундоқ... ўз хўжалигига, ҳаётига разм соладиган пайти ҳам шу вақтга тўғри келади. У ҳам ҳозир қўшни қишлоқлик ўспирин Искандар билан ўз томорқасидаги дарахтларни бутаб, уларга тартиб бериб



юрибди. Искандар билан кўпдан бошлаган ва эҳтимол, ҳали яна жуда узоққа чўзиладиган суҳбатини давом эттираяпти. Суҳбатки, эсини танигандаёқ табибга ошно бўлган ва ҳозиргача тинчлик бермай келаётган, орада Акбар билан гаплашилган, лекин, барибир, бир тўхтама келинмаган, мана, ниҳоят, Искандар билан давом эттирилаётган эди. Суҳбатки, ечими даҳанаки мубоҳасаларда эмас, балки умрлар бағишлангандагина топилиши мумкин. Ҳа, унга илмингни тикиб бир нимага эришмоғинг душвор, унга борйўғингни, бисотингдаги энг қимматбаҳо матоҳ — ҳаётингни тикажаксен! Шунда ҳам омад сенга кулиб боқадими, йўқми, буниси номаълум. Бироқ бошқа чораси йўқ. Бу йўлга оёқ босдингни, тамом, қурбонликка фақат умрингни — гулдек ёшлигингдан тортиб, донишманд кексалигингача, барча-барчасини келтириб тўкасан...

«Ахир менинг умрим қурбон бўлиб кетмадими шу йўлларда?! — ўйланарди табиб Искандарга буташаи лозим бўлган шохларни кўрсатиб ва кесишга қулай қилиб ушлаб тураркан, — на оила қолди менда, на унинг қайғуси, на одамларга ўхшаб ҳаётдан лаззат олиш истагию на бунинг армони. Ҳамма-ҳаммаси гўё кучли оловда бирин-бирин куйиб кул бўлди, улардан урфоқ ҳам қолмади. Мана, энди ўша олов Акбарни куйдириб кул қилмоқда. У ҳам худди мендек оила ҳаётидан, боғалардан етадиган лаззатдан узоқ тушиб, уйсиз, ватансиз, муроду мақсадсиз дайдилардек тентираб юрибди. Қишлоқдан кетганига ўн йиллар бўп қолди, ёши ҳам қирқни қоралади. Бироқ ҳали-ҳануз ўша ёқларда, ҳали-ҳануз ўзини босволгани йўқ. Чунки ичидаги олов ҳамон гуриллаб ёнмоқда. Аслида ҳамма бало ўша гулхайнда — Исён Гулханида!.. Ахир мени бир умр ўз дўзахида жизғанак қилмадими бу лаънати олов! Олтмишни қоралаб қолганимдагина гулханнинг шашти пасая бошлаганини ҳис этмадимми?.. Шунда мен ўзимни жаннатий бир ҳаловатга қовушаётганимни сезгандим ва қувончдан юрагим ёрилаёзганди. Ахир бу натижа эди, бир умрлик қийноқларимни ҳосила-

си, мукофоти эди!.. Мен, ниҳоят, исён азобидан фориш бўлиб, озодликка чиққандим. Озодликнинг исми эса Итоат эди. Ва, мен ўзимни у ён бу ёнга уришни бас қилиб... йўқ-йўқ, бундай эмас, қирқ-эллик йил давомида мени чирпирак қилиб учуриб юрган куч секин-аста орқага чекинди-да, мен ўзимга ўзим тегишли бўлиб қолдим, десам тўғрироқ бўлади. Шунда қаршимда ҳаётнинг мазмуни, туғилиш ва ўлишнинг маъниси ярқ этиб намоён бўлгандай эди: у Итоатда, инсонлик қисматига кўникишда эди. Йўқ, бу шунчаки кўр-кўрона кўникма эмасди, балки англаш ва тушунишдан келадиган буюк Итоат — Яратганга тобелик эди. Чунки мендаги Исён Итоатимнинг ичига, унинг бир бўлагига айланиб ўзга маъно касб этганди. Ва мен хотиржам эдим. Дунё қайғуси-ку кўпдан бери безовта қилмай қўйганди, энди ҳатто ўлим ҳам мени чўчитмаётган, қайтага уни мўъжизани кутгандек кутадиган бўлгандим. Тахминан, ўн йил шундай кечди. Акбарнинг йўлга кетганига ҳам қарийб шунча бўлди. Ўн йил мен хотиржам яшадим. Мана энди... ҳатто ўйлашга қўрқасан киши...»

— Устоз, чарчаган кўринасиз... — Искандар сўз қотди бир новдани ушлаган кўйи хаёл суриб қолган табибга.

— Ҳа-я, — табиб ҳушини йиғди. Сўнг уст-бошига ўтирган чанг-чунгни қўли билан уриб-уриб туширганча ўрнидан қўзғалди. — Сен бола, хулоса чиқаришга шошилма. Ёшсан, хулоса қилишга ёрдам берадиган кўп нарсалар ҳали олдинда. Инсон шунақа мавжудодки, яшагани сайин янгиланиб боради, баъзан кечаги хулосаси бутунига тўғри келмайди, у эртагача яна ўзгариб қолиши мумкин. Шунинг учун шошилма. Ҳаётнинг, умрнинг ўзи секин-асталик билан ҳамма саволларингга жавоб бериб боради.

— Мен ўн еттида бўлсам, сиз етмишдасиз-ку, устоз. Мен бераётган саволларга алақачон жавоб топиб қўйгандирсиз. Нега ўшаларни менга айтмайсиз?

— Фойдаси йўқ, болам, — табиб дарахтлар оралаб уй томон юрди.

— Нега энди?

— Мен айтган жавоблар сени қониқтирмайди-да.

— Нима учун, устоз?

— Ўзинг етиб келишинг керак уларга, болам.

Искандар аразлагандай жимиб қолди. Табиб эса тушунгандай бош чайқаб қўйди...

Устоз-шогирд олдинма-кейин бўлиб ошхонага келишди. Ўчоқда бир неча соат бурун солиб қўйилган товуқ шўрва милт-милт этиб қайнаб турарди...

### 3

Лариса холанинг умри узоқ экан. Агар Маҳкам балога йўлиқиб ўлиб кетмаганда эди, ўтган бу ўн йил давомида хола ё ақлдан озар ё диққинафасликдан бирон тузалмас дардга гирифтор бўларди. Йўқ, вақтида тақдирнинг ўзи бир кўнгилсизлик билан бошқа кўнгилсизлик олдини олиб қўйган кўринади. Ҳай, нима бўлгандаям холага осон келмади. У қисматини — ўтаётган шу кунларини... йўқ-йўқ, ўтмай қолган, тўхтаб қолган шу зерикарли ва азобли кунларини душманига-да раво кўрмасди. Дунёда ўлимнингигина кутиб яшашдан даҳшатлироқ тақдир бўлмаса керак. Айниқса, қарилдикдан яшашга ҳолинг келмай буришиб-тиришиб қолганингда, на овқатнинг ва на уйқунинг таъминини билмай сўлганингда... Эҳ-ҳей, нимасини айтай, хола ташқарига илгаригидан ҳам камроқ чиқадиган бўп қолган. Қурби келмайди. Ҳафтада бир-икки марта бироз айланган, қўшни кампирлар билан гаплашган бўладию, яна кимнингдир ёрдамида инқиллай-синқиллай юқорига — тўртинчи қаватга кўтарилади. Шу кўйи бир неча кун қаторасига дам олади. Бозор-ўчар, дейсизми?.. Бе-е-е, қартайиб, тишлари тўкилиб кетган кампирнинг бозор-ўчари нима бўларди... Хола шу чоққача ён қўшнилари бўлмиш Акбар билан Дианадан илтимос қилиб келади. Барака топгурлар, на униси, на буниси бирон марта қария гапини ерда қолдирган эмас. Қайтага галма-галдан чиқиб, «хола,

нима ёрдам керак?» деб сўраб туришади. У ер-бу ери оғриб ётиб қолган вақтлари эса дўхтир чақирган ҳам, пулини олмасдан дори-дармон келтирган ҳам, ўзини яхши ҳис қилган пайтлари черковга обориб-обкелган ҳам шулар. Эҳтимол, шунинг учун холанинг умрига умр қўшилиб келаётгандир, буни Парвардигор билади. Лекин хола Яратганга илтижо этар экан, албатта, иккисининг ҳаққига дуо қилишни унутмайди. «Қани энди менинг ҳам Акбардек ўғлиму Дианадек қизим бўлганда», дея армон қилгани кўп бўлди. Бироқ, барибир, улар ўз болалари эмасди. Шуниси, ўзидан кейин бу ёруғ оламда эслаб қўшиқ айтиб турадиган зурриёди қолмаётгани алам қилар, кўнглини қаттиқ оғритарди холанинг. Волга бўйидаги қариндошлари билан эса белида кучи, кўзида нури бўлган вақтларидаёқ узоқлашиб, борди-келдини деярли кесиб қўйганди. Нега шунақа бўлганди, ўзи ҳам билмайди. Йўқ билади, фақат тан олгиси, эслагиси келмайди. Тан олиб, ўзини виждон азобида қийнашни истамайди. Лекин нима бўлгандаям сиз билан биз ўша кўнгилқолди воқеани билишимиз лозим... У вақтларда Ларисанинг ҳавоси баланд эди. Юлдузларни кўзларди. Хизмат сафари билан ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа юрарди, кўп ўлкаларни, ундан ҳам кўпроқ шаҳарларни кезарди. Шундай сафарлардан бирида йўл устида бўлгани боис қайси бир опаси қизининг тўйига ўтади. Зиёфат роса авжига чиққан паллада катта опаси бунга «Энди сен ҳам битта туғиб олгин, қара, биз қиз узатиб, ўғил уйлаяпмиз,» дея насиҳат қилади. Жавобан эса Лариса қариндошларининг ҳаммасини бирдек хафа қиладиган гапни айтганди: «Ффу, бола туғиш менга тўғри келмайди... Дунёда ҳамманинг ўз иши бор. Менга ўхшаб дунё кезишни, катта-катта ишларни эплай олмаганлар уйда ўтириб бола туғади. Энди менам шундай мавқеимнинг қадрига етмай сизларга ўхшаб туғиб ётайми?..»

Мана шу гапга ҳам қирқ-эллик йил бўпти. Лекин ана шу гапдан сўнг хола ва қариндошлари орасига совуқчилик тушиб қолганди. Албатта, биргина шу гап билан ҳам-

маёқ остин-устин бўлиб кетмасди. Бунга асосий сабаб, холанинг яна узоқ йиллар ўзини ана шу тарзда тутганлиги ва бу тавр натижасида секин-аста қавму қариндошларидан йироқлашиб борганлигида эди. Нима бўлгандаям, ҳали туғилмаган бола холанинг жон-жигарларига бегоналашиб кетишига ҳам, кейинроқ яна шу бола — умуман, ҳеч қачон туғилмаган шу фарзанд, унинг адоқсиз ўкинчларга гирифтор бўлишига ҳам, Маҳкамга ўхшаган юзсиз-виждонсиз кимсаларга рўпара бўлиб қийналишига ҳам олиб келди. Кейинроқ... жин урсин, олдинроқ деса ҳам бўларкан, хулласи калом, холанинг ёши ўтиброқ қолганда туғишга уриниб кўргани, лекин бундан ҳеч натижа чиқаролмай, бир куйиниб-бир севиниб юрган кезлари ҳам бўлган.

«Нега туғилдим, нега бу ярамас дунёга келдим ўзи?!...» — диванда ўйланиб ётган Лариса хола шитоб билан қўзғалиб қолди. — Саксондан ўтдим, буёғи тўқсонга қараб кетди. Лекин бундай... судралиб яшашдан нима маъни? Бундан кўра ўлиб қўя қолсам нима қиларди? Уфф, жоним бунча қаттиқ бўлмаса. Одамлар эллик-олтмиш орасидаёқ арзимаган баҳоналар билан оёқ қоқиб қолишади. Мен бўлсам... Ёшлик яхши экан. Менинг ҳаётим ёшлигимда ўтиб кетди. Кексаликда эса... бу ҳаёт эмас, бошдан оёқ гурбат экан. Эҳтимол, болам бўлганида... Бе-е, боласи борларни ҳам кўп кўрдим. Аҳволи меникидан баттарлари бор орасида. Гап бола туғишда эмас, болани тарбиялашда экан. Боланг бўлса Акбардек бўлса. Унинг ота-онаси қандай бахтли одамлар экан. Лекин не ажабки, улар бирга яшашмайди. Хотин болачақасиям ҳар замонда бир кўриниб қоладию яна ғойиб бўлишади. Сабабини сўрасанг, хотинимнинг ици ўша ерда, меники эса бу ерда. Эр-хотин бўлиш учун ҳар куни бирга яшаш шарт эмаску, дейди. Ёшларда, ёшлар. Аммо-лекин ичида бир дарди бор-ов. Айтмайдию кўзларидан билиниб туради... Уҳ, бу дунёда дардсиз одам бормикан ўзи?..»

Лариса хола яна ўзини диванга ташлади. Қаттиқ чарчаганди. Ўйланганидан, уринганидан, изтироб чекканидан эмас, йўқ-йўқ, ҳаётидан, кексалигидан, чироғи ўчиб қолган умрнинг муттасиллигидан чарчаганди...

#### 4

Энди Одам ҳам, хотин ҳам яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратадиган бўлишди. Шунда улар ўзларининг ялонғоч эканликларини кўриб бир-бирларидан уялди. Дарров ён-вердаги анжир баргларидан ёпинчиқ ясаб, уят жойларини ёпишди. Кейин ўзларини кўздан панароқ жойга олишди...

— Қаердасан, Одам? — чақриб қолди Худо.

— Ўзимни ялонғоч деб ўйлаб Сендан яшириниб турибман, — деб жавоб берди Одам.

— Ялонғоч эканлигингни сенга ким айтди? Ёки «ема!» деганим олмадан еб қўйдингми? — сўради Худо...

— Ҳа, — тан олди Одам, — еб қўйдим.

— Худо дарғазаб бўлди ва Одамни ҳам, хотинини ҳам Адан ўлкасидаги боғ-жаннатдан қувиб юборди.

Одам ва хотин бўйинларини ҳам қилганча жаннатда чиқиб кетаркан, Худованднинг овози орқаларидан қувиб етди:

— «Одамга таъзим қил», деганимизда бўйин товлаб кетган шайтоннинг сўзига кириб, бизни унутдинг. Чунки роҳат-фароғат ичида эдинг ва уни кўтара олмадинг. Энди жаннатдан туш-да ерни ўзингга макон айла, то биз кўрсатган йўлга қайтиб келмагунингча заҳмат чек. Заҳмат чек, зеро гуноҳингни ювишининг ҳам, бизни хотирлашнинг ҳам ягона чораси шу. Заҳмат чек, ки изтироб ичра гуноҳга такрор қўл урмоғинг душвордир...

Ёдингга бўлсинким, кўнглингдаги иштибоҳдан, томирингда қонга қўшилиб оқаётган исёндан тамомила халос бўлиб, яна ҳузуримизга тавба қилиб қайтиб келмагунингча чинакам саодат нима эканлигини билмагайсан!..

Орадан ўн йил ўтди, бироқ Акбар ҳаётида ўзгариш сезилмади. Йигит киши қирқида фарқ пишади, дейишади. Лекин бу унинг қирқда албатта бахтли бўлади, дегани эмас экан. Нима бўлгандаям Акбарнинг юраги ўн саккиз ёшида қандай олов бўлса, бугун — қирқнинг чегарасини ҳатлаб турганда ҳам шундай куч билан алангаланарди. Қайтага илгари «ҳали ёшман, олдинда кўп нарсалар ўзгаради ва ҳаммаси яхши бўлади», дея ўйлаши, ишониши мумкин эди. Бироқ бугун — қирқ ёшнинг ҳатто ҳар қандай уйқудаги одамни уйғотиб юббришга қодир афсонавий қўнғирроғи жаранглаб турганда ҳам мудраб ётиб бўлмайди, ахир!.. Ўша қўнғирроқдан кейин ҳаммаси гўё беш қўлдек аён эканлиги билиниб қолар экан. Ахир шоир айтган эдику: «Ҳаммаси... ҳаммаси беш қўлдек аён, Кунда ҳам, тунда ҳам сир йўқ, сеҳр йўқ. Гарчанд атрофимда эркагу аёл, Дилни уйғотгувчи пир йўқ, меҳр йўқ...» Бу аёнлик шундан иборат эдики, Акбарнинг жон-жонида ўн саккиз ёшида пайдо бўлган кайфият қирқида ҳам ўзгарган эмасди. Ўн саккизда пайдо бўлган саволлар қирқда ҳам жавобсиз ҳолда Акбарнинг дунёсида сиртмоқдек муаллақ осилиб турардики, бу кетишда улардан бири қаҳрамонимизнинг азиз бўйнига омонсиз тушиши муқаррардек туюларди. Ахир қани таскин, қани ҳаловат, қани ўзини — озурда бўлган жонини қўярга бир тансиқ гўшаси?.. Бундан ўн йил бурун бошланган ва Акбарга кўп ваъдалар берган, барча тасаллисиз сўроқларига битта умумий жавобдек бўлиб кўринган ишқ бугун қаёқларга ғойиб бўлди?.. Саҳройи Кабирда ёққан ёмғирдек қумнинг — турмушнинг қаърига сингиб кетдими?.. — билмай қолди. Билиб тургани шу эдики, ишққа рўпара келган ва унинг қанотларида арши аъло сари йўл олиб самоларга парвоз қилган ҳамда сафарнинг қайси бир манзилида беҳосдан чарчоқни ҳис қилиб, сўнг шу ҳисга асир тушиб кўклардан қулаган қўнғил мусибати энди қадимгидан-да баттар туюларди. Ишққача Акбар бун-

дай ўтқир беомонликни ҳис қилмаганди. Ишқ даврида эса у ҳаммасини унутди: дунёни ҳам, мантиғини ҳам. Ахир излаган нарсасини топган одам яна нетиб уни қидирсин! Ишқ Акбарнинг топгани эди. Воҳки, ўша пайтларда излагани ҳам, унга ётишмай турган нарсаси ҳам айнан ишқ бўлиб кўринганди. Акбар туйқусдан унга қовушди ва саодатдан бошлари айланиблар кетди. Кейин... кейин у ишқ-жи кечиб ўтди, уни яшади, титроқларига, ҳаяжонларига тўйинди, шекилли, бирдан ишқнинг қучоғидан бошини кўтарганда кўзларида яна аввалги — ҳув эски дард, пой-поёни йўқ мусибат ўзининг бутун борлиғи билан акс этиб турарди. Бу Акбарнинг ишқдан кейинги ҳоли эди... Ҳайҳот, инсонликнинг ҳамма даврида бирдек қадрли бўлган куч—қудрат, сир-сеҳр бормикан ўзи оламда?!..

## 6

Ўн йил ўтди. Бироқ у Диана учун беиз кетмади. Бу ўн йил унинг ҳаётидаю дунёқарашида сезиларли ўзгаришлар ясай билди. Йўқ, Диана олдин ерда балчиққа беланиб кун ўтказар эдию бу йиллар уни кўтариб осмону фалакка элтиб қўйди, дейишдан йироқмиз. Лекин, барибир, аёл ўз ҳаётидаги битта балчиқдан — фоҳишалик қисматидан халос бўлиб олганди. Кимга қанақа, буни билмаймизу, Диана учун шунинг ўзи улкан саодат эди. Бир вақтлар у «мен шу иш учун туғилганман, бинобарин, қисматим ҳам шундай» дея ўзини ўзи оутар эди. Энди эса яхши биладикки, ўша вақтларда қаттиқ янглишган экан, Диана фоҳиша бўлиш учун дунёга келмаган экан. Умуман, ҳеч ким — ҳеч қандай аёл, қиз фоҳиша бўлиб туғилмас экан, уни бу йўлга — бу чоғга итарган куч ўша хомхаёл, ўша бўшхаёл — «менинг бундан ортиғига кучим етмайди» деган заифлик экан. Ёки енгил пул топишни исташдек заифлик. Бунинг фарқи йўқ. Нима бўлгандаям натижа бир: ЗАЙФЛИК! Диана сўнгги ўн йил ичида кучли бўлишнинг синоатидан кечди ва уни — кучли бўлишликни севиб қолди. Илгари ҳеч бу



ҳақда ўйлаб кўрмаган экан. Илгари у ўзини турмуш деб аталган оқимнинг ихтиёрига топшириб қўйган экан. Ҳаёт шу, яшаш шу, деб билар экан. Энди билса, энди Диана курашиб яшаш лаззатини, мақсад билан уйғониш таъмини билиб қолди. Қандайдир ҳаётий ғоялар йўлида кўнглининг анча-мунча истакларидан воз кечишда ҳам улкан бир ҳикмат — мазмун, ҳатто фароғат борлигини ҳис қила бошлади у. Албатта, буларнинг барига Акбар ва унга бўлган муҳаббат сабаб бўлди. Йўқса, Диана ўз ҳаётининг қандай эканлигини, келажаги қанақа бўлишини жуда яхши англарди. У тушунардики, ўшанда — Акбарни учратмасдан бурун ёши йигирма олти эди ва яна шунча гўзаллигига қарамай, нари борса, ўн йил миждозлар кўнглини ҳушлаши мумкин эди. Кейин... кейин кераксиз матоҳ сингари кўчага чиқариб ташланарди. Омади чолиб қолиб, Марат ёки шунга ўхшаш иш бошқарувчилар билан тил топиша билса, иш бошқарувчи, яъни «қўшмачи» бўлар эди. Бу энг яхши ҳолатда рўй берадиган «келажак» эди Диана учун. Йўқса, у ёғи тақдирга ҳавола этиларди...

Йўқ, Дианани кимдир, нимадир қўллаб юборди: у ўз ҳаётига, ўз қисматига эга ва бу ҳаёт, бу қисмат ўзига жудаям-жудаям ҳуш келади энди. Ҳамда Диана ўша кимдирни яхши билади: бу — Акбар. Нимадирни ҳам биладики, бу — муҳаббат. Ўз бошига тушмагунча худди Акбардек у ҳам ишқнинг нималигини билмаганди ва Акбарга дуч келмаганда, эҳтимол, ҳеч қачон билмай ўтиши ҳам мумкин эди. Шундай бўлганда муҳаббатни «хаёлпарастлар бекорчилик ва имконсизликдан тўқиб чиқарган эрмак», дея ўтиб кетарди. Бироқ, йўқ! Энди йўқ!.. Диана ишқни энди мўъжиза — камдан-кам инсонларга Яратган томонидан юборилган эҳсон ўлароқ билади. Бундай қарамга муяссар этгани учун тақдиридан ғоят миннатдор. Ахир яна қандай муносабатда бўлсин? Айни ишқ туйғули фоҳишалик — сўнгги вой бўлган йўлдан ўзини, ҳаётини, туйғуларини қутқариб қолмадими? Айнан муҳаббат боис бир умрга татийдиган касб-корига — мененджерлигига

қайтиб, кўриниши бир, лекин мазмун-моҳияти бошқача, бутунлай бошқача пул топа бошламадимми?..

Тўғри, авваллари у ҳам Акбарни чиройли, жудаям чиройли эркак бўлгани учун яхши кўраман ва бу ҳис худди ўсмирлик вақтимда бир неча бор бўлганидек, йилларга ҳам чўзилмай ўтиб кетади, деган хаёларга бориб юрди. Мана, орадан ой эмас, йил эмас, бутун бошли ўн йиллик ўтиб кетаяптики, Акбардан фарқ қилиб, Диана қалбида ёнган аланга кучайган бўлса кучайдики, асло пасайган эмас. Бунга сабаб Диана Акбардек ҳар томонлама кучли бир шахснинг, мард бир эркакнинг дунёсига эш, унга қўшилиб-сингиб бораётганлигида эди. Ҳа, Акбар фақат кўзларни қамаштириб, бошларни айлантириб юборадиган даражадаги келишган қадди-қоматидангина иборат бўлгандайди, ўтган йиллар мобайнида Диана ундан совуб бўларди. Бироқ Акбарнинг юраги қоматидан-да гўзалроқ, ҳассосроқ, назокатлироқ туюларди. Бирга бўлишгани сайин Диана бу қалбга тобора чуқурроқ кириб борар ва ўзини унутарчасига лаззатланарди. Шунда баъзан ўйлаб қоларди: агар Акбар гўзал эмас, ўртача, эл қатори, ҳатто хунуккина эркак бўлгандаям бундай юраги учун уни девога бўлиб севиш мумкин! Ахир Диана бу йиллар давомида тушуниб қолгандики, Акбарнинг хуш қаддига кўникиб бўлганди, бу қомат энди Диана учун янгиликлар, кутилмаган совғалар тайёрлай олмас, лекин юрак... Акбарнинг юраги ўз мўъжизалари билан ҳалигача Дианани лол қолдиради. Ҳа, бу юрак мўъжиза яратишдан чарчамасди... Диана мўъжизага илк дафъа ўн йил бурун, Акбар уни аввал Маратдан, сўнг эса уч нафар тарафдорларидан ҳимоя қилганда дуч келганди. Воқеа бундай бўлганди: ўшанда Марат тавин келганди. «Ташриф»дан Акбар бежабар эди. Чунки Диана «улар мени тинч қўйишмайди, яхшиликча «ўйин»дан чиқаришмайди, барибир олиб кетишади,» дея айтган, жавобан Акбар «агар чинданам бу йўлдан чиқмоқчи бўлсанг, уриниб кўриш керак. Бунинг учун улар сени чақиришганда борма, ўзи келганда эса менга хабар қил»

деган ва гапига Дианани ишонтирганди. Диана Марат ва унинг гуруҳига ёлғиз Акбарнинг бас келишига ишонмасда, қалбида уйғонган бошқача ҳислар таъсирида «хўп» деганди. Марат ўзини олиб кетиш учун келганида уни уйга киритмай туриб, Акбарга қўнғироқ қилганди. Шунда тамоша бошланганди. Марат Дианани уриб қандай оғзи-бурнини қонатган бўлса, Акбар ҳам Маратни шундай, ҳатто бундан бешбаттар қилиб ўз қонига белаганди. Ўшанда шом пайти эди. Кечаси Марат учта барзанги билан келиб, эшикни очмаганига қарамай, Диананинг эшигини тепа бошлаганди. Шовқинни эшитган қўшнилари — Лариса хола, Акбар ва бошқалар чопиб чиқишганди. Акбарга кўзлари тушиши билан Марат ҳамтовоқларини унга хезлаганди: «Ана у, мени урган, солинлар, дабдаласини чиқаринлар!» Барзангилар эгасидан «бос!» деган амрни кутиб турган овчарка итдек ташланишганди. Бироқ уларнинг иккитаси ҳали зинадан кўтарилиб улгуришмай орқаларига қулашганди. Акбар ўзига ташланганнинг муштига чап бериб, сўнг эгилиб туриб қорнига туширгач, бир қўлини Маратнинг елкасига, иккинчисини зина тутқичига қўйган кўйи сакраб зинадан кўтарилаётганларнинг башарасига чунонам тепгандики, бечоралар орқасига йиқилишдан ўзга илож топишолмаганди. Кейин у ёғи анча енгил кўчди: Маратнинг моматалоқ юзига яна бир туширган эди, у ўзини пастда думалаб ётганларнинг устига ота қолган, биқинидан мушт еган, лекин бу вақт орасида ўзига келган барзанги билан эса анча олишишга тўғри келганди. Ниҳоят, ўзи ҳам аччиқ-аччиқ зарбалардан татиш баробарида барзангини пастга думалатиб юборганди. Дастлаб йиқилган иккитаси тепкидан кўра боши билан зинага йиқилганларидан кўпроқ лат еган кўринарди: ҳалиям бошаларини чангаллаган кўйи у ёқдан-бу ёққа думалаб ётишарди. Марат бўлса ўрnidан турган ва янаям қуйроқ тушиб юзини ушлаганча ҳансираб турарди...

Тирқишдан Акбарга кўзи тушгани заҳоти эшикни очган Диана буларнинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб, ҳай-

ратланиб қолганди. У Акбардек чиройли эркакдан бундай ҳаракатни — жасоратни, қатъиятни, довюракликни кутмаганди. Диана негадир хушсурат, гўзал одамларни, айниқса, эркакларнинг жудаям катта, кечириб бўлмас бир нуқсони бор — улар кўпинча қўрқоқ ё хасис, яна аксариётида аёлликдан нимадир, бир чимдим қандайдир жиҳат бўлади, деб биларди. Лекин бу сафар унинг қаршисида гўё истисно бир эркак турарди ва у нафақат ўзининг дилбар қиёфаси билан, айти чоғда аёлларни энг аввал ўзига жалб этадиган кучи — эркаклик сеҳри билан ҳам Диана хаёлига тўр солиб қўйганди...

Кейин вақт айланди. Фурсат деганлари шундай қудратлики, у ҳар қандай метин иродага эга бўлган кучли одамни ҳам секин-аста ҳолдан тойдириб, ахийри бир кун йиқитади, ўз измига солиб, эл қатори бир нусхага алантириб қўяди. Шундай қилиб, бу вақт деганлари ўз ўқи атрофида ўн карра айланди... Бироқ Диана Акбарнинг кулоқ чаккасида пайдо бўлган бир-икки оқ толаларни пайқадую, ўзида—шахсиятида, қарашларида қиттай бўлсада бир чўкишни, қартайишни, тақдирга тан беришни кўрмади, сезмади. Аксинча, аёл бу ғалати сеҳрга эга эркакнинг дунёсига қанчалик киргани сайин унга шунчалик яқинлашиб, боғланиб, меҳри-муҳаббати ортиб борарди. Фақат... фақат... эҳтимол буни камчиликка, нуқсонга йўйиб бўлмас... Диана ҳам шундай ҳисоблайди, нуқсон эмас дейди, ҳар бир кишида бошқалар томонидан суйиб қарши олинмайдиган қандайдир жиҳат дейсизми, феъл-одат дейсизми, хуллас, нимадир бўлади. Шундай нарса Акбарда ҳам бор эди... Диана буни ўзича «жунун» деб атарди.

— Сенинг жунунинг бор, биласанми? — сўрарди Диана Акбарни эркалаб.

— Йўқ, буни фақат сен айтасан, — дерди Акбар.

— Мен ўшандан — жунунингдан қўрқаман, — маънос тортарди Диана...

Қишлоқ кўчаларида яна баҳор тантана қилди. Яна ариқлар бўтана сувларга тўлиб оқа бошлади. Яна қалбаларда қиш олиб кирган муз — турғунлик парча-парча бўлди. Янги истак, янги орзу томирларда оқаётган қонни яна жунбушга келтирди.

Устига устак, бугун Акбар келадиган кун...

Фариданинг қувончи ҳамманикидан-да ортиқ. Кўклардан етаётган севинч унинг кайфиятига фақат илова бўлмаккагина ярайди. Фариданинг асл шодлиги бошқа — эри...

Сирасини айтганда, уларнинг ҳаёти рисоладагидек бўлмади. Лекин ҳозирги ҳолидагисига ҳам Фаридида шукр қилади. Ахир Акбар билан ҳар бир кўришув унинг учун ҳаётидаги энг катта байрамга айланган. Эсида, илгари — Акбар қамалмасидан бурун бунақа эмасди. Эри билан биргалик ҳисси уни ҳозиргичалик бахтиёр этмасди негадир. Энди ҳаммаси бошқача. Худди эртақдагидек... Албатта илк кезларда қийин бўлганди — яхши эслайди. У эри ва иши, эри ва болаларининг роҳати, эри ва туғилиб ўсган, кўниккан қишлоғи, одамлари, қариндош-уруғлари... ўрта-сида қолиб, қайси бирини танлай олмай роса эзилганди. Кейин... танлаб бўлгандан сўнг ҳам ўзини ўзи сўроқлаб, «нега бундай қилдим, Акбар мен учун шунчалар қадрсизмиди?» дея саволга тутиб тагин хуноби чиққанди. Гоҳ болаларни олдига солиб, гоҳ уларни ота-онасига қолдириб шаҳарга бўзчининг моккисидай қатнаш ҳам юрагига олам-олам малол изтиробини тўкқанди. Бироқ бугун барча изтироблар ўтиб кетганга ўхшайди. Фурсат, инсонга қандай таъсир этишидан қатъи назар, ўз ҳукмини эълон қилиб бораверар, ўз навбатида инсон ўша ҳукмлар майдонига тушиб қолаверар экан. Эҳтимол, бу ҳолда инсон томонидан қилинадиган энг маъқул ҳаракат — ҳукмларга қарши бош кўтармасдан, уларга чиройли бир тарзда бўйин сунмоқдир, тагин ким биледи... Нима бўлгандаям,

Фариданинг тутуми шунга яқин эди. Ҳа— ҳа, айнан Фариданинг, асло Акбарнинг эмас. Фарида қийналишлар эвазига бўлсада, алаал-оқибатда ҳаётини ўзи баҳра олабиладиган бир йўриққа солабилди. Ёки ўз қисматининг нурали жиҳатларини кўришга ўзида куч топаолди. «Нима бўпти эрим билан икки ойда бир кўришсам? Муҳими, учрашув мени бахтли этмоқда... Кейин мен навбатдаги учрашув ҳаёли билан умидланиб яшайман. Буларнинг ҳаммасида шунақанги саодат яширинган эканки, одамлар — гофил одамлар негадир фақат мудом бирга бўлишга уринишади. Лекин доимий биргалиқдан мен олганчалик маънини топа билармикан ўшалар? — ҳамма гап шунда!» — дея Фарида ўз ҳаёти маънисини ҳимоя қилиб қоларди гоҳида.

## 8

Акбар... Акбар бундай эмасди. Вақт қанчалар кучли, фармонбардор бўлмасин, бунинг Акбарга аҳамияти йўқдай эди. Вақт ўз янги фармонини эълон қилган сайин, Акбарнинг қаршилиги, норозилиги баттар ошарди. Во дариғ, балки чексизлик ҳам қайдадир ўзининг мантиқий ниҳоясига етар, лекин бу одамнинг муштдек юрагида гуриллаб ёнаётган исённинг адоғи кўринмасди. Бу ёқда Фарида, у ёқда эса Диана Акбардан миннатдор бўлиб, «у менинг кўнглимга қараяпти, у мен учун яшаяпти» дея ўзларида йўқ хурсанд ва бу хурсандчилигида самимийю бахтиёр эсалар-да, Акбар ҳаёлини банд этган куч — баррини тўлдириб ёнаётган ўт бошқа гулхан эди. «Қачон... қачон сўнади бу олов? — дея баъзан кимгадир хитоб қилиб қоларди Акбар, — қачон мен ҳам нуқсонлару гуноҳларга тўла бу маънисиз дунёни севиб қоламан?! Ёхуд, ҳеч қурса, уни ёмон кўрмай, ундан нафратланмай умргузаронлик қиламан?..»

Ҳа, Акбарнинг бутун куч-қуввати ушбу оловдан келатган изтироб-азобни ҳис қилиш, уни жон-жонидан ўтказиш, унга чидаб, сабр қилишга сарф бўлаётганди. Сийра-

ти шу эди, суврати — қуруқ савлати эса шаҳарга борарди, ишга қатнардди, қишлоққа келарди, бола-чақалари билан бирга бўларди. Кейин... кейин нимадир ёзарди. Йўқ, Акбарда ёзувчилик давоси йўқ эди. Ўзи ишлаётган газетада онда-сонда чиқиб турган мақолаларини ҳисобга олмаганда бошқа пичоққа илингулик бирон нима эълон қилган эмас. Лекин, барибир, ёзади, ўн йилдан бери ниманидир, қандайдир бир каттароқ, жиддийроқ бир асар устида ишлайди. Шу нарсани деб неча бор Диана билан ораларидан ола мушук ҳам ўтиб қолди: ёзиб ўтираркан, Акбар уни кўп марта олдига киритмади, ёки бирга бўлган кезлари ёзгиси келиб қолганда Дианани қўлидан етаклаб ўзининг уйига «кузатиб» қўйди. Диана Акбарга «жунунингдан қўрқаман» деганда, унинг шу хил ҳаракатларини-да назарда тутганди. Қисқаси, буларнинг бари битта сабаб билан изоҳланарди: Акбар ўзини таъқиб этаётган изтироб — исён деб аталимиш гулхан азобидан халос бўлмоқчи ва бир пас, атиги бир муддат тин олмақчи эди. Йўқса, жуда ҳолдан тойди. Ахир эсини таниганидан бери йўлда, эсини таниганидан бери поёнига етолмайди бу йўлнинг. Ҳатто қўналғаси ҳам йўқ унинг. Бу йўлга тушдингми, тамом, юрмоғинг, фақат юрмоғинг зарур. То сўнггига қадар...

«Ёки ўзинг адоёи тамом бўлгунингга қадар...» — пичирларди Акбар баъзан ўзига ўзи. Йиллар оша Диананинг ҳам, Акбарниг ҳам топишлари яхшиланиб борди. Болачақа бўлмагани боис уй-жой қайғуси ҳам, бошқа бойлик орттириш ташвиши ҳам, одатда, эсли-ҳушли одамларни кўпам безовта қилмас эканми, ҳар ҳолда, улар яхши еб-яхши кийдилар, қишлоққа жўнатдилар. Шундаям йил давомида анчагина пул йиғилиб қола бошлади. Лекин аёл кишидан пул қочиб қутулармиди, дейсиз, ҳар қанча бўлмасин, бир пасда совуриб ташлайдилар улар. Диана ҳам бало эди, у саёҳатни яхши кўрар, гоҳ Гавана оролларига бориб денгиз бўйида офтобда тобланишни, гоҳ эса Австралия тоғларида чанғида учишни хоҳлаб қолар-да Акбарни ҳоли-жонига қўймай етаклаб кетарди. Йиллар

турнақатор бўлиб ўтаверар, булар ҳам йилда бир-икки бор саёҳатга чиқишар, озурда кўнгилларини ҳушлаб келишаверарди. Ҳаммаси яхши, худди рисоладагидек гўзал кўринарди бу ҳаёт ташқаридан. Ичкаридан ҳам аслида шундай эди. Фақат гоҳи гоҳида Акбарнинг кўзига дунё қоронғи бўлиб кетарди, холос...

«Ниҳоят, мен тўқман, лекин ҳеч нима ўзгармади-ку! Кўксимдаги олов ҳамон гуриллаб ёнмоқда — мени жизғанақ қилиб куйдирмоқда-ку, дея ўзини ўзи таскинсиз сўроқларга гирифтор этарди Акбар ўшандай дамларда. У бутун изтиробларини туғиб бераётган куч — илк сабабни ҳам гўё билар эди, фақат тан олгиси келмас, уни эсламасликка уринар, на қашшоқлик ва на бадавлатлик таъсир этоладиган Исён оловидан қандай қилиб қутулиш мумкин?..» дея ўйларди. Акбарнинг тушуниб қолгани шу эдики, инсон боласи катта маънода ўз ихтиёрида эмас экан. У дунёга келишда қандай ихтиёрсиз бўлган бўлса, кетишида ҳам шундай чорасиздир. Ҳеч ким ундан бирон нима сўраб ўтирмайди. Инсон қандайдир улкан бир қудратнинг қўлида бир хомашё. Бу қудрат одамзодни хоҳлаган кўйига солади: истаса соғлиқ, чирой беради, истаса сўқир ё бадбашара қилади. Инсон улкан маънода, ўз қисматини заррача бўлсин, ўзгартира олмайди. У — (ҳақиқатан ҳам) камондан чиқиб учаётган ўқ. Инсонни ўқ мисол отган — бу дунёга келтирган куч бошқадир. Одамларнинг қўлидан ҳеч вақо келмайди: у қайси ёққа отилган, қандай куч билан отилган бўлса, худди шу томонга ва ўшандай тезлик билан учади. Ҳаёт, яшамоқ деганлари, аслида, шу!..

Акбарнинг норозилиги тахминан ана шу заминда турилганди. Унинг энг катта эътирози камонни отганга — Худога эди. «Нега одамзодга бунчалар ҳассос қалб ва нозик идрокни берганинг ҳолда уни шунчалар муваққат ва ожиз қилиб яратдинг?! Магарки шундай яратишни истган экансан, унда бани одам учун ҳассос юракка, нозик идрокка бало бормиди?.. Ахир у айнан шу хусусиятлари туфайли ҳам ўзини мудом бахтсиз сезади-ку... — дерди у



Яратганга исён қилиб, — чунки инсон ўз руҳининг гўзал эканлигини сезиб қолган ва бу гўзалликнинг ўткинчилиги, пешона ёзиғининг чидаб бўлмас даражада ачинарли эканлиги норозиликни — Исённи тувдирмайдими?... Би-ламан, яхши англайман, инсон ўз-ўзидан бино бўлган эмас. Жами тирикликнинг ортида шубҳасиз, Сен борсан, эй Яратувчи! Бас, шуни билгач, ўз қисматига қарши ошкора бош кўтариш ақл-идроқдан эмаслигини ҳам тушунаман. Лекин шунга қарамай, бош кўтараяпман. Бош кўтаришдан ўзга чора тополмаяпман. Нега, нима учун?.. Қани, жавоб бер Ўзинг, эй Холиқ?!..»

## 9

Парвардигорингиз фаришталарга «Мен Ерда (Одамни) халифа қилмоқчиман» деганида, улар айтдилар: «У Ерда бузғунчилик қиладиган, қонлар тўқадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сенинг номингни мудом пок тутамиз». Оллоҳ айтди: «Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан». Ва У Зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилиб деди: «Агар халифаликка биз ҳақдормиз, деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини менга билдиринг!».

Улар айтдилар: «Эй пок Парвардигор, биз фақат Сен билдирган нарсаларнигина биламиз. Албатта, Сен ўзинг илму ҳикмат соҳибсан. (Оллоҳ): Эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини билдир», — деди. (Одам) уларга барча нарсаларнинг исмларини билдиргандан кейин (Оллоҳ) айтди: «Сизларга Мен Еру Осмонларнинг сирларини ва сизлар ошкор қилган ва яширган нарсаларни биламан, демаганмидим?.. Эсланг (Эй Муҳаммад), Биз фаришталарга Одамга таъзим қилинг, дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат иблис кибр ва ор қилиб — кофирлардан бўлди. Ва айтдик: «Эй Одам, сиз жуфтингиз билан жаннатни маскан тутинг ва ундан хоҳлаган жойларингизда

бемалол таомланинг. Фақат мана бу дарахтга яқинлашманганки, у ҳолда золимлардан бўлиб қоласиз». Бас, уларни шайтон йўлдан оздириб, масканларидан чиқарди ва айтди: «Тушингиз (жаннатдан ерга!) (Сизлар) бир-бирингизга душмансиз. Энди маълум вақтгача (ажалларингиз етгунча) Ерда маскан тутиб яшайсиз!».

## 10

— Мен жуда чарчадим, устоз.

— Лекин йўлнинг адоғи кўринмайди-а?.. — шогирдининг кўзига синчков қараб сўради табиб.

— Ҳа... Лекин у яқин, тобора яқинлашиб келаяпти. Шундан хурсандман.

— Ўлимми?.. Янглишасан.

— Нега энди? Фақат ўлимгина менинг бутун изтиробларимга нуқта қўяди. Фақат унинггина қучоғида тасалли кўраман...

— Қаттиқ хато қиласан, — яна-да кескинроқ жаранглади табибнинг овози.

— Тушунмадим, устоз? — сўради Акбар ҳорғин, ич-ичига ботиб кетган кўзларини муҳотобининг кўзларидан олиб қочмай.

— Ўлимгача улгуриш керак!..

— Ахир сўнгги йўққа ўхшайди-ку бу йўлнинг?!..

— Бор. Ҳар қандай бошланган нарса қачондир, қайдадир яқун топади. Лекин гап шундаки, сен шу икки нуқта ни — ибтидо ва интиҳони ўз ҳаётинг давомида бирлаштира оласанми? Ундан ҳам муҳимроғи — сенинг бағрингга, сенинг дунёингга сиғадими шу икки нуқта?! Агар сиғса, сен яратган дунё шунга қобил чиқса, демак, сен улгурасан: ўлмасдан бурун ниҳояни топасан...

— Хўш, нега керак бу ниҳояки, магар ундан сўнг ўлим келса?

— Ўлиш учун.

— Усиз ўлиб бўлмайdimи?

— Ҳа, ўлиб бўлмайди. Тананг ўлиши мумкин, лекин қаноат топмаган руҳинг тасалли илинжида изтироб чекишда давом этаверади. Шунинг учун вақт оз. У — ўлимгача! Ўлимгача бу дунё билан боғлиқ ишларингни ҳал этмоғинг шарт, агар ўлиб тасалли топмоқчи бўлсанг. Бошқа чора йўқ... — андак тин олиб давом этди табиб. — Кўпам куйинаверма, ҳали ёшсан, улгурасан...

— Устоз, улгурадиганим ўша нарсанинг номи нима? Яқуннинг, ўша муқаддас ниҳоянинг исми қандай, ахир?.. — Акбарнинг овози ялинганнамо эшитилди. Табиб жавоб ўрнига жилмайиб қўйди. Акбар эса қизишди.

— Нега индамайсиз? Нега ҳар сафар гап натижага келганда мунг ташлайсиз, устоз! Ахир кўрмаяпсизми...

— Кўриб турибман, — шогирдини бўлди табиб, — кўриб турибман ҳолингни, ўғлим. Бироқ начора?.. Натижага ҳар ким ўзи келмоғи шарт, дея неча бор такрорлаганман. Бировнинг ҳулосаси ўзга биров учун кутилган, исталган натижа бўлолмайди. Агар шундай бўлганда эди, бола ҳеч қачон отанинг измидан чиқмасди. Ота айтгандай яшаб ўтарди. Гап шундаки, инсон ҳамма нарсани ўзи, ўз борлиғи билан тушунмоқчи бўлади. «Бу — олов, у қўлингни куйдиради», деганинг билан бола қачондир ўтга қўлини тикиб, куйдириб олмагунча кўнгли тинчимайди. Йўқса, дунёдан қанча улуғ-улуғ алломалар ўтмаган, дейсан. Мана, сен адабиёт одамисан. Лекин ўз ишингни Навоий бобо етиб келган жойдан бошламайсан-ку! Қайтага, Навоий қаердан бошлаган бўлса, сен ҳам, бошқалар ҳам ўша ердан — нолдан бошлайсизлар! Лекин ҳар ким ўз имконига қараб турли хил манзилларга келади. Ва ҳар кимнинг етиб келган жойи ўзи учун яқун бўлади, ўзи учун азиз, муқаддас саналади. Шунинг учун ҳам бировники бировга тушунарсиз: гоҳо баландпарвоз, гоҳо бундайроқ туюлади. Чунки имконлар, қаричлар ҳар-хил. Мен сенга «натижа шудир!» десаму вақти келиб ўз натижангга келганингда ўйланиб қоласан: устоз бундай деганиди, ҳолбуки, бошқачароқ экан-ку, дейсан. Аслида шундай бўлиши табиий. Чунки

биз бир-биримизга қанчалик ўхшамайлик, барибир, иккита одаммиз. Ҳар биримиз ўзимизча бетакрормиз. Ҳаётимизда ҳам, хулосаларимизда ҳам. Моҳиятда эса натижалар бир хил бўлиши мумкин. Кўринадики, биз битта нарса ҳақида ҳар хил овозларда — ўз овозимизда гапирамиз. Тафовут шунда — овозларда...

## 11

Кунлар илиб, табиатнинг ўзга оҳорга буркангани Лариса холаниям ташқарига етаклаб чиқди. Зиналардан тушгунча ҳаллослаб қолгани боис нарироқдаги дарахтга маҳкамланган ўтиргичга оғир чўкди. Чуқур-чуқур нафас олди. Андак ўзига келгандай бўлди. Негадир айлангиси келди. Оёғи остида ётган ярим қулоч келадиган таёқни кўтарди. Сўнг унга суянганча қўзғалиб бир томонга боса кетди...

Бу йўлақдан у неча бор ўтмаган, дейсиз. Санаб адоғига етиб бўлармиди... Лекин ҳозир яна бир бор юргиси келиб қолди. Негалигини билмасди-ю, ҳузур қилиб одимларди. Бир-бирига ўхшаган ҳам ўхшамаган кўпқаватли уйлар, дарахтлар, гаражлар, магазину бошқа қурилмалар... буларнинг ҳаммаси худди кўни-қўшни каби қадрли бўлиб қолар экан вақт ўтгани сайин одамга. Хола уларни ғалати... қоришиқ туйғулар ила кузатар экан, турли-туман, узук-юлуқ хотираларга берилди. Гўё шу жонсиз нарсалар ҳам ҳаётининг бир бўлагидек ёки холанинг ҳаётига шу уйлар, шу дарахтлар ҳам алоқадордек. Ҳа-ҳа, худди шундай. Чунки кўзини юмиб «менинг ҳаётим» деб кўрилганда нафақат одамнинг ўзи, ёши, босиб ўтган ҳаёт йўли, балки шу йўлда унга ҳамроҳ бўлганлар ҳам: хоҳ у инсон бўлсин, хоҳ кучук ё дарахт, бундан қатъий назар, ҳамма-ҳаммаси ҳаётнинг бир парчаси бўларкан. Қизиқ-а, етти ёт бегона одам агар сен билан қачондир бир марта учрашган, гаплашган бўлса, у ҳаётининг бир бўлагига айланса. Демак, оддийгина шу мантиққа кўра ҳам инсон ўзига қандай нарсани раво кўрса, бошқага ҳам шуни тилаши ке-

рак экан. У қисмати томонидан шунга маҳкум этилган. Чунки ўша бошқа киши унинг ҳаётидан бир парча-да!..

Лариса хола йўл юриб чарчади. Кўзлари ўтиргулик жой қидириб қолди. Ниҳоят топди, ўша томонга юрди. Бир пас тин олди. Кўзойнагини қўлига олиб артиб тозалаган бўлди, сўнг яна тақиб олди. Шу пайт рўпарасидаги уйнинг биринчи қаватидаги дераза қаноти «тақ» этиб очилди-ю жудаям қариб-чуриб қолган эркак кишининг қордек оқариб кетган калласи кўринди. Уни таниб олиш холанинг ҳаёлига ҳам келгани йўқ. Бироқ ўзидан-да кекса, ўзидан-да абгор бу одамнинг хатти-ҳаракатларини беихтиёр кузатиб қолди. Бу бош гавдасига кўпам бўйсинавермас, аксинча, енгил бир ҳаракатдан ҳам у ёки бу ёққа лиқиллаб тушиб кетаверар, кейин мудом титрар эди. Ич-ичига ботиб кетган кўзлари бирон нуқтага деярли қадаалмас, жудди бош сингари ҳаракатланиб, дуч келган жойга «қўнар-да» сўнг тагин «тойиб» кетиб қоларди. Агар Лариса холанинг кўзлари яхшироқ кўришга қодир бўлганда эди, англардики, бу киши ё кўрмайди ё жуда ёмон кўради: шарпаларнигина илғайди. Лекин унинг бутун қиёфаси холага кимнидир эслатиб юборди. Ҳа-ҳа, у таниш. Бироқ ким бўлдийкин?.. Хола бояги таёққа суяниб қўзғалди ва яқинроқ келиб тикилди: вой Худойим-эй, бу Дмитрий... Дима-ку!..

— Дима, Дмитрий, бу сенмисан!? — хола деворга деярли ёпишиб келиб овозини кўтариб сўради. Дмитрий амаки ўз исмини эшитди, шекилли, қалтираши баттар кучайди, кўзлари аланг-жаланг бўлди, ниҳоят, шарпани илиб олгандек Лариса хола қиёфасида кўним топди.

— Дима, бу мен... Лариса...

— Лариса? — бўғиқ, хирилдоқ овозда сўради Дмитрий.

— Ҳа-ҳа, Лариса!.. Эсладингми?.. — хола узалиб Дмитрийнинг кўлларини тутди, — Лариса, сен билан қирқ йил бирга ишлаган Лариса бўламан мен!..

Дмитрий амаки кафтлари ниманидир тутганини ҳис қилгани ҳамон унга қараб энгашди. Лариса хола «ўпмоқчи» деб ўйлади, бир пасда кўзларига ёш қалқди. Бироқ

бармоқларидан бирининг Диманинг оғзида сезгани ҳамон сергак тортди. Чамаси, Дима амаки уни бирон егулик деб билди ва зўр бериб тишсиз милклари билан тишламакчи бўларди... Хола қўлини тортиб олди-да чўчиб орқасига тисланди. Дмитрий амаки худди «егулиги»ни тушириб юборгандек пастга энгашиб қараган бўлди, қўлларини чўзди. Ҳеч нимани, ҳатто бояги — ўзини «Лариса» деб атаган шарпани ҳам топмади, шекилли, яна аввалги ҳолатига қайтди, қалтираши ҳам давом қилди. Худди ҳеч нима содир бўлмагандек...

Лариса холанинг «саёҳати» якун топганди. У таёғини тўқиллатиб уйига қайтди. Ҳарсилаб қолганига қарамай зинадан жаҳд билан кўтарила бошлади. «Кошки юрагимга зўр келса-ю тўхтаб қолса ё нафасим бўғзимга тиқилиб ўлсам, қутулсам... — дерди холанинг ич-ичида кимдир, нимадир. — Менинг ҳолим эвида экан. Қараликнинг ҳали бунақа ҳунарлари бор экан...» дерди у алам билан Дмитрийни эслаб...

## 12

Бу вақтда Акбар қишлоқдан қайтиб келаётган эди. Туйқусдан кўзи тўртинчи қаватда — ланг очиқ дераза кесакисида осилиб турган кампирга тушди. Бу — шубҳасиз, Лариса хола эди. Бирданига нима гаплигини англамади. Қадамини тезлатганича яқинлашаркан, тушундики, кампир тушмагур ўзини ерга отмоққа аҳд қилганга ўхшарди. Акбар қўлидаги сумкасини ташлади-да, оёғини қўлига олиб чопди: Лариса хола!!!.. Лекин фишт қолипдан кўчган эди. Хола ўз боласидек бўпқолган Акбарнинг овозини гавдаси пастга оғиб кетаётган сўнгги лаҳзадагина эшитди. Эҳтимол... эҳтимол бир дам аввал... атиги бир сония аввал эшитганда... ушлаб тургани тутқични қўйиб юбормасмиди... ким билади, дейсиз. Фақат тўртинчи қаватдан ерга — асфальтгача учиб тушаркан, бир фикр миясида ялт этишга улгурди, холос: «Ишқилиб, юзим билан тушмайин-да...»

Акбар кетгандан кейин табиб ўзидан ўзи нафратланиб кетди. «Нега ёлгон гапирдим? Нега ўзимни фариштадек кўрсатмоқчи бўлдим? Аслида менинг ичимга ҳам ғулгула тушиб қолган-ку! Бундан ўн йил аввалги хотиржамлигим қани, фароғатим қайга кетди? Ахир улар бор эди-ку! — дея сўроқлаб кетди ўзини ўзи. — Балки Акбар улгурар, ҳали ёш, лекин менинг бир оёғим ерда бўлса, бошқаси гўрда, насиб этармикан иймонимни бутлаб олиш... У қизалоқнинг тақдири нима бўлдийкин, ҳалиям тирикмикан, одамга ўхшаб яшаяптмикан?.. Билмадим. Ё парвардигор, умрим бўйи излаб-излаб энди Сени топиб, Сенга итоат қилиб тинчланганимда қандайдир бир сунъий қизалоқнинг пайдо бўлиши билан билан ҳаммаси барбод бўлиб кетаверадими?.. Наҳотки, шундай бўлса? Топиш қанчалар қийин бўлганди, йўқотиш шунчалар осонми?.. Наҳотки, менинг кўзим бу дунёдан очиқ кетса! Ахир бир умрлик чеккан заҳматларимнинг ҳаммаси ўлим олдида хотиржам бўлишга, қабоқларимни изтироб билан эмас, мамнуният билан юмишга бағишлаганди. Чунки мен топган маъни, мен топган дунё шу юмилган қабоқларим остида — ичкарида эканлиги ва ушбу маъни билан фақат хотиржам бўлишим мумкинлиги кўнгалгимга аримас бир тасалли бериши зарур эди. Бироқ қани у, қайга ғойиб бўлди? Наҳотки, у аввал бошданоқ сароб эди-ю, мен ғофил банда ўз тасавурумни ҳақиқатга йўйиб ўтирган чиқсам! Наҳотки, Сен ҳам... йўқ-йўқ, тил айланмайди, лекин нима қилай ахир шу савол ўн йилдан бери бағримда пайдо бўлган, ўн йилдан бери мени сиқиб сувимни ичиб келаётган бўлса! Тавба, дейману, бироқ саволни — мени адоий тамом қилаётган лаънати сиртмоқни ўзингга беришдан бошқа чорам қолмади, Парвардигор!.. Наҳотки, наҳотки, Сени биз... одамзод ўйлаб чиқарган бўлсак, наҳотки, Сендек қудратли зот мендек заиф ва но-чор маҳлуқотнинг хаёлларидагина пайдо бўлган эсанг!? Дод!.. Фарёд!!! Уйим... уйимиз куйди-ку Эй бани Одам!..»

Лариса холанинг дафн маросимига турли хил миллат ва динга мансуб тумонат одам йиғилди. Таъзия изҳор қилаётганлардан қайси миллат вакиллари кўп: русми ё ўзбек — билиб бўлмасди. Акбар билан Диана эса маросимнинг ўртасига тушиб қолишганди. Тўғри, Лариса холанинг ўзи тенгқур таниш-билишлари-ю дугоналари бор эди. Лекин уларнинг аксари кексайиб қолгандан бирон амалий ҳаракат қилишолмас, фақат ундай қилиш керак, бундай қилиш керак, тобут буюртма бериш лозим, қора рангли мато топиш, гўрковларни хабардор қилиш, машина гаплашиш зарур, дея туришарди, амалда эса уларнинг кўпига Акбар ва Диана елиб-югуришди. Сирасини айтганда, улар бундан асло оғринмади, аксинча, Лариса хола иккисига ҳам айрим қариндошдан-да азиз бўлқолганди. Фақат бемаъни ўлимнинг сабабини тушунолмаи азиат чекишарди.

— Нега ахир, — дея Дианани саволга тутарди Акбар машинада қабристон томон кетишаркан, — нега хола ўзини ташлади?..

— Балки сенга шундай туюлгандир. Хола бирон нима қиламан деб, кўқисдан йиқилиб кетгандир, — хуноби чикарди Диананинг ҳам.

— Йўқ, мен ўз кўзларим билан кўрдим, хола ўзини пастга отди. Бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас...

— Вой, Худойим-эй, нега энди?..

— Биламан... Мен биламан сабабини, — Акбар энди ҳовуридан туша бошлаган, чунки ўзи шоҳиди бўлган фожeanинг таъсиридан қутулиб, вазиятни ҳушёр таҳлилига киришганди, — Лариса хола қисмат юкини ортиқ тортолмай қолди.

— Бу нима деганинг? — ажабланди Диана.

— Кўявер, буни билмасанг, яхшиси ковлаштира, — Акбар «гап тамом» дегандек ўриндиққа «чуқурроқ» ўтириб, кўзларини юмди...



— Ассалому алейкум, табиб амаки...

Тонг аллақачон отиб, кун ёйилиб ётарди, лекин табиб эчаси қандоқ бошини хонтахта устидаги мушт қилинган ўллари устига қўйиб ўтирган бўлса, ҳозир ҳам ўшандоқ афозда ўтирарди.

— Ассалому алейкум!.. — овоз такрорланди.

Табиб уни олис-олислардан келаётган фаройиб садодек қабул қилди. Шунда шуурида уйғониш содир бўлди ва аввал ўз вужудини — оғриб турган суякларини ҳис этди, кейин кўзларини очиб, бошини кўтарди. Рўпарасида бир қўлида бола, бир қўлида тугунча Нигина — ўша оққон касали билан оғриган ва врачлар одам бўлмайдиган деган, лекин мана, кўриб турганингиздек, шифо топиб, бутунлай дарддан фориғ бўлган, ҳозирда эса турмуш қуриб, фарзанд кўрган ўша Нигина турарди.

— Ассалому алейкум, табиб амаки! — учинчи бор жанглади ҳавода аёлнинг овози.

— Ваалейкум, ке қизим, ке, — табиб кўзгадди, айвончага чиқиб юз-қўлини чайиб келди. — Бу ўғлингми? — йўрғакдаги чақалоқни аёл қўлидан авайлаб олди табиб. — Айтган эдинг, ҳа-ҳа. Жуда яхши, жуда яхши. Умринг узун, бахтинг тўлиғ бўлсин, кўзичоқ, — табиб бөланинг пешонасидан ўпиб, онасига узатди.

— Мен сизга кўксомса ёпиб келувдим, — Нигина қўлидаги тугунчани хонтахта четига қўйиб, чақолоғини бағрига олди.

— Ҳа, кўкдан ёпадиган пайт кепқолдимми? — раҳмат қизим, — табиб икки қўлини хонтахта устига ҳассадек тираб, оҳиста ўтирди. Сўнг Нигинага ҳам «ўтир» дегандек имо қилди.

— Йўқ, мен кетаман, — дедиё неғадир тараддуллади аёл.

— Нимадир демоқчига ўхшайсанми, қизим?

— Ҳа... — ийманди Нигина. Кейин тутилиб-тутилиб гапира бошлади. — Биласизми... мен... мен... — аёлнинг кўзлари ёшга тўлди. — Мен сизни яхши кўраман!..

— Биламан қизим, биламан. Мен ҳам сени яхши кўраман, — деди табиб кўнгли алланечук бўлиб.

— Сиз туфайли мен ҳаётга қайтдим, оила бахтини, она бўлиш бахтини кўрдим. Сиз мен учун отамдек азиз одам-сиз... То умрим бор экан, сизни дуо қиламан... — аёл яна нималардир демоқчи бўлди-ю, кўз ёшлари бўғзига тикилиб, гапиролмай қолди. Ўзини кўлга олмоқчидек бир-икки ютинди, бўлавермади чоғи, қизалогини бағрига маҳкам босганча шошиб чиқиб кетди...

Табиб... табибнинг юзига жуда кўҳна ва жуда кучли бир дард изтироби тошиб чиқди. Лабларига эса негадир «Ал-видо, Нигина!» деган сўзлар келди...

## 16

Бирин-сирин беморлар кириб, ўз дардини дастурхон этар экан, табиб ишга шўнғиб кетди. Одатича, тушлик ҳамқилмади. Лекин шомга бормай чарчаб қолди. «Кўкламнинг таъсири, иликлар қуриган палла», деб ўйлади ўзича. Ҳаммадан кейин остонада пайдо бўлган Искандарга ҳам ружсат бериб юборди: «Эртага кел, болам, эртага гаплашамиз».

Ошхонага ўтиб аччиқ кўк чой дамлаб келтирди. Кейин Нигина келтирган кўксомсадан «бисмилло» деб бир доната новул қилди. Орқасидан босиб-босиб уч-тўрт пиёла чой ичди. Михга илинган жойнамозни олди, лекин шомга андак бордек туюлди. Тасодифни қарангки, телевизорни қўйган эди, ўн йил бурун клон йўли билан дунёга келтирилган ўша машҳур қиз ҳақидаги кўрсатув бўлаётган экан, тик турган ҳолда бутун вужуди кўз ва қулоққа айланиб кузата бошлади.

— Мана қаранглар, томоша қилинглар, — дер эди шу ишнинг бошида турган америкалик олимлардан бири қизни кўрсатиб, — бу ўша қиз. Бундан ўн йил олдин инсон танасининг заррадек бир тўқимасидан махсус лаборатория шароитида яратганимиз илк тажриба маҳсули! Бизга

кўпчилик ишонишмаганди, шайтон малаклари, дея ҳақорат қилганлар ҳам, фирибгарлар, дея тухмат этганлар ҳам кўп бўлди. Ҳозир ҳам ораларингизда шубҳа билан қарайдиганлар бўлса, кўриб қўйсин, билиб қўйсин, биз ҳеч кимни аздаган эмасмиз. Биз тараққиёт йўлидан боряпмиз. Келажак — бизники!

— Мистер Смит, айтингчи, — дея саволга тутди журналист аёл, — бу қизча, умуман, клонлаш орқали дунёга келган... — журналистнинг «одам» сўзини айтишга тили айланмади чоғи, бир муддат каловланиб қолди.

— Одамлар, деяверинг, — шаддод мистер гапни илиб кетди, — ҳеч кўркмасдан одам, одамлар, деяверинг. Чунки улар сиз билан биздан ҳеч қандай фарқ қилмайдилар...

— Мен шуни айтмоқчи эдим, — чала қолган гапини давом эттирди журналист. — Наҳотки, клон ҳам одам бўлса, наҳотки унинг ҳам руҳи мавжуд эса?..

— Бўлганда қандоқ. Мана у — қаршингизда турибди, — мистер Смит ўрнидан туриб, клон қизалоқнинг тепасига келиб, елкалардан тутганча гапирди, — агар сизда қандайдир савол, шубҳа туғилган бўлса, марҳамат, айтинг, у билан гаплашинг. Шунда амин бўласизки, у ўзи қатори бошқа қизалоқларнинг ўзгинаси, худди икки томчи сувдек тенгдошларига ўхшайди.

Шундан кейин журналист қизалоқни саволга тута бошлади:

— Қизалоқ, исминг нима сенинг?

— Женнифер, — жавоб берди қизча.

— Жуда яхши, Женнифер, қани айтчи, сенинг ўртоқларинг борми?

— Бор.

— Уларни яхши кўрасанми?

— Ҳа, жудаям яхши кўраман...

— Кўриб турганингиздек, — гапни илиб кетди, мистер Смит, — Женнифер ҳамма қатори, ҳаммага ўхшаган қизалоқ.

— Шу ерда шошмай туринг, мистер Смит. — Ташаббусни қўлга олди шаддод журналист, — Женнифер ҳам-

мага ўхшаган қизалоқ бўлса, унда унинг табиий равишда туғилишини кутган маъқул эмасмиди? Клон нимага керак ўзи?

— Ҳали сиз ҳам оламшумул кашфиётимиз аҳамиятини етарлича тушунмаган кўринасиз. Одамзот шу вақтгача табиатнинг, фурсатнинг қўлида ўйинчоқ эди. Клон бундай таққирга чек қўйди. Энди инсон ўзига ўзи ҳоким бўлади. Унинг тақдирга бундан буён Худо ҳам аралашолмайди.

— Қандай қилиб? — таажжубини яшириб ўтирмади журналист.

— Бу жуда осон. Клон — инсоннинг мангу умр кечириши йўлидаги жиддий қадам. Мисол учун, сиз автоҳалокатга ёки тузалмас бир дардга учрадингиз ва оқибатда ўлим билан юзма-юз келдингиз, дейлик. Шундай пайтда зудлик билан тана тўқимангиздан бир зарра олинади-да, сизни клонлайди. Қарабсизки, ҳалокатга учраган танангиз жон таслим қилгунча буёқда гард юқмаган бошқа вужудда ўзингизни топасиз. Натижада сиз мангу яшайсиз, инсон энди ҳеч қачон ўлмайди, у Худога тенглашади... Энди инсонга Худонинг кераги йўқ!..»

Табибнинг юраги бирданига оғир санчди, кўксини чангаллаганча турган жойида энгашиб қолди. Мистер Смит эса ҳамон гапирар, лекин унинг бошқа биронта сўзи табибнинг қулоғига кирмасди...

Эртасига азонлаб бомдод намозига ҳар гал табиб билан бирга борадиган қўшни Охунжон ака чақириб келганда табибникидан садо чиқмади. Охунжон аканинг бир кўнгли кетаверай деди-ю, яна мулоҳаза қилиб қолди: «Ҳеч бунақа кутдирмаганди, ҳар ҳолда ёлғиз яшайди, қаричилик, бир ниҳа деб бўладими, кираверай-чи».

Охунжон ака табиб, табиблаб ичкари кирганда табибни жойнамоз устида саждага бош қўйган ҳолда кўриб «тобмоби қочдимикан, масжидга чиқмай уйдаёқ ўқий қопди» дея ўйлаганча изига қайтиб чиқди.

Охунжон ака эътибор қилмади. Қилганда эди, табибнинг саждасидаги кабир хатосини илғаб қолган ва «нега бундай экан?» дея намознинг битишини кутиб турган бўлармиди. Йўқ, у уйдан чиқди-кетди. Аслида, табиб хуфтон намозида бошни саждага қўйган асносида жони чиқиб кетганди... Охунжон ака кириб келганда эса унинг совуб қолган вужуди ўзини қўйиб юборган: гарчи жасад жойнамоз устида турган эсада, у қорнию кўкраги билан ерга қапишиб турарди. Охунжон ака буни пайқамади, ўзи айтмоқчи, қаричилик... Ёки ҳақиқатдан ҳам узоқдан шундай кўрингандир: табиб саждага бош қўйиб яратганга сизиниб тургандек ва нафақат ўзининг, балки жамики одамзод гуноҳларининг авф этилишини сўраб-тилаб олиб кўнгли хотиржам бўлган қўйи, мана, энди-энди бошини кўтариб қоладигандек эди...

## 18

Охунжон акадан бир-икки соат кейин ҳар кунги одатига кўра табибнинг олдига келган Искандаргина устози ўлимидан одамларга хабар берди...

## 19

Ўлим ҳақ. Худодан ўзга ҳеч ким ҳеч қачон қочиб қутилган эмас ундан. Буни ҳамма билади. Лекин, барибир, Азройилнинг ҳар ташрифи инсон юрагини бир фижимлаб кетади-да...

Устма-уст содир бўлган ўлимлар Акбарни эсанкиратиб қўйди. Айниқса, «табибнинг энди йўқ»лигини ўйласа, юрак-юраклари ҳувиллаб кетарди. Илгари бунчалик эмасди, демак, у ерда — Акбарнинг юрак-бағрида табиб ва унинг дунёси бўлган, яшаган. Энди эса у йўқ — бир умрга тарк этган бу жойларни. Акбар ана шу йўқотишга дуч келиб, унга боши билан, ҳаёти билан — бутун борлиғи билан «қар-

силлаб» урилгандагина кўзлари мошдек очилганини ҳис қилиб турарди шу тобда. Одам боласи сут эмган-да, ҳаминша шунақа: ёнидаги «жавоҳир»нинг қадрига етмайди-да олисдаги — нима эканлиги-да ҳали билинмаган нарсаларга кўз тикади. Акбарда ҳам шундоқ бўлди. У ёруғ оламдаги энг яқин ва энг азиз кишисидан айрилганини англаб турарди. «Бола-чақа, қариндош-уруғ-чи?» дея ҳайрон бўларсиз, балки. «Уларнинг менга фақат қон қариндошлиги бор, холос. Одамларнинг чинакам боғлиқлиги — уларнинг маънавий-руҳий қариндошлиги, маънавий-руҳий қисматдошлигидир аслида» дея ўйларди Акбар. Ҳа, Акбарнинг мезонларидан туриб боқилса, ҳеч ким табибчалик унга азиз эмасди. Шунинг учун ҳам у инсон боласи чекиши мумкин бўлган қайғунинг энг тубида ҳис қиларди ўзини. Ҳамда ёлғизланиб қолганини англа-да эзиларди. Ваҳоланки, ёнида хотини, ўғил-қизи, ака-укалари, қариндош-уруғлари, дўст-биродарлари бор эди. Дианадек Акбар учун ҳар нега тайёр гўзал қисматдоши бор эди... Йўқ-йўқ, буларнинг ҳеч бири табибнинг — бу бетақрор ҳассос, заҳматкаш улуғ инсон ўрнини босолмасди Акбар учун... Инчунун, устозининг ўлими билан Акбарнинг бир дарди ўн бўлди, қалбини, ҳаётини — бутун дунёсини ямлаб ютаётган ўт — ИСЁН олови устига ёғ қуйилгандек ҳис этди ўзини. Бу ҳам камлик қилгани каби, кейинги ўн йил мобайнида устози билан тўйиб-тўйиб диллашиб—дийдорлашолмаганликнинг, табибнинг доимо махфий тутиб келган сиридан энди мангу рофил қолишликнинг армони уни баттар эзар, довдиратарди. Акбар ўлим хабарини эшитган ва шошиб қишлоққа жўнаган, мана, ниҳоят, энди, бутун маросимларни ўтказиб тагин шаҳарга қайтиб кетаётган кунида ҳам бир нарсадан кўнгли жойига тушмасди: у ҳам бўлса, табибнинг «жим-жит» кетганлиги эди. «Менга нимадир, хатми, бошқами, шунга ўхшаш нимадир қолдирган бўлиши керак эди. Устоз лом-мим демасдан кетолмасди, бунга ҳаққи йўқ эди. Лекин нега ҳеч нима демай кетди. Ёафлатда қолдимиз? Йўқ, бунга ишонмайман. У бунақа... ёафлатда қоладиган

одам эмасди-ку!» — деган саволни тинмай такрорларди Акбар ўзига-ўзи. — «Устоз кенжа шогирди Искандарга хат қолдирибди, лекин менга... Нима, айтадиган гапи йўқми-ди менга? Ахир қанча саволларимни жавобсиз қолдирган-ди. Наҳотки, шундай бўлиб қолишини истаган бўлса!?»

## 20

Эрталаб ойна қаршисида соқолини қиртишлаб олаётган Акбарнинг елкасига Диана қўлларини қўйиб суйкалди.

— Жим... жим, ҳозир юзимни кесиб олишим мумкин, — ойнадаги Диана аксига қаради Акбар ҳаракатдан тўхтаб.

— Мени севасанми? — сўради аёл ҳам Акбарнинг елкаси оша аксига тикилиб ва беихтиёр жиддий тортиб.

— Ҳа, албатта, — ўйланиб жавоб берди Акбар.

— Лекин...

— Нима лекин?

— Лекин бу севги аввалгидақа эмас-а?

— Ҳа, эмас.

— Унда нима у? Ё севгининг ҳам хили бўладими? — хомуш тортиб сўради аёл.

— Шунақага ўхшайди, — устара сини сувга тутди Акбар. — Диана, кўнглимдаги ўн йил аввалги муҳаббат эмас-да, барибир сени яхши кўраман.

— Сен жудаям ўзгариб кетдинг...

— Биз ҳаммамиз ўзгардик.

— Йўқ, сен бошқача... жудаям бошқача ўзгардинг...

— Биламан... Чунки мен ишқдан барча саволларимга жавоб кутган эдим...

— Эҳтимол, айб ишқда эмас, мендадир...

— Асло! Айб сенда ҳам, менда ҳам эмас. Жумладан, ишқда ҳам.

— Нимада унда? Нега сен... мен... ўзгариб кетдик. Нега бир-биримизни ҳафталаб, ойлаб кўрмасак-да энди соғинмаймиз, қийналмаймиз? Илгари бунақа эмасди-ку ахир!..

— Диананинг кўзларидан икки томчи ёш думалаб тушди. Акбар кўлидагини ташлади, бурилиб аёлни бағрига босди, сочларини силади.

— Биласанми, бу саволни мен бутун умр ўзимга-ўзим бераман. Топган жавобларимнинг биронтасиям «алҳамди»-га арзимамайди. Йўқ, жавобни билмайман эмас, биламан, лекин у мени қониқтирмайди, қайтага қонимни қайнатади. Мен бундай жавобга қаршиман, ундан норозиман!..

— Нима экан ахир у? — пичирлаб сўради аёл.

— Қисмат. Сени, мени, уни — ҳамма-ҳаммани ўйинчоқ қилиб учириб юрган куч ўз пешоналаримизга битилган ёзиқ, бошқа нарса эмас! Ана шу ёзиққа кўра инсон туғилади ва ўлади. Яшамоқ шу икки нуқта орасидаги ҳаракат, холос. Сен билан менинг кўксимдан ишқни юлиб олган куч ҳам шу — қисмат, шу ҳаракат. Лариса холанинг ўз жонига қасд қилдирган ҳам — у! Мен шу кучга, шу қисматга, шу ҳаракатга қаршиман, тушуняпсанми, — Акбар Диананинг елкаларидан ушлаб олиб силкиди, унинг алфози важоҳатли эди, — мен пешона ёзиғидан, инсонлик қисматидан норозиман, англаяпсанми!..

— Акбар, Акбар!!.. — энди Диана Акбарни силкилаб ўзига келтирмоқчи бўларди, Акбарнинг кўзлари Дианада бўлса ҳам уни кўрмаётгандек бир нуқтада қотиб қолган, эҳтимол хаёлида қуюндек айланаётган Исённинг сийратига михланган эди... Диананинг силташларидан сўнг, ниҳоят, ҳушини тўплади, чоғи, кўзқорачиғи аёлнинг юз-кўзлари бўйлаб ҳаракатлана бошлади. Кейин... кейин уларнинг сиртига ёш қалқиб чиқди ва Акбар Дианага онасига илҳақ боладек маҳкам ёпишди-да ҳўнграб йиғлаб юборди...

## 21

Бироздан сўнг улар чой ичиб ўтиришарди.

— Лариса хола васият ёзиб қолдирган экан, — гап бошлади Диана. Уйини йиғиштирган хотинлар топиб олишибди.

— Шунақами, — ажабланди Акбар. — Хўш, нима ёзилибди у ерда?



— Нима бўларди, мол-мулк тақсими-да.

— Ҳм... — дея қўзғалди Акбар гўё бу нарсанинг унга ҳеч алоқаси йўқдек.

— Шошма, сен энг муҳимини эшитмадинг, — Диана эркакнинг қўлидан тутиб жойига ўтқазди.

— Хола уйини кимга васият қилибди, биласанми? — ўша ўлиб кетган каззоб Маҳкамнинг болаларига.

— Наҳотки? Ахир маҳалланинг аралашуви билан шартнома бекор қилинмаганмиди ўшанда? Ё холанинг хаёли форамуш бўлиб...

— Асло. Хола «шартнома бекор қилинганидан қатъий назар мендан кейин уйим Маҳкам аёлининг ихтиёрида бўлишини истайман» деб дона-дона қилиб ёзиб кетибди.

— Ҳақиқатан ҳам олижаноб инсон экан, — деди Акбар.

— Хола бизни ҳам унутмабди, — давом этди Диана. — Менга «Мадонна» идишларини, сенга эса ёзув столи, чироғини васият қилибди — антиквариат...

— Шунақами? — қўзғалиб ойнанинг қаршисига келди Акбар. Ишга кетиш олдидан қуюқ ва жингалакка мойил сочларини ҳафсала билан тарар экан, улар орасидан чаккасига тушиб турган оқ толаларга қараб қолди.

— Эътибор берма, — луқма ташлади Диана стол устини йиғиштираркан.

— Эътибор бераманми-йўқми, биз етадиган жойимизга етиб келдик, Диана. Энди орқага қайтиш бошланади. Шуниси алам қилади-да кишига... — у ўша оқ толаларни қора сочлари остига яшириш учун яна ҳафсала билан тарай кетди...

## УЧИНЧИ ҚИСМ

### 1

Акбар ҳамон ойна қаршисида сочларини тараб турар эди. Фақат... фақат энди у сочининг оқини эмас, аксинча, яккам-дуккам қолган қора толаларини қордек оқариб кетган қуюқ сочлари панасига олмоқчи бўлади... Ҳа-ҳа, нимасини айтасиз. Бу орада озмунча сувлар оқиб ўтдимми? Йигирма, нақ йигирма йил бўлди-я қахрамонимиз ҳолидан хабар олмаганимизга. Инсон умрига қиёс қилганда кичкина фурсат эмас бу ахир!.. Бунини Акбарга, унинг қиёфасига, ҳаракатларига разм солиб кўрсангиз ҳам пайқаб оласиз. У бир вақтлардагидек кескин ҳаракатлар қилмас, аксинча, анча мулойим тортиб қолган, юз-кўзларида ҳам илгариги олов ўрнида алақандай сокин бир мавж яшаб турарди. Лекин, барибир, бутун қиёфаси, ада қадди, жозибаси ҳануз ўша-ўшадек. Ҳа, Худойим бу бандасини худди Юсуф алайҳиссаломдек гўзал этиб яратганди. Унинг қордек оқариб кетган сочлари ҳам, қўлларини юз-кўзига тушган майда ажинлар ҳам, қўйинги, ҳамма-ҳаммаси ўзича хуш эди, кишини ҳайратини кўзғайдиган даражада гўзал эди. Андоқки, уни кўрган ўзга махлуқот ўз қисматидан бўйин товлаб, инсон бўлишга, бўлганида ҳам Акбардақа бўлишга рози бўларди. Бироқ... бироқ Акбар бутун умр исён қилди — ўз қисматини, инсонлик ёзиғини қабул қилмади, қилолмади, унга таҳрир киритиш керак, деб ҳисоблади... Лекин орадан йигирма йил ўтди, деяпмиз. Кўрайлик-чи, ҳали ҳам аҳвол ўшандоқмикан?..

— Диана, — Акбар сочини кўнглидагидек тараб бўлиб кампирга юзланди. — Мен қишлоққа кетмоқчиман.

— Яхши, ҳозир нарсаларингни тайёрлайман, — кексайиб қолган бўлишига қарамай, қариликни ҳануз тан олишни истамай ўжарлик қилаётгани шундоқ ҳаракатларидан, гап-сўзларидан билиниб турган Диана Акбарни ҳар галги-

дек бир-ики ҳафтага кетаяпти, деб ўйлади, шекилли, пинак ҳам бузмай энг зарурий кийим-бошларни жомадонга сола бошлади.

Акбар унинг қўлидан тутиб ётоқнинг четига ўтқазди, ўзи ҳам ёнига чўқди.

— Диана, мен бутунлай кетяпман...

— А?!.. — капалаги учди кампирнинг, — тушунмадим!.. Йўқ... тушундим... Бўлди, гапирма!.. — қўлини Акбарнинг қўлидан тортиб, юзини четга бурди Диана.

— Келиб тураман.

Жавоб ўрнига кампирнинг юзларида ёш думалади...

## 2

Диана «нега кетасан?» деб сўраганда Акбар бу саволга жавоб беролмаган эди. Ҳақиқатан ҳам нима бўлди, нима юз берди?.. Ахир бир яхши ишлаб-яшаб турувди-да! Ишхонада ҳамма уни ҳурмат қилади, у ҳам ишини яхши кўради. Уйда эса Диана Акбарни ўтқазгани жой тополмай келади. Ҳеч қандай галва ҳам, муаммо ҳам йўқ эди. Лекин нега кетаяпти у?..

Энди бу ёқда Фарида Акбарни сўроққа тутиб турибди: «Нега келдинг?» Дарҳақиқат, Акбар нега келди бу ерга? Ўғил-қизлари алақачон улғайиб, оила қуриб, ўзларидан тинчиб кетишган, Фарида ҳам нафақага чиқиб, неваралари билан овуниб ўтирган бўлса, нега келди у? Ахир ҳар иккиси ҳам борига кўникишганди-ку: онда-сонда кўнги-роқлашиб хабарлашарди, бундан ҳам камроқ марта кўришардилар... Хўш, нима юз берди ўзи?!..

Акбар буни билмасди. Билгани шуки, бағрида шу чоқ-қача гуриллаб ёниб турган олов — Исён ўтини ҳис қилмай қўйди, энди уни ҳеч нима қийнамасди, ўртамасди. На сўнги толасигача оқариб кетган сочлари, на юз-кўзларини босиб кетган ажинлар — мутлақо ҳеч нима!..

Беомон дард — Исён қайга ғойиб бўлди? — фақат шуни билмасди Акбар. Ахир у ҳеч нима қилмади. Йўқ-йўқ, эҳти-

мол қалб тўфонини бостириш учун қилган жамики саъй-қаракатлари ҳеч қандай натижа бермади, деб айтсак ҳақиқатга яқинроқ келар. Акбар бутун умр олишиб англагани шу эдики, юрагини эзаётган, ҳаётини поймол этаётган бу оловни ўчиришга унинг кучи етмасди. Йўқ! Бу гулханни енгилшга одамзод қодир эмас, дея такрорларди унинг тажрибаси. Бироқ нима юз бердики, у ғойиб бўлди!.. Худди ҳеч қачон бўлмагандек, ҳеч қачон ёнмагандек бу олов...

### 3

Белида кучи, кўзида нури бор бўлиб, туёқларидан чақмоқ чақиб кишнаб турган отдек бўптурган вақтида «инсон қани энди ҳеч қачон ўлмасам» деб пешонасига ўлим битгани учун Худодан ўпкаланиб, ундан норози бўлар экан. Бир вақтлар Акбар ҳам шундай эди: кўзларни қувнатадиган, дилларга ҳайрат ва ҳавас соладиган вужудини кўзгуда кузатар экан, наҳотки ўлим буларни ҳаммасини горат этса, дея сиқиларди. Бу кайфияти ўз йўлида бошқа мулоҳазаларга қўшилиб норозиликка, норозилик эса исёнга айланарди... Ниҳоят, бутун, қачонки ёши олтмишдан ошганда, қачонки кўзларидан олов пасайиб, хира тортиб сувланиб қолганда, иликлар қочиб адл қомати эгилиброқ турганда, орзу-мақсадлар ё ушалиб, ё ушалмай кўнгилини тарк этганда...

Эҳ-ҳе, нимасини айтайин, бир сўз билан айтганда, эртага нима бўлиши кўнгилини ортиқ қитиқламай, қийнамай қўйганда, ҳаммасига алақандай хотиржам, алақандай маъюс боқиб қолинганда ўлим норозилик эмас, йўқ-йўқ, балки яккаю-ягона нажот, қарилик-имконсизлик қафасидаги бирдан бир халоскор эшик бўлиб туюлар экан...

Ҳа, Акбар босиб ўтган ҳаёт йўлини мушоҳада тарозусида тортиб ўтираркан, ўзини бир умр таъқиб этган исён ўти ёшлик нииб — кўзларда ёнган оловнинг сўниши билан, белларда ўйнаган қувватнинг кетиши билан бир вақтда қалбини тарк этганини тушуниб турарди. Ҳа, мангу исён бу —

ёшлик, исён бу — гўзалик, исён бу — гўзал ёшликнинг давом этишини исташлик ёки мангу давом этмаслигига қарши норозилик... Инсон ёшлиги ва гўзаллигидан айрилдими, у исён қилишдан ҳам тўхтайдди. Чунки, ёшлик ва гўзаликсиз — гўзал вужуд, гўзал руҳ, умуман гўзалик туйғусисиз бу дунёнинг ҳам, унинг мангулигини ҳам қизиғи йўқ, қадри йўқ... Бошқа ёқда эса рофиллик ҳам кишини қийнайди. Бора-бора эса, норозиликни, исённи келтириб чиқаради, деб ўйлади Акбар. «Одамга руҳ ҳаётдан жудаям оз илм берилади», дейилади муқаддас китобларда.

«Эҳтимол шу беҳабарликдадир инсон изтиробларининг бир учи, тавин ким билади дейсиз», — деб яшади бутун умр Акбар. Энди... қачонки унинг бағрида гуриллаб ёнган исён гулхани ўчгач, рофиллик ҳам уни қийнамай қўйди. Қайтага, исён ўрнида туғилган ўша кайфият — ўша итоат... руҳида қандайдир бир маърифат бор эди. Маърифатки, рофилликни, унинг аламини ювиб юборишга қодир... Маърифатки, бутун умр жизғанаги чиқиб куйган кўнгилга, қизиб кетган кўнгилга бир енгил, бир сарин, бир ёқимли шаббодадай таъсир қиладиган...

#### 4

Қишлоққа келганининг учинчими тўртинчими ойи эди, кунлардан бир кун табибнинг ўша кенжа шогирди — Искандар эшик қоқиб кеб қолди.

— Устоз сизга хат қолдириб кетган эди. Омонатни келтирдим, — деди у Акбарнинг юзига синовчан боқаркан ҳамда қўллари хиёл титраб, униқиб кетган конвертни узатаркан.

Акбар ғалати бўп кетди...

— Нега энди?.. Орадан йигирма йил ўтди-ку!..

— Устоз менга ҳам хат қолдирган эди, — изоҳ бера бошлади тутилиб-тутилиб Искандар.

— Унда сизга аталган иккинчи хатни бу ерга бутунлай қайтиб келмагунингизча бермаслигим сўралганди. Мен васиятни бажардим.

Ўзга сўзга ҳожат қолмаганиди. Йўқса, Акбар Искандарни бўралаб сўкишга оғиз жуфтлаб турганди. Ниҳоят, ўзини тутди, титроқ қўлини узатиб худди шундай титраб турган қаршидаги қўлдан конвертни олди.

Искандар вазиятни тушуниб изн сўраб кетди...

Акбар бўлса, туртина-суртина ичкаридаги хонага кириб, орқасидан эшикни зичлаб ёпди, чироқни ёқиб пардани туширди, токи ҳеч қандай ташқи таъсир унинг устози билан йигирма йиллик айрилиқдан кейинги дийдорлашувига монелик қилмасин...

Акбар кўрпачага ўтириб, конвертни елимланган жойидан оча бошлади.

## 5

«Ассалому алейкум, Акбар!  
Хуш келдинг, биродари азиз!  
Ажабланма...

Қарийб бир умрга чўзилган машаққатли йўлни — инсон бўлишлик йўлини эсон-омон босиб ўтиб, манзилга етиб келганинг қутлуғ бўлсан, дўстим!

Ажабланма, энди сен менга ўфил эмас, биродаримсан, ҳабибсан. Ахир ёшинг ҳам олтмиш-етмишни қоралаб қолгандир. Элликларда бўлсанг, янада севиначим. Чунки манзилга эртароқ келган бўлардинг-да... Ҳай, майли, муҳими — етиб келганинг. Инсонлик мартабанг муборақ бўлсин, эй, Одам! Сенинг асл ҳаётинг мана энди бошланади. Чунки сен ўзинг ва дунё, ўзинг ва чин ҳаёт ўртасидаги парда — Исёндан, ниҳоят, энди халос бўлдинг! Халос бўлдинг, йўқса сен қайтиб келмасдинг. Исён сени куйдириб кулингни кўкка сочмагунча тинчимасди, сен қишлоққа эмас, балки ўзлингига қайтдинг, биродар. Ва ўзлингига қайтгунча қарийиб бир умр йўл босдинг. Иқболинг бор экан, умринг битмасдан туриб, дунё йўлини битирдинг — муддаинг ҳосил бўлди!

Мана, кўрдингми, сен мени эътирозсиз, битта ҳам сўзсиз, саволсиз тушуна бошладинг. Чунки энди биз тенг-

миз, тенг! Ёшинг эликми ё саксон, буни билмадим, лекин энди биз баробармиз, бизнинг етиб келган жойимиз бир, мавқеимиз бир, инчунун, биродармиз.

Акбар, дўстим, жигаргўшам, энди олдинга боқ, яхшилаб боқ! Нимани, кимни кўряпсан?! Бир вақтлар сени даҳшатга солган бўшлиқ ниҳоят чекилибдими? Ўрнида-чи, ўрнида нима бор энди? Яхшилаб боқ, инсон ҳаётининг, инсонликнинг маънисини энди ўша бўшлиқ ўрнида пайдо бўлган Борлиқда акс этиб турибди. Агар кўзларинг уни кўраётган бўлса, ўқи ва уқиб ол, биродар!.. Уқиб ол, чунки бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳали юрагингга қутқу солгувчи синовлар бўлиши ҳеч гапмас, чунки умрингни қурбонликка келтириб топганинг ИТОАТга — ИЙМОНга ҳали кўп ҳужумлар, хуружлар қилинади, огоҳ бўл!.. Огоҳ бўлки, мен ҳам худди шундай тажовузга дуч келиб турибман. Имконимга қарасам: янги курашларга чоғим келмайди — мункиллаб қолганман, улгурмайман, ахир. Шартга сўнгги чорани қўладим: Яратгандан нажот тиладим...

Умид қиламанки, Оллоҳим мени хор қилмайди. Умид қиламанки, юрагимда янги исён туғилиб улгурмайди. Умид қиламанки, энди ҳеч қачон бўшлиққа рўбарў келмайман...

Сендан битта илтимосим — Искандарга қара, агар унинг ҳоли сенинг кечаги кунингги эслатса, ёрдам бер. Ёрдам бер, токи, Итоатга бориш йўллари доимо очиқ бўлсин!.. Алвидо, Акбар!..»

## 6

Шундай қилиб, Одам хотини билан жаннатдан ерга тушди. Худованд билдириб турди. Одам ҳамма нарсага — набототу ҳайвонотга исм қўйди. Жумладан, хотинга ҳам. Ҳаво бўлди унинг исми, яъни «барҳаёт»...

Одам ерга тушган илк куниданоқ ман этилган олмани еганига қаттиқ пушаймон бўла бошлади. Кечаю-кундуз Парвардигорга илтижо қилиб, авф сўради. Юрак-бағрини жуда катта бир изтироб эгаллаб олган эди. Қанча уринмасин, ти-

нимсиз меҳнат қилиб ердаги турмушни изга соламан демасин, барибир, буларнинг ҳеч бири Адан ўлкасидаги ўша боғ ҳаёти ўрнини заррача бўлсин босолмасди. У соғинарди... Худованд дийдорини қўмсаб эзиларди Одам...

(Асрлар ўтиб Одамнинг авлодларидан баъзилари ҳам худди шундай аҳволга туш(а)дилар, бироқ уларнинг аксарияти Одамдан фарқ қилиб, гап нимада эканлигини тушунолмай ўзларини ўтга-чўққа ур(а)дилар).

Сургун-финоқдаги ҳаёт Одамни итоатга келтирди. Фарришталар бу ҳақда Оллоҳ таолога хабар беришди ва улар ҳам Одамни мағфират этишини сўрашди.

— Яхши, — деди Худованди карим жавобан, — Одамнинг гуноҳидан ўтаман. Бироқ, зурриётлари ҳам Одам босиб ўтган йўлни босиб ўтиши шарт. Шунини — тавба, англаш ва ҳис этиш йўлини ўтиб итоатга келганларгина авф этилган...

«...Кейин Одам Парвардигор тарафидан бир неча сўзлар (фармонлар) қабул қилиб олганидан сўнг Оллоҳ унинг тавбасини қабул қилди. Албатта, У тавбаларни қабул қилгувчи меҳрибон зотдир. «У жойдан (жаннатдан) ҳаммангиз тушинг» дедик. «Бас, сизларга мен тарафдан ҳидоят келганида шу ҳақ йўлга эргашган кишиларга хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар».

## 7

Акбар хатни қаршисидаги хонтахта устига ташлаб, ёнбошидаги ёстиққа бошини қўйди-да, узалганича кўзларини юмди. Хат тутаган эди, лекин унинг ботинида нимадир, одамзод кўниккандан бошқа қандайдир бир ҳаёт бошлангандек ва Акбар шу тобда унинг илк бўйини олиб сармаст бўлгандек, турфа ҳолларга тушгандек алфозда эди. Кўзларини юмиб ётаркан, Акбар бутун умрини қайтадан кўз олдидан ўтказар ва ниҳоят, эндигина тушунар, қабул қилар, рози бўларди. Ахир у нега ўшанда мактаб боласига қўл кўтарди, нега ўзга мамлакатларга пул излаб кетиб қолди, нега ўз оиласининг тотли бағрида яшамади, шаҳарга йўл



олди, кейин эса нега яна қишлоққа қайтиб келди? — мана, ниҳоят, энди тушуниб етаяпти. У ҳам бўлса ўша аёвсиз гулган — Исён эди. Вақтида Акбар ўз қисматини ўзгалар тақдиридан қидириб кўп китоб титиб кўрди. Бир заҳматкаш ёзувчи «Исён қилаётган одам гўзалдир» деб айтган экан. Ўша пайтда бу гап Акбарга жуда ҳуш келиб, «бошқа чора ҳам йўқ» деб юрганди. Энди... энди унинг бағрида сўниб ўлганди ўша ўт — Исён ўти ва Акбар даҳшатли тўфондан омон қолган кема капитанидек роҳат қилиб тин олаяпти. Эшитяпсизми, ТИН!.. Энди унинг кўзларида, бағрида, бугун борлиғида итоат нури ҳоким, итоатки, мислсиз исёндан сўнггина туғиладиган, итоатки, инсонни исёндан минг қарра, милён кара юксакроққа элтадиган!..

Акбар қабоқларини очди, аста кўзғалиб, ўзи билан шақардан олиб келган ягона матоҳи — Лариса хола васият қилиб қолдириб кетган ҳўп жимжимадор нақшли улкан ёзув стол устида очиқ турган каттакон дафтарга энгашиб ёзди: «У исёни кечиб ўтди ва ўзини исён қилаётган пайтдагидан гўзалроқ ҳис этди».

Кейин андак ўйлаиб турди-да, дафтарнинг илк саҳифасини очиб, катта ҳарфлар билан ёзилган «ИСЁН...» сўзининг ёнига «ИТОАТ» деб қўшиб қўйди. Акбар бу номни неча йиллардан бери қидирарди, бироқ топмаганди. Ниҳоят, мана у!.. — «ИСЁН ва ИТОАТ», мана у — инсон бўлишнинг ғоят машаққатли йўли, мана у — одамзод пешонасига битилган қисмат...

## 8

Омонат хатни топшириб кетгандан кейин Искандар Акбарниқига тез-тез келадиган, мезбон билан узоқ-узоқ суҳбатлашадиган бўп қолди. Шундай ташрифларнинг бирида эса «ёрилди»:

— Устоз менга ҳам бир хат ёзиб қолдирган эди...

Акбар бундан хабардор эди. Лекин хатда нима дейилганини билмасди. Билишга қизиқмаган ҳам эди. Ахир у бошқа бировга йўланган маҳрам-да!

Гапида давом қилди Искандар:

— Устоз хатида мени сизга шогирд тушишимни васият қилганди.

Акбар гапнинг давомини кутиб Искандарга синчковроқ боқди.

Искандар кўйнидан қоғоз чиқарди. Кейин уни авайлаб очди-да, ичидаги бир вараққина хатни олди. Акбар қоғозни таниди. У ўзига ёзилган хат қоғози билан бир хил эди. Искандар хатнинг ҳаммасини эмас, балки айнан ўзи ва Акбарга тааллуқли қисмини ўқиб берди: «Қачондир Акбар қайтиб келади, деб умид қиламан. Агар ўша вақтгача ҳам қалбингдаги бўронлар тинмаса ва мен билан гаплашиш истагинг сўниб кулга айланмаса, Акбарнинг олдига бор ва унга шогирд туш! Қалб кўзларинг ўшанда ҳам очиқ бўлса, мени албатта Акбардан топасан, болам...»

Искандар парчани ўқиб бўлиб, хатни авайлаб буклади-да ҳалиги қоғозга ўраб кўйнига солиб қўйди.

Ўртага сукунат чўкди...

Акбарнинг хаёли табибга кетган эди. «Тавба, — дея мулоҳаза юритарди у ўзича, — устоз қандай қилиб ҳамма нарсани олдиндан кўриб-билди экан? Ёки итоатдамикан бунинг сеҳру сири?» — кейин у Искандар ҳақида ўйлаб кетди, — «Бу йигит ҳам ўша оловда ловуллаб ёниб турибди. Ёши ҳам тахминан менинг қишлоқдан чиқиб кетгандаги ёшимга тўғри келади, ҳатто улуғроқ кўринади. Лекин изтироблари мен чеккан азобдан-да баттарга ўхшайди.. Йўқса, ҳеч қурса уйланиб бола-чақа орттирган бўларди. «Нега шу чоққача уйланмадинг?» десам, «Дунё — яшашга мутлақо яроқсиз жой. У — Худонинг муваққиятсиз чиққан чизмаси. Бас, шундай экан, дунё кўпайиб умргузаронлик қилишга арзимади. Кўра-била туриб эса ўз пуштикамаримдан бўлган болани дунёнинг шафқатсиз қўлларига топширолмайман, ахир. Азобни, хўрликни мангу давом этишини истамайман!..» — дейди тушмагур. Бунақа норозилик, бунақа шиддатли исён на менда ва на эҳтимол, устозда бўлган эди чамамда...

— Устоз, — ниҳоят чўзилиб кетган сукутни бузди Искандар, — менга рухсат берсангиз, сизга халақит қилайин...

Акбар уни кузатиб чиқди. Хайрлашди. Изига қайтиб бир неча одим ташлаб негадир тўхтади. Ўгирилиб «Искандар!» дея овоз берди. Сўнг иккиси — устоз шогирд бир-бирига қараб юриб келди. Оҳиста босиб келаркан, Акбар худди ўзига-ўзи гапиргандай қилиб деди:

— Инсон ўз орзу истакларига эришса, яъни ҳаётдан қониқиб яшаса, балки ўлим ҳам уни даҳшатга солмас ва вақти-соати келганда қийинчиликсиз дунё билан видолашар. — Бу пайт улар бир-бирига яқин келиб тўхташган, юзма-юз туришар эди. Акбар бўйи бўйига тенг хушқомат Искандарни иккала елкасидан тутди. — Лекин бунинг учун қалбингдаги чалкашликлар йўлини, шубҳа-гумонлар йўлини — Исён йўлини, — агар у бор бўлса, — барибир босиб ўтиш керак.

Искандар индамай қулоқ осиб турарди.

— Биласанми... гапни узатишнинг ҳожати йўқ. Сен... Сен сафарга чиқ!..

— Сафарга?.. Қандай сафар? — ажабланди Искандар.

— Билмадим, бунинг ўзинг ҳал қиласан. Менинг билганим эса шу — сафар! Имкон қадар йўлга тезроқ чиқ, ҳаялама...

— Акбар Искандарни худди видолашаётгандек бағрига маҳкам босганча, қуловига шивирлади, — улгурмоғинг керак, болам!.. »

*Тамом*

*Тошкент, 2002-2003*

Адабий-бадий нашр

УЛУҒБЕК ҲАМДАМ

ИСЁН ВА ИТОАТ

*Роман*

Муҳаррир С. НАЗАРОВ  
Мусаввир Б.БОЗОРОВ  
Тех. муҳаррир В.ДЕМЧЕНКО  
Мусаҳҳиҳ И.АКБАРОВА  
Компьютерда саҳифаловчи Е.НАЗАРОВА

ИБ№ 3842

Босишга 25.09.2003й.да рухсат этилди.  
Қоғоз бичими 84x108 1/32. Босма тобоғи 4,375.  
Шартли босма тобоғи 7,35. Адади 2000. Буюртма № 330.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланиб, «Ёшлар  
матбуоти» босмаҳонасида чоп этилди.  
700113, Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60